

R 496
1987/2



5
'87

ГУЛИСТОН
2
1987




С О В Е Т - Ҳ И Н Д И С Т О Н Д Ё С Т Л И Г И



«Деҳли декларацияси»ни имзолаш пайти.

Ю. Лизунов ва А. Чумичев телефотоси (ТАСС)



СССР билан Ҳиндистоннинг баҳамжиҳат ҳаракатлари ва ҳамкорлиги жаҳон сиёсатининг салмоқли омили бўлиб, халқаро муносабатлар системасида бунёдкорлик ролини бажармоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачевнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визити, унинг Ҳиндистон Республикаси Бош министри Ражив Ганди билан мулоқотлари бу фикрни жаҳон жамоатчилиги олдида яна бир бор тасдиқлади.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикаси раҳбарларининг учрашувлари ва суҳбатлари чоғида икки томонлама муносабатлар, шунингдек, умумбашарий муаммоларга таллуқли кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Суҳбатлар ошқоравийлик ва чуқур ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Деҳлида жуда катта, кенг миқёсда амалга оширилган ишлар Совет — Ҳиндистон муносабатларини бундан кейин янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга имкон берадиган ҳужжатларнинг имзоланганида ўз ифодасини топди. Сиёсат соҳасида ҳам, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар соҳасида ҳам, маданият соҳасида ҳам муҳим аҳдномаларга эришилди. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда 1987—1988 йилларда СССРда Ҳиндистон ва Ҳиндистонда СССР фестиваллари ўтказиш жуда катта аҳамиятга молик бўлади. Бу фестиваллар давлат-

ларимиз тарихидаги икки шонли санага: Октябрь революциясининг 70 йиллигига ва Ҳиндистон мустақиллигининг 40 йиллигига бағишланади. Фестивалларнинг миқёси ва мазмуни бу воқеаларнинг моҳиятига мос бўлиб тушади.

— Визит чоғида биз Совет — Ҳиндистон муносабатларининг ҳозирги аҳамиятини ҳам, ўз халқларимиз олдидаги ва бутун дунё олдидаги масъулиятимизни ҳам яна бир бор ҳис этдик, — деди ўртоқ М. С. Горбачев визит якунига доир биргаликда ўтказилган матбуот конференциясида. — Бу муносабатларнинг аҳамияти, аввало, шундан келиб чиқадики, бу ўринда гап турли социал системаларга мансуб бўлган, ҳар хил тарихга эга бўлган, миллий ва маънавий анъаналари жуда ўзига хос давлатларнинг муносабатлари тўғрисида бормоқда. Неча ўн йиллар мобайнидаги ўзаро манфаатли ва ҳалол ҳамкорлик туфайли халқаро сиёсатнинг муҳим омили бўлиб қолган ҳозирги замоннинг мана шу катта ва ўзига хос ҳодисаси рўй бериши мумкин бўлди.

Совет — Ҳиндистон муносабатларининг юксак даражаси туфайли «Ядро қуролидан холи ва зўравонликдан халос дунёнинг принциплари тўғрисидаги декларация» каби чинакамга халқаро аҳамиятга молик ҳужжат юзга келди. «Ҳозирча ядро қуроли тугатилмаган экан, — дейлади Деҳли декларациясида, — Совет Иттифоқи билан Ҳин-

дистон ядро қуроли ишлатишни ёки уни ишлатиш билан дўқ қилишни таъқиқлайдиган халқаро конвенцияни зудлик билан тузишни таклиф қиладилар. Бу тўла ядровий қуролизланишга эришиш йўлидаги катта конкрет қадам бўлур эди».

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон БМТнинг Ҳинд океанини тинчлик зонаси деб эълон қилиш ҳақидаги Декларациясини амалга ошириш мақсадида 1988 йилдан кечиктирмай халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги БМТ қарорини қўллаб-қувватлади. Ҳинд океанини ҳарбий аслаҳалардан халос қилиш, ер юзидаги мавжуд хавф-хатар ўчоқларини зудлик билан бартараф этиш ва янгиларининг пайдо бўлишига йўл қўймастик зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Қўшилмаслик сиёсати ҳозирги дунёнинг жуда катта таъсирчан кучига айланди. Унинг империализмга қарши, неоколониализм, ирқчилик ва босқинчилик сиёсати қарши самарали кураш олиб бораётганлиги Ҳиндистоннинг бу ҳаракатдаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон раҳбарларининг учрашуви муваффақият билан якунланди. Бу ҳар икки буюк мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ҚАЙТА ҚУРИШ КЎЗГУСИ

ЗАР қадрини заргар билади: sanoat корхоналарида маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш ҳақида гап кетганида, бутун мамлакат, бутун ишчилар синфи бу ажойиб ташаббусни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Бу муҳим ишнинг моҳиятини улар дарров тушуниб етишди. Қолаверса, бу меҳнаткаш одамлар қайта қуришнинг ҳар бир янги, новаторона одимиға фидокорона ишлари билан далда бердилар, унга барқарор, изчил суръат бахш этдилар. Бундай муносабат замирида эса меҳнатта ижодий муносабат яққол сезилиб туради.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№ 2 (444)
Февраль
1987



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг наشريёти

Дарҳақиқат, партия XXVII съезди белгилаб берганидек, ишни тубдан қайта қуриш зарур эди. Бу ҳақда кўп гапирилди: йигилишларда, учрашувларда — ҳамма жойда! Аммо битта нарсани ҳамма равшан тушуниб олиши зарур эди: қайта қуришни ҳар бир киши, ҳар бир ташкилот ўзидан бошлаши керак! Бу борада ҳеч ким тайёр қўлланма бермайди, унинг «дарслиги» йўқ. Дарслиги — ҳаётнинг ўзи. Қайта қуриш барчанинг баббаравар ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатишини тақозо этади. Вунинг учун эса ҳар бир киши катта ва умумий ишга дахлдорлигини чуқур ҳис этиши, қандайдир кўрсатмалар кутиб ўтирмасдан ишни янги-часига юритиш ҳақида ўйлаши керак эди. Тошкентдаги «Миконд» заводи партия комитетида бўлган суҳбатда ана шулар ҳақида сўз борди.

Таклиф қилинган кишилар корхонанинг цех бошлиқлари, етук мутахассислари эди. Шунинг учунми, улар бугунги куннинг энг «чирсиллаб» турган масалалари ҳақида баҳс юритишди.

— Хуллас, ижодкорлик ва қатъият керак ишимизда! — деди олдинги қаторда ўтирган киши баҳсга яқун ясагандек.

— Коллектив ташаббуссиз давлат қабулига ҳам, жадаллаштиришга ҳам эришиб бўлмайди, буни албатта назардан қочирмаслигимиз керак, — деди ҳаяжон билан ишчи йигит.

— Янгиликка жиззакилик билан қарайдиганлар, унга қаршилик кўрсатадиганларнинг жазосини бериш партия ташкилотига ҳавола, — деди яна бир киши.

...Гап биринчи тажриба — корхонада маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш ҳақида бораётганини сезгандирсиз. Бу ерда янгиликни жорий қилишга узоқ ва қизгин тайёргарлик кўрилди. Каттаю кичик — корхона раҳбарларидан тортиб оддий ишчи-хизматчиларга чакта битта ўй билан: қандай қилиб заводда маҳсулотнинг давлат қабулини муваффақиятли жорий этиш мумкин, деган масала билан банд бўлдилар. Ҳозиргина бўлиб ўтган партком йигилишида шу ҳақда сўз борди.

Бу шу масалага бағишлаб ўтказилган учинчи йигилиш эди.

1986 йилнинг июль ва август ойларида ҳам худди шу масала кун тартибига қўйилган эди. Ушанда коммунист, бош инженер Г. Плетминцев, директорнинг сифат бўйича ўринбосари Б. Пяклар анчагина қизариб қолишган эди...

Йигилиш тугади. Партком секретари Шавкат Саидов билан узоқ суҳбатлашиб қолдик. — Биласизми? — деди у корхона ҳовлисида чиққанимизда. — Давлат қабули шунча-

ки тадбир эмас. Бу — ишларни тубдан қайта қуриш деган сўз. Янги йилнинг 1 январидан уни жорий қилдик. Аммо бу борада ҳали кўп, жуда кўп иш қилишимиз керак.

— Масалан?

— Биринчиси — давлат қабули штатини комплектадик. Аммо энди масъулиятни ҳам, талабчанликни ҳам кескин оширишимиз керак.

— Бу иш шунчалик кийинми?

— Нима десам экан... Унга энг яхши, ўз ишига талабчан зўр мутахассислар киритилдию, аммо...

Маълум бўлишича, бундай мутахассислар заводда анчагина бор экан. Шу корхонада 18 йилдан бери ишлаб, авваллари касабасоюз комитетининг раиси, партком секретарининг ўринбосари бўлиб келган бош конструктор Геннадий Чумаченко давлат қабули раҳбари, бош конструкторлик бўлими бошлигининг ўринбосари Андрей Шевченко давлат қабулининг катта вакили бўлди. Уларнинг номзодлари партия ташкилотиде атрофлича муҳокама этилган.

Виз «Миконд» заводининг кўпгина цехларида бўлди. Ишчилар бу янгиликни бажонидил қабул қилишяпти.

Мана, уларнинг фикрлари:

— Ойлик маошимиз осди, нимаси ёмон?

— Авваллари техника назорати бўлимидан брак маҳсулотни ҳар хил йўллар билан ўтказиб юрганларга энди гов қўйляпти!

— Сифатсиз маҳсулот тайёрлаган ишчилар бемалол ҳақ олаверишарди. Индамасди. Энди сифатсиз маҳсулот учун ҳақ берилмайди. Брак учун моддий жавобгарлик кучайтирилди.

Хуллас, ишчи-хизматчилар виждонан ишлаш тарафдори: ҳар ким ҳалол ва сифатли меҳнатига яраша ҳақ олсин, дейишмоқда улар.

Заводнинг барча цех партия ташкилотларида кўпдан буён иш қизгин давом этмоқда. Корхона цехларининг ишчилари давлат қабулига ўз ижрочилари номзодларини кўрсатишди. Масалан, 5-цех партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Ренат Эгамбердиев, 3-цех партия ташкилотининг секретари Энвер Енилеев, 8-цех касабасоюз ташкилотининг раиси Зинаида Васильевалар ана шундай номзодлардан.

Уш, маҳсулотнинг давлат қабули корхона белгиси шарафи учун қатъий кураш, маҳсулотни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишнинг ягона йўли бўлса, нега бу борада тўсқин ва кийинчилик мавжуд?

Гап шундаки, маҳсулотнинг давлат қабули фақат конвейер охиридагина эмас, балки «оралик жараёнлар»да, яъни ҳамма технологик «занжир»да ҳам ишнинг аниқ ва сифатли бўлишини таъминлашдан иборатдир. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг бошидан то охиригача — барча босқичда юксак сифатта эришиш лозим. Гап ҳамма участкаларда ишлаб чиқариш маданиятини бирдек юксалтиришга, юксак технологик интизомга қаратаётган.

Ғ. Тошхонов ва Т. Камаев бошчилик қилаётган 5- ва 8-цехлар, М. Гитман етакчилик қилаётган 12-цехда худди шу масала юзасидан қандай тадбирлар амалга оширилётгани парткомда кўриб чиқилди. Умуман, ҳар ҳафтанинг жума кунини ўтказилаётган идеологик режалашда цехларнинг бошлиқлари ва партия ташкилотларининг секре-

тарлари, касабга союз ва комсомол ташкилотлари фаоллари қатнашишапти. Бундай йиғилишларда мастерлар ва бошқа ишлаб чиқариш «командирлари» билан ишчилар ўртасидаги муносабатлар атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Иш жойларини тартибга келтириш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, технология қондаларига риоя қилиш, бошқача қилиб айтганда, «энг оддий интизом» давлат қабулининг биринчи зарур шарты десак, тўғри бўлур эди. Иккинчи зарур шарты — ишлаб чиқаришда қаттау кичик «командирлар» психологиясини қайта қуриш керак эди. Завод партия комитетининг секретари Ш. Саидов қорхона цехларини айланб юрганимизда бир гапни тез-тез такрорлади:

— Давлат қабулини жорий қилишга ярим йил давомида жуда қаттиқ тайёргарлик кўрдик, биласизми, бизни асосан нима ташвишга солди: ишлаб чиқариш командирлари психологиясини қайта қуриш... Ҳа, ишчидан тортиб директоргача, оддий коммунистдан то партком секретаригача ишда ҳар қандай брак ва технологияни бузишга қатъий чек қўйиши лозим эди! Шундай қилинапти ҳам. Бу жараёндан турли баҳоналар билан ўзини четга оладиганлар моддий ҳам маънавий жазоланапти, жуда бўлмаганда кўпчилик олдида қизартириляпти.

Шундай бир «воқеа»ни айтиб беришди: КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожатномаси эълон қилинган кезлар эди. Унда «ўзгалардан нусха кўчирилган мажбуриятлар» қабул қилишга, «кабинетларда ўйлаб чиқарилган ташаббуслар»га, «муваффақият камроқ бўлса ҳам дабдабали қилиб тўқилган рапортлар»га чек қўйиш ҳақида очик-ойдин айтилган эди. Худди шу пайтда заводнинг 3-цехи 12-цехни мусобакага қақирибди, деган гап тарқалди. Парткомда бу иш билан қизиқиб қолишди, негаки, ўша пайтда 3-цехнинг биров билан беллашадиган ҳоли йўқ, ойлик плани аранг эплаетган эди. 3-цех бошлиғи В. Рустамова бундай «мусобақа»дан наф йўқлиги, бундан кўра цехдаги ишларни тубдан қайта қуриш ҳақида жон куйдириши фойдалироқ эканлиги айтилди.

Ишчилар ҳам, мастерлар ва цех бошиқлари ҳам ҳозир шуни яхши тушуниб олишди: энди сифатсиз, брак маҳсулот тайёрлашга йўл қўйишлар вақти, сифатсиз, брак маҳсулот учун индамаслик, кўриб-кўрмаганга олиш даври ҳам ўтиб кетди!

КПСС XXVII съезди делегати, моҳир тоқар Э. Ёқубхўжаев айтганидек:

— Маҳсулотнинг давлат қабули ҳар биримиздан яхши ва виждонан ишлашни, давлат стандарты талабларига мувофиқ ҳалол ишлашни тақозо қилапти. Виргина биз ишчилар эмас, ҳамма ўз диёнатига садоқат билан ҳалол ишлайдиган палла келди!

Хуллас, «Миконд» заводи коллективи маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этди. Тўғри, ҳар қандай янгиликнинг ўзига яраша, «кўзда тутилмаган» қийинчиликлари бўлади. Энг муҳими, ишчи-хизматчиларнинг, инженер-техникларнинг энди харидорлар, бутун эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлишида: чунки тоза виждон билан ишлаганинг доимо руҳи энгил, ноин ҳалол, топган-тутгани эса баракали бўлади.

* * *

Журнал саҳифаланаётган пайтда «Миконд» заводи партия комитетининг секретари Шавкат Саидов билан боғланиб, юқорида айтиб ўтилган янгилик қандай кечаетганлиги билан қизиқдик.

— Давлат қабулини жорий этиб бўлдик, шу кунларда эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳаммаси давлат қабулидан ўтмоқда. Айтиш керакки, барча ишлаб чиқариш бригадалари, ишчилар, инженер-техник ходимлар бу тадбирнинг рўёбга чиқаетганидан чуқур қониқиб ҳосил қилмоқдалар.

Маҳсулот сифатини ошириш йўлидаги бу янгиликнинг истиқболы ҳозирдаёқ кўриниб турибди...

Ҳамид ИКРОМОВ

БИОЛОГИК УСУЛ САМАРАСИ

АВИАТ хўжаликда биологик усул маънаби бўлиб, барча жонотлар учун зарурий неъматлар унда муҳайёдир. Ҳаётимизнинг соғлом, гўзал бўлишида табиатнинг омиллари — ер, сув ва ҳавонинг тозаллиги, тирик мажжудотларнинг ўзаро уйғунлиги қатта роль ўйнайди.

КПСС XXVII съездида ўртоқ М. С. Горбачев: «Олдимизда табиатни муҳофаза этиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазифаси кескин бўлиб турибди», деб таъкидлади. Ўтган беш йилликлар давомида, республикамизда бўлганидек, Хоразм областида ҳам табиатни асраш, унинг имкониятларидан фойдаланиш борасида бирмунча ишлар қилинди. Бу масалага мутасадди бўлган комиссиялар ва бўлимларнинг фаолияти яқшиланди.

Албатта, ҳар бир районнинг иқлим, ер-сув ва тупроқ шароитлари ўзига хос. Масалан, қуйи Амударё миқёсидаги тупроқлар ер ости сувлари яқинлигидан шўрланганлиги учун ҳам бу ерда деҳқончиликнинг ўзига хос усуллари шаклланган. Ҳозир Амударё сувининг асосий қисми юқори ва ўрта оқимдан республикамизнинг ўрлаштирилаётган майдонларига олинишни ҳамда 1970 йиллар охири, 1982, 1986 йилларда юз берган қурқоқчилик Хоразм воҳасида сув танқислигини вужудга келтирди. Бундай қийинчилик йилларида гидролог олимлар тавсияси билан қисман зовур сувларидан фойдаланишга, айрим ҳолларда зовур сувларини тўсиб қўйиб, маълум муддатта шу жойда ер ости сувларининг қисман кўтарилиши ҳисобига тупроқда нам сақлашга ўтилди.

Бу қил мажбурий тадбирлар оқир-оқибатда даладарининг шўрланганини ва тупроқнинг минералланиш даражасини оширмоқда, тупроқни зичлаштириб, унда ҳаёт кечирш учун зарур бўлган модда алмашинув жараёнининг бузилишига олиб келмоқда. Тупроқнинг шўрланиш даражасига қараб айрим хўжаликларда ҳосилдорлик ўртача 25—35 фоизга камайиб кетди.

Уш, республикамизда ўн иккинчи беш йиллик давомида Жиззах, Қарши чўлларида ва Амударё этакларидан 360 минг гектар янги сугориладиган ерлар ўрлаштирилиши белгиланган бир шароитда тупроқ унумдорлигини қандай ошириш мумкин? Визингча, бу муаммони тўғри планлаштирилган пахта-беда алмашлаб экиш системаси орқалигина ечиш мумкин. Бунда фан янгиликларига асосланиб иш тутсак, тупроқ таркибиде чиринди (гумус)нинг кўпайишига, ўсимликларнинг унб-ўсиши учун зарур бўлган органик моддаларнинг тўпланишига эришилади. Бу тадбир, бир томондан, тупроққа кўп миқдорда минерал ўғитлар ишлатмасдан иқтисодий самара берса, иккинчи томондан, бир далага сурункали бир экин (монокултура) экиш туфайли давом этаётган касалликларнинг олдини олади ва араон, юқори ҳосил тўпланишини таъминлайди.

Табиат ва инсон

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССРнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган комплекс илмий-техникавий программаси туб моҳияти билан инсон соғлигини муҳофаза этишни, мамлакатимизнинг миллий бойликларига эҳтиёткорлик билан ёндашишни назарда тутди. Бу масъул вазифаларни бажаришга фан ютуқларига асосланиб, тўғри ёндашиш талаб этилади.

Маълумки, ҳозирги куннинг талаби хўжаликни жадал ривожлантириш, бошқаруви тақомиллаштиришдан иборат. Шунингдек, кишлоқ хўжалик экинлари касалликларига, зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш ва айни вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳам тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда иқтисодий самарали усул — зараркунадаларга қарши биологик кураш усули қўл келади. Зараркунадаларга қарши курашиш унинг табиий шўрандаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилаётганлиги учун ҳам қимматлидир.

Кейинги йилларда область партия, совет ва хўжалик ташкилотлари жойларда биологаториялар сонини кўпайтиришга, ундаги мутахассислар фаолиятини оширишга эътибор бермоқдалар. Хоразм области хўжаликлариде 1975 йилда атиги учта биологатория бўлиб, унда ўн бир мутахассис хизмат қилган эди. 1985 йилга келиб эса лабораториялар сонини 61 тага етказилди. Буларнинг ҳаммасида мутахассис кадрларнинг унумли ишлашлари учун имконият яратилди. Натигада фойдали ҳашаротлар ердаимида зараркунадаларга қарши кураш олиб борилган экинлар майдони 1975 йилдаги 2 минг 423 гектардан 1985 йилда 277 минг гектарга етди. Айниқса, бу ишлар областининг Хонқа, Богот, Шовот, Хева ва Қўшқўнир районларида яхши йўлга қўйилган. Ишининг самарасини Хонқа районидеги Ленин орденли Ожунбобоев номли, Карл Маркс номли ва «Правда» колхозлари мисолида янада яққол кўриш мумкин.

Ожунбобоев номли колхоз сартамоқ хўжалик бўлиб, 3 минг 100 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Колхозда халқ хўжалик планлари муттасил бажарилаётганлиги сабабли хўжалик экономикаси мустаҳкамланиб, колхозчиларнинг маданий-маиший ҳаёти тобора яқшиланмоқда. Бундай ютуқларда колхозда ташкил қилинган биологик лабораториянинг ҳам маълум ҳиссаси бор. Виргина 1985 хўжалик йилида 11 минг 800 гектар ердаги экинлар биологик усул билан химоя қилиниши туфайли колхоз 198 минг сўмини тежаб қолди. Таққослаш учун шуни айтиш мумкинки, шунча майдондаги экин қимёвий дорилар билан

(Давоми 7-бетда)

КУЧ ЗЎРЛИКДА ЭМАС, БИРЛИКДА

ДУСТЛИК ҚЎШИҒИ

Советлар элидек ҳинд халқининг ҳам Тинчликка ҳамиша ташналиги бор. Қадимдан қалблари туташ, мустақкам, Икки буюк халқнинг ошнаналиги бор. Бу улуг дўстликдан яйрар жисму жон: Яша, Совет халқи!
Яша, Ҳиндистон!

Тинч-тотув яшашдир халқлар матлаби, Босқинчилар тарих олдида хижил. Мустақиллик бўлди Ганди талаби, Унинг даъватидан ёришди ҳар дил, Мустақиллик хиндга олиб келди шон. Яша, Совет халқи!
Яша, Ҳиндистон!

Ҳақ сасин кесолмас қиличнинг дами, Тагор чорловлари яшар дилимда. Жавоҳарлаъл Нерунинг босган қадами Дўстлик муҳри бўлиб қолган элимда. Уни устоалар ҳам этишган достон: Яша, Совет халқи!
Яша, Ҳиндистон!

Мангудир Тошкентда Шастри руҳи, Кўчаю мактаб бор унинг номиди. Москва — Деҳлининг порлоқ шуқуҳи Куёшдан муждадир тонг айёмида, — Икки буюк давлат муроиди бу тонг: Яша, Совет халқи!
Яша, Ҳиндистон!

Ҳинд қизи рақсининг «така-тум»идан Завқлини тебранса ҳамманинг боши, Индира Гандининг табассумидан Чарақлаб кетганди дўстлик куёши, Унинг табассуми чарақлар ҳар он: Яша, Совет халқи!
Яша, Ҳиндистон!

Ҳамиша қилсин деб дўстлик тантана, Мусаффо бўлсин деб замин ва само — Икки буюк давлат раҳбари яна Деҳлида Тинчликка чекдилар имзо... Маъқуллаб дер бу кун жумлаи жаҳон: Яша, Совет халқи!
Яша, Ҳиндистон!

Бу ҳужжат бахт сари элларни чорлар, Куролсиз келажак — олисни кўзлар. Чекилган имзодек дилларда порлар Дўстлик, Тинчлик ва Эрк — тонготар сўзлар. Тонготар сўзлардан ёришсин замон: Яша, Совет халқи!
Яша, Ҳиндистон!

Бу дўстлик тонгидан нур олсин дунё, Дунёнинг зиёга ташналиги бор. Зеро, икки халқнинг дўстликда дарё, Меҳрда туганмас чашмалиги бор. Бу дўстлик меҳридан яйрар жисму жон: Яша, Совет халқи!
Яша, Ҳиндистон!

Эргаш МУҲАММАД

Ҳозирги пайтда ер юзида жамланган ядро курул-яроғлари шу қадар кўпки, инсоният вулқон устида яшашдек хатарли вазиятни бошидан кечирмоқда. Курулланиш пойғаси эса ҳамон тез суръатлар билан давом этаёпти. Янги-янги оммавий қирғин куруллари кашф этилмоқда. Хўш, бундай аҳвол қачонгача давом этади? Нахотки, бир учқун чиқиши ва ер юзидаги неча минг йиллик ҳаёт лаҳзада куйиб кул бўлишига қўл қовуштириб қараб турсак?

Бугунги кунда тинчликни қадрлайдиган ҳар бир киши тилида бу саволлар тез-тез такрорланади. Жаҳондаги юзлаб мамлакатларда авж олиб бораётган тинчлик учун кураш ҳаракати ҳам энг аввало ана шу хатарли пойғани тўхтатиш, инсониятни ядро ҳалокати хавфидан қутқаришга қаратилган. Яқинда республикамизда Америкадаги урушга қарши ҳаракат фаолларидан бир гуруҳи меҳмон бўлди. Улар Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, олий ўқув юртлари, ташкилот ва муассасаларда бўлиб ўтган учрашув ҳамда мунозараларда иштирок этдилар. Ана шундай учрашувлардан бири «Тошкент оқшони» газетаси редакциясида ўтказилди. Журналистлар билан америкалик меҳмонлар ўртасидаги кизгин баҳс шунини кўрсатдики, бир қатор масалалар юзасидан қарашларда тафовут бўлса ҳам, давримизнинг бош проблемаси — ядро уруши хавфини бартараф этиш борасида фикрлар ҳамохан экан. Меҳмонлар Америка меҳнаткашлари милитаристик кучларнинг қирқдорларига қарши қандай кураш олиб бораётганликлари ҳақида гапириб бердилар.

Афсуски, АҚШ ҳозирги маъмуриятининг фаолияти мамлакат ва бутун жаҳон халқлари манфаатларига тамомил яздир. Агар биз халқро сиёсатга назар ташласак, унда икки хил йўналиш борлигини пайқаймиз. Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагер ва тараққийпарвар мамлакатлар сиёсати ер юзидаги миллионлаб тинчликсевар кучларнинг озу-интилишларига тўла мос бўлса, АҚШ ва унинг Шимолий Атлантика блогидаги иттифоқчилари халқро кескинликни кучайтириш, курулланиш пойғасини авж олдириш, бошқа давлатларга тазйик ўтказиш йўлидан бормоқдалар. Натижада Шарқ ва Ғарб ўртасида илгари имзоланган шартномалар ҳам барбод қилинмоқда. Виргина мисол: стратегик куруллари чеклаш бўйича 1972 йилда имзоланган мубаққат битим ва 1979 йилда имзоланган 2-шартнома халқро кескинликни юмшатишда, тинчликнинг муҳим шарт бўлган ҳарбий-стратегик мувозанатнинг сақланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айни пайтда стратегик куруллари кўпайтирмаслик ва кейинчалик уларни қисқартиришнинг реал истиқболларини очиб берди. Аммо АҚШдаги милитаристик кучлар турли хил баҳоналар билан бу битимларга қарши ҳаммалар уюштириб келдилар. СҚЧ — 2

шартномаси гарчи АҚШ томонида имзоланган бўлса-да, ратификация қилинмади. Яқинда эса узоққа учириладиган қанотли ракета билан жиҳозланган 131-стратегик бомбардимончи самолётнинг ишга туширилиши натижасида бу шартномада белги-ланган чегарадан ўтиб кетилди. Шу тариқа яна бир муҳим халқро ҳужжат талаблари эътиборсиз қолдирилмоқда. Албатта, бунинг ўз сабаблари бор. 1981 йилда АҚШда «Янги стратегик программа» деб номланган ҳужжат қабул қилинди. Унда мамлакатнинг стратегик кучларини янада ривожлантириш, янги-янги замонавий куруллари яратиш кўзда тутилган. Ана шу программага мувофиқ «Огайо» типидagi янги атом сув ости кемалари куриб ишга туширилмоқда. Уларнинг ҳар бирида 24 тадан кўп зарядли қитъаларо баллистик ракета бор. Шу билан бирга янада вайронкор ва аниқ мўлжалга олувчи «МХ» ҳамда «Мижитмен» ракеталарини ўрнатишга ҳозирлик кўрилмоқда. Стратегик куруллари чеклаш бўйича шартномаларни барбод қилмасдан бу программани амалга ошириб бўлмасди.

Хўш, нега АҚШ миллиардлаб доллар маблағини ҳарбий-саноат комплекси домига ташламоқда, деган савол туғилади. Бундан икки мақсад кўзланмоқда. Биринчидан, Совет Иттифоқини курулланиш пойғасининг янги-янги босқичига жалб этиб, уни иқтисодий жиҳатдан кучсизлантириш, халқро миқёсдаги ижобий таъсирини йўққа чиқариш бўлса, иккинчидан, жаҳонда ягона қудратли кучга айлиниб, зўравонлик сиёсатини ўтказишдир. Тез суръатлар билан амалга оширилаётган «Стратегик мудофаа ташаббуси», бошқача қилиб айтганда, «самовий урушлар» режаси ҳам худди ана шу мақсадларга хизмат қилади. Агар бу режа амалга ошириладиган бўлса, курулланиш пойғаси янада авж олиб кетади, у космосга ҳам ёйилади. Гарчи АҚШ раҳбарлари уни мудофаа воситаси деб тарғиб қилаётган бўлсалар-да, у бевосита биринчи зарба учун имконият яратиб беради. Урушқоқ доиралар ўз хавфсизлигини таъминлагач, Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатларга қарши ҳамла қилмайди, деб ким кафилий бера олади? Энг муҳими, «самовий урушлар» режасининг амалга оширилиши ракетага қарши мудофаа бўйича имзоланган Совет — Америка шартномасини ҳам йўққа чиқаради.

Аммо Рейган маъмурияти ўзининг милитаристик планларини амалга оширишда тобора кўпроқ қаршиликка дуч келяпти. Конгресс аъзолари ҳам, мамлакат аҳолисининг катта қисми ҳам ҳарбий харажатлар камайитирилиши, Совет Иттифоқи билан доллар проблемалар юзасидан битимлар тузилишини талаб қилмоқдалар.

Парламентга бўлган оралик сўзловларда демократларнинг жиддий галабаси, Эронга яширинча курул-яроғ сотиш билан боғлиқ можаро ва бошқа воқеалар АҚШ ҳозирги



ХАЛҚРО
МАВЗУЛАРДА



Учрашув қувончлари.

Н. Малишев, И. Хўжаев фотоси (ЎЗТАГ)



маъмуриятининг ташқи ҳамда ички сиёсати инқирозга юз тутганлигидан далолат беради.

Ер юзидида тинчлик ва хавфсизликнинг таъминланиши фақат икки буюк давлат — Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларининг муносабатларигагина боғлиқ эмас. Дунёдаги ўнлаб катта-кичик мамлакатлар бу олижаноб ишга ўз удушларини қўшмоқдалар. Бизнинг жанубий қўшнимиз — Ҳиндистон Республикасининг бу борадаги фаолияти диққатга сазовордир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга қилган визити ва ана шу визит давомида биргаликда имзоланган ҳужжатлар тинчликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ажойиб самаралар бермоқда. 1971 йилда имзоланган икки мамлакат ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш учун замин бўлди. Утган йиллар мобайнида Совет-Ҳиндистон муносабатлари барча соҳаларда муваффақиятли ривожланиб борди. Бугунги кунда Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг савдодаги энг йирик шерикларидан биридир. Мамлакатимиз Ҳиндистонни индустриаллаштиришда, унинг учун малакали кадрлар тайёрлашда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг

ташқи сиёсатда тутган позициялари бири-бирига жуда яқин. Ҳиндистон қўшилмаслик ҳаракатининг асосчиларидан бири, «Дехли олтилиги» мамлакатлари тарихида қизгин фаолият олиб бормоқда. СССР ва Ҳиндистон халқаро кескинлики юмшатиш, ядро ҳалокати хавфининг олдини олиш учун биргаликда ҳаракат қилмоқдалар. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Ҳиндистон Бош вазири Ражив Ганди билан музокаралари ана шу яқинлики яна бир қарра исбот этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар турли ижтимоий системага мансуб давлатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига ёрқин мисолдир.

Ҳиндистонда имзоланган ҳужжатлардан бири — «Ядро куридан холи ва зўравонликдан халос дунё принциплари ҳақидаги Дехли декларацияси» жуда катта халқаро аҳамиятга эга. Бу ҳужжатда халқларимиз дўстлигига асос солган икки буюк инсон — Владимир Ильич Ленин ва Махатма Гандининг гоълари ўз аксини топган. Бир миллиарддан ортақ эркак, аёл ва болалар номидан М. С. Горбачев ва Р. Ганди жаҳондаги барча мамлакатлар халқлари ҳамда раҳбарларига мурожаат қилиб, урушларсиз дунёга эришишнинг 10 принципини ўртага ташладилар. Унда зўрлик ишлатмаслик, тинч-тотув яшашни халқаро муносабатларнинг универсал нормаси деб, инсон ҳаётини энг улуг бойлик деб эътироф этиш каби принциплар

мужассам. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Ҳиндистон парламентида сўзлаган нутқида баён қилинган Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш, Осиёда барқарор тинчликни таъминлаш борасидаги таклифлар халқаро миқёсда катта ақс-садо топти. Визит чоғида имзоланган иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатлар эса мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Қадимги Рим легионерлари «Тинчликни истасанг, урушга тайёрлан», деган нақлга амал қилишаркан. Ўзаро истилочилик урушлари авж олган, кучли давлатлар кучсиз мамлакатларга тўхтовсиз ҳамла қилиб турган бир даврда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Аммо биз ХХI аср остонасида турибмиз. Ядро асри воқелиги бу нақлни тамомила инкор этади. Чунки энди уруш рўй берадиган бўлса, ундан ҳеч ким четда қололмайди. У заминимиздаги ҳаётни ҳалокатга маҳкум этади. Бу ҳақиқатни тобора кўпроқ кишилар англаб етмоқдалар. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги зиддиятларни кучайтириш эмас, тинч рақобат, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, уруш хавфини тўла бартараф этиш — шу қувнинг энг муҳим талабидир.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ



Маршал Г. К. ЖУКОВ.

ХАЛҚ ҚАХРАМОНИ

«Мен халққа фойда келтираётганимни англаб яшадим, ҳар қандай ҳаёт учун энг муҳими — ана шунда», — деб ёзган эди босиб ўтган умр йўлига назар ташлаб Георгий Константинович Жуков.

Номи шон-шарафларга бурканган машҳур саркарда — Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковнинг халқ ва партия, Ватан олдидаги хизматлари бекиёсдир. Совет халқи унинг номи

билан чинакамига фахрланади, уни ўзининг миллий қаҳрамони деб билади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати унинг ҳарбий хизматларини муносиб тақдирлади — у тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони олий унвониغا сазовор бўлди, 35 марта орден ва медаллар билан тақдирланди, шунингдек, кўплаб чет мамлакатларнинг 30 та ордени билан мукофотланди. Биз бугунги кунда

партия, Ватан урушида совет халқининг саркардалари орасида Георгий Константинович Жуков энг ёрқин сиймолардан бири эди, деб айтишга батамом ҳақлимиз.

Улуғ Ватан урушида совет халқининг фашизм устидан қозонган Ғалабаси унинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Урушни Бош штаб бошлиғи лавозимида қаршилаган Г. К. Жуков кейинчалик бир қанча фронтлар — Резерв fronti, Ленинград fronti, Ғарбий фронт, 1-Ук-раина, 1-Белоруссия фронтларига қўмондонлик қилди. Бутун уруш давомида у Олий Бош Қўмондонлик Ставкасининг аъзоси бўлиб, 1942 йилнинг ёзидан бошлаб Давлат Мудофаа Комитети уни юксак ва масъулиятли вазифа — Олий Бош Қўмондон ўринбосари лавозимига тайинлади.

Г. К. Жуков барча ҳужум кампанияларини ишлаб чиқишда, ҳарбий режалар ва стратегик операцияларни тайёрлашда бевосита иштирок этди. Ставканинг вакили сифатида у энг оғир жанг майдонларида бўлар, аҳвол билан атрофлича ва чуқур танишар, пухта ўйланган ҳарбий режаларни ўртага ташлар эди.

Маршалнинг саркарда сифатидаги истеъдоди айниқса 1943 йил ёзидаги жангларда ёрқин намоён бўлди. Совет ҳарбий разведкаси Курск атрофида фашистлар энг янги танк ва авиация техникаси ёрдамида жуда катта миқёсда ҳужумга тайёрланаётганлигидан огоҳ бўлди. Ставка олдида ҳужум қилиш ёхуд мудофаага ўтиш масаласи кўндаланг туриб қолди. Бош штаб, Ставка ва фронтларнинг қўмондонлари разведка маълумотларини чуқур таҳлил этган ҳолда кескин қарши ҳужумга ўтиш учун мудофаа ғояси маъқул, деган хулосага келдилар. Бунда Жуковнинг ҳарбий вазиятни кенг таҳлил этиб Воронеж фронтдан Ставкага ёзиб юборган доклади совет қўшинларининг жанговар ҳаракатини тўғри белгилашда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бу — машҳур ҳарбий саркарда биографиясидан битта саҳифа, холос. Берлин операциясини амалга ошириш, Ғалаба парадини қабул қилиб олиш айнан маршал Жуковга топирилганлиги партия ва халқ олдида унинг образ-эътибори нақадар юксак эканлигини кўрсатади.

«Урушда миллионлар иштирок этди. Лекин ўз кўлами ва миқёси билан бекиёс жангларда ўз шахси ва қиёфасига эга бўлган кишилар оммаси қатнашди. Ана шу оммавий қаҳрамонлик замирида Улуғ Ватан урушида иштирок этган оддий солдат Александр Матросовдан тортиб маршал Георгий Константинович Жуковга қадар жангчиларимизнинг юксак шахсий фазилатлари равшан намоён бўлди». Бу сўзлар Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги тантана қилинган кунларда Кремлдаги Съездлар саройида янгради. Бутун куч-ғайрати ва истеъдодини, билими, букилмас иродаси ва тажрибаларини Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга, социалистик Ватан мудофаа қудратини таъминлашга сафарбар этган саркарда Г. К. Жуков номи халқ хотирасида абадий яшайди. Халқимиз ва партияимиз томонидан унинг шонли 90 йиллигида ифодаланган ҳурмат ва миннатдорчилик туйғулари ана шундан далолатдир.

Ҳабиб САЪДУЛЛА

НАМАНГАН — ҚАШҚАДАРЁГА

Бу туркум Қарши чўлларини ўзлаштиришга ҳисса қўшаётган наманганлик деҳқонларга бағишланади.

Этиб меҳр-оқибат изҳор Наманган Қашқадарёга, Ки гулшан юрт — қўрик, чўл деб аталган Қашқадарёга, Юбормиш қанча гулқору миришкор танти ўғлонини, Яна гул қизларини, тенгсиз чамандан Қашқадарёга.

Менинг ҳамюртларим бул Қарши даштини макон қилмиш, Маконин ўз диёридай севибмиш жонажон қилмиш, Гиёҳсиз чўлда ўтказган ниҳоли илк нишон қилмиш, Кўчибдию мисоли бир парча Наманган Қашқадарёга.

Хаёлим етмаган ерга етибдир танти деҳқоним, Демак, мен битмаган шеърни битибдир танти деҳқоним, Не иш битмас агарки, жом этибдир танти деҳқоним, Бағишлар азам ила жаз ул яшарган Қашқадарёга.

Кўриб ҳамюртларим шахтин, ғурурландим, керилдим мен, Кезиб чексиз чўл ичра кўп хаёлларга берилдим мен, Демангиз лофки, ўн йил сўнг келар кунни кўролдим мен, Не тонг, олам ҳавас қилса ясанган Қашқадарёга.

Бу чўллар ўрнида ул кун, поёнсиз пахтазор бўлғай, Чаман бўлғай, кучоғида неча булбул хумор бўлғай, Азиз халқим, этибсан аҳд, шул аҳдинг барқарор бўлғай, Келурман шунда ораунинг ушалган Қашқадарёга.

Неча дostonга лойиқсан, анга дебоча бу назмин, Сенинг кифтингда юз вазмин, менинг кифтимда қарз вазмин,

Бўлиб эл олдинда юзлар ёруғ тузсак вафо базмин, Ватан таҳсин дегай қўш тор — Наманган-Қашқадарёга.



МЕН ҲАМ...

— Қалай, тупроғи ўзимизникига ўхшайдими?
— Тупроқнинг бегонаси бўлмайди, ука, ҳамма ер ҳам бир.
Уч-тўрт йилда шундоқ унумдор ер бўладики, кўрасиз ҳали...

(Наманган районидagi Тельман номли колхоздан Нишон районидagi 11-совхозга келиб ишлаётган Ҳошимжон ака Тургунов билан суҳбатдан)

Заҳматкаш деҳқоним, фалсафанг содда, Ва лекин ҳақиқат сингари ёрқин. Муқаддас меросдир бу ер ажоддан, Демак, абас эрур ахтариш фарқин.

Ҳақ гап, ҳеч бегона тупроқ бўлмағай Визинг саховатли Ўзбекистонда.

Чин деҳқон тупроқни зар-ла ўлчағай Заминнинг заргари ахир деҳқон-да.

Мен ҳам замин каби меҳр ташнаси, Кимдир оёқ босиб ўтар беписанд. Пурҳиммак деҳқоним, меҳринг чашмасин Қониб ичганимдан кадрим ҳам баланд.

Мен баланд қадримни паст тутмағайман, Чўлласам, деҳқоним, ўзинг нажоткор. Тақдирим қўлингда, амрингга шайман Тупроғу деҳқон бор — ҳаёт барқарор.

Деҳқон муҳаббати зарур заминга, Ййдириб олмоқлик учун неъматин. Меҳринг тўкаясан шу бўз заминга, Шиормас, ҳаётинг тарзи — ҳикматинг.

Ҳа, бугун тўғилган кишлогинг қолиб, Жазира чўлларда тузарсан бўстон... Гармсел ва дўлдан чиқурсан голиб Яхлит бўстон бўлсин, деб Ўзбекистон.



БОҒ

Уйчилик чўлқуварлар Нишон райониди 10 гектарлик боғ яратишибди. Бу боққа ўтқазилган кўчатларнинг ҳаммасини Намангандан келтиришибди.

Наманганда унган ниҳол, Ўсар Қарши чўлларида. Бир боғ яшнар меваси бол, Уйчиликлар қўлларида.

Шундай боғки, унда жамдир таровати. Нур ва лаззат бағишлагай Қашқадарё ҳарорати.

— Қаерликсан? — саволига Ўрин қолмас бунда, ишон. Ҳар ниҳолда, ҳар мевада Кўрк очади Уйчи, Нишон.

Бир олманинг икки юзи Бўлган икки оғайни юрт. Ўзбекистон неъматига Қўшғай яна барака, қут.

Азиз халқим, хуш кўраман Ўззога хос бу одатинг. Қайта борсанг, тузиб чаман Боғбонликда чиқар отинг.



ишланганда ўн баравардан кўпроқ маблағ сарфланган бўларди. Бунинг устига, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва фойдали жонотларнинг нобуд бўлиши ҳам юз берарди. «Правда» колхозиди 4000 гектар ердаги экинлар биологик усулда муҳофаза қилинган, ғўза дефолиациясининг ерда ишлайдиган механизмларда ўтказилганлиги иқтисодий самара келтириши билан бирга атроф-муҳитнинг софлигини таъминлашга бирмунча имкон берди.

Аммо бу ишлар самараси кўп жиҳатдан зараркунада ҳашаротлар қачон, қайси далада, қанча микдорда пайдо бўлишини олдиндан тахмин қилишга ҳам боғлиқдир. Бу ўрнида Урта Осиё Усимликларни ҳимоя қилиш институти директори, ВАСХНИЛ муҳбир аъзоси С. Н. Алимухамедов бошчилигида бир ғуруҳ мутахассислар томонидан кўсак қурти пайдо бўлишини олдиндан аниқлаш бўйича яратган иш услубини қўллаш фойдали эканлигини эслатиш kifойдир. Аммо, эътироф этишимиз керак, бу соҳада барча имкониятлардан кенг фойдаланилаётгани йўқ.

Сабзавотчиликда, полизчилик ва боғдорчиликда биологик усулдан фойдаланиш даражаси жуда паст. Оқибатда мева-полиз ва сабзавот маҳсулотлари ҳашаротлар ва касалликлардан кўплаб нобуд бўлмоқда. Хоразмнинг элга довруги кетган қруннинг камайиб кетиши ҳам шу босдан эмасмикин?

Турмушнинг ўзи илғор хўжаликлар мисолида барча соҳада инсон омили ҳал қилувчи куч эканлигини кўрсатмоқда. Биологик кураш усули самарадорлигини оширишда ҳам мутахассис кадрларнинг роли шубҳасиз каттадир. Агар мутахассислар тўғри танланса, уларнинг ишлашлари учун тегишли шароит яратилса, муттасил равишда яхши ҳосил етиштириш мумкин.

Кейинги йилларда ҳамма жойда табиат муҳофазасига табиат қонунилари талаби асосида ёндашилаётган бўлса-да, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳали етарли эмас, албатта. Чунончи, Хоразм воҳаси ўзининг жойлашган географик ўрни, иқлим, тупроқ ва сув шароитлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хослиги билан республикамизнинг бошқа районларидан фарқ қилади. Виз эндиликда табиат муҳофазасини таъминлаш учун, энг аввало, областимизда бир неча ўн йиллар давомида табиатдан кўпроқ фойда олиш мақсадида унинг бирлигига қисман зарар етказганлигимизни, иккинчидан, сугоришнинг ягона манбаи бўлган Амударёнинг суви ўрта ва қуйи оқимига тushаётган оқова сувлар ҳисобига минераллашаётганлигини қатъий эътиборга олиб, умумий куч билан зарурий чора-тадбирларни кўришимиз керак.

Ҳа, она табиатимизнинг бундан кейинги ҳолати ва тақдири унда кечадиган туб (эволюцион) ўзгаришлар биз инсонларга боғлиқ бўлиб турибди.

Собиржон СЕТТИЕВ,
биолог

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР



Кўхна тарих шундан гувоҳлик берадики, халқлар ҳаммаша бир-бирларини яхши тушуниб, эзгулик йўлида хайрихоҳ бўлиб келганлар. Бундай яхши аъёнлар бизнинг давримизда ҳам давом этаётди. Партия ва ҳукуматимиз ўзининг ташқи сиёсатида ленинча интернационализм қояларига изчил амал қилиб, тинчлик байроқдори бўлиб келмоқда, халқларимизнинг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстона муносабатлари тобора кенг қулоқ ёймоқда. 1986 йил декабрь ойининг бошида республикамиз пойтахтида биродарлашган шаҳарлар — Тошкент билан Скопьеинг дўстлик ҳафталиги бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрида ўтказилган дўстлик ҳафтасида Македония Социалистик Республикаси Мажлисининг раиси Вулнет Старова бошчилигидаги делегация катнашди. Уша оқшом Македония санъат усталарининг «Скопье Тошкентни кутлайди» деб аталган концерт программаси ажобий санъат байрамга айланди. Театр сахнасида Македониянинг машҳур балет усталари Зойка Пуровека ва Зоран Велески, замонавий кўшиқлар ижрочилари, опа-сингил Марьяна ва Росана Сарич ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Композитор ва гитарачи Яков Дренковски эса биродарлашган шаҳарлар — Скопье ва Тошкент дўстлиги ҳақидаги кўшиқни ижро этди.

Дўстлик ҳафтаси давомида македониялик меҳмонлар халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишдилар, республикамиз пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Ўз навбатида тошкентлик ҳамшаҳарларимиз Македония Социалистик Республикасининг маданияти, санъати билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройида «Скопье-86» деб аталган хўжалик кўргазмаси очилди. Унда Скопье шаҳрининг бугунги тараққийотидан ҳикоя қилувчи экспонатлар, санъат корхоналарида ишлаб чиқарилган турли хил маҳсулотларнинг намуналари намойиш этилди.

Скопье — Македониянинг ривожланган санъат марказларидан бири. Унда металлургия заводи, химия санъати корхоналари бор. Шаҳар санъати ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг қарийб 30 фоизи экспорт қилинади.

Дўстлик ҳафталигида СССР Чет эл туризми давлат комитетининг Тошкент бўлимида «Бугунги китоблар» деган мавзуда кўргазма ҳам ташкил этилди. Унда «Македонская книга», «Культура», «Наша книга», «Коммунист», «Детская радость», «Студентски збор» каби йирик нашриётларда чоп этилган Македония ёзувчиларининг асарлари, шунингдек, жаҳон бадиий адабиёти дурдоналари ўрин олди.

Кўргазмаларни Тошкентнинг минглаб китобхонлари алоҳида қизиқиш билан томоша қилдилар.

Македониялик меҳмонлар «СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводида, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида, шаҳардаги 110-мактабда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Сейсмология институти ҳамда 153-қурилиш трестида бўлиб, халқимизнинг фаровон ҳаёти, ишчилар ва қурувчиларнинг ишлари ҳамда санъатни ривожлантиришда эришган ютуқлари билан танишдилар.

6 декабрь куни В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида Скопье ҳафталиги катнашчилари иштирокида Халқаро Тинчлик йилга бағишлаб урушга қарши митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари дунё халқларининг эзгу орзуи тинчлик эканлигини, тинчлик учун кураш эса бугун халқларнинг энг муҳим бурчи эканлигини яқдиллик билан таъкидладилар.

Биродарлашган шаҳарлар — Скопье билан Тошкент ўртасидаги дўстлик муносабатлари СССР билан Югославия Федератив Социалистик Республикаси халқлари ўртасидаги қардошлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тошкент шаҳар партия комитетида бўлган қабул ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Унда, шаҳар партия комитетининг би-

ринчи секретари В. Ф. Сатин, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ш. Р. Мирсаидов ўртоқлар республика пойтахти меҳнаткашлари номидан азия меҳмонларни чин юракдан муборакбод этдилар.

Пойтахтимизда Скопье кунлари Тошкент руҳини халқаро миқёсда тагин ҳам барқарор этишга, тинчлик ишени кучайтиришга ёрдам беради.



Суратда: Тошкентда Скопье кунлари катнашчилари — македониялик меҳмонлар Тошкент шаҳар партия комитети қабулида.
В. Вовриенко фотоси



АБУ-ҚУР ТОПИЛМАСИ

Миср-француз мутахассисларининг ҳамкорлигидаги экспедицияси Александрия шаҳрида — Абу-Қур бўғозидан Наполеоннинг бир вақтлар чўкиб кетган «Орьян» номи кемаси қол-

диқларини сув остидан чиқариб олишга муваффақ бўлди.

— Экспедиция давомида эскадриа кўмондонлиги жойлашган кеманинг баъзи намуналарини қўлга киритишга муваффақ бўлди, — деди Миср Араб Республикаси Обидалар департаментининг бўлим мудирини Абдулла ал-Аттор. — Экспедиция бир неча босқичда ўтади.

Катта ванна. Унда қорамтир суяклик кўпиклашиб турибди. Ваннада бош суяк ва бошқа суяклар маълум услубда тасвирланган. Шунингдек, суяклик ичига темир тўрға ўроғлиқ қандайдир нарса ҳам солинган. Бу «Орьян» кемасидан олдинги замбарак эди. Яна шундай иккита замбарак сал нарироқдаги ваннага тозалаш учун солиб қўйилган эди.

Бизни топишларини тозалайдиган механизм қизқирди.

— Ускунамнинг ҳаракати электролига асосланган, — дея изоҳ беради — экспедициядаги француз вакили Жак Моликсон. — Бу усул натijasида таъмирланаётган нарса анодга, унинг сиртидаги қоплама тўр эса катодга айланади. Топилмаларни ҳали сиз кўрган махус суякликка бир неча кун ташлаб қўямиз. Шундан кейин уни тозалаш худди ёнғоқни пўстидан арттадек осон кечади. Бунда тагин ўша тозаланаётган нарсанинг сирти шикастланмайди.

— Хўш, сув тағида қолган «Орьян» ва «Патриот» кемаларининг тақдирини нима бўлади?

— «Патриот» кемасининг тақдирини жураккаб, — деди

саволимизга жавоб қайтараркан доктор Абдулла ал-Аттор. — Сув тўлкини ва тўфонлар оқибатида кеманинг қимматли қисмлари отилиб, лойқалар орасига отилиб кетган. Буларни қидириб топиш амримаҳол. «Орьян» эса яхшироқ сақланган, уни сувдан кўтариб чиқишга умид бор.

Шундай қилиб, Абу-Қур бўғозидagi экспедициянинг иккинчи босқичи тамом бўлди. Бу босқич давомида сув тағидан икки юздан ортиқ ҳар хил нарсалар олинди. Булар орасида, ҳали айтганимиздек, замбараклар, танга пуллар, шу жумладан, тилла тангалар, кема арқонларини узинда ишлатилдиган (полювалор) кўтарилган тошлар шаклидаги ядролар ва бошқа нарсалар бор.

Д. ВЕЛИКИН

АБДУЛЛА ҚАҲХОР ўзининг тенгдоши, улкан талант соҳиби Ойбек ҳақида сўз борганида, уни ўзбек адабиётидаги ҳамма томондан барчанинг кўзига ташлаиб турадиган, салобатли қояга ўқшатади. Бу сўзларни унинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Икки адиб ўзига хос бой ижодий мероси билан ўзбек совет адабиётига катта ҳисса қўшган устоз санъаткорлар бўлиб, адабиётимиздаги қўш қоя десак, муқоясамиз гализ бўлмас.

«Абдулла Қаҳҳор, — деб ёган эди адиб, — Чехов ижодиёти учун характерли ва биз учун, айниқса, қимматли бўлган маҳорат сирларини ўрганди, форманинг мукамаллигига эришди. Бу — кичик ҳикоя ярата билиш, тугал композиция ярата билиш, мухтасарлик, аниқлик ва тилнинг соддалиги, образлар, картиналарнинг ҳайрон қоларли даражада характерли ва ифодали бўлиши, ҳаётни чинакамига реалистик акс эттириш билан боғлиқ маҳорат эди. У Чехов ижодиётига хос бу ажайиб хусусиятларни, предметнинг асосий, характерли ва ифодали томонларини пайқай билиш санъатини ўзлаштиришга интилди. Айтиш керакки, у ўз устози — ажайиб сўз санъаткорининг энг муҳим ижодий приёмларини муваффақият билан эгаллади».

Ойбек А. Қаҳҳор ҳикояларидаги А. Чеховга хос хусусиятларни кўрсатиб беради ва шундай хулоса қилади: «Абдулла Қаҳҳор Чехов мактабини ўтади ва унинг ёзувчилик маҳоратини ижодий ўзлаштирди».

Ўз навбатида А. Қаҳҳорнинг Ойбекка муносабати ҳам чуқур ҳурмат, самимият билан йўғрилган. Ёзувчи бевосита Ойбек ижодига бағишланган махсус мақола ёган эмас, фақатгина олти томлик асарлар тўпламига киритилган, Ойбекнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан билдирилган кафедрекана табриги сақланиб қолган. Лекин мана шу кискагина табрик адиб ижодий фаолиятига қандай қарашини аниқ ифодалайди:

«Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар нечук юздада бўлмайди, конга ўқшаш эрининг қариди бўлади. Бу кон — талантин қазиб олиш учун аввало катта ақл, ундан кейин катта билим, матонат, куч, ғайрат, буларнинг устига дард бўлиши керак.

Катта талант эгаси Ойбекка мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Шу хислатлари билан ҳалқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди».

Ҳар икки адибнинг бир-бирлари ижодига бефарқ эмаслиги, ўз навбатида асарларини мунтазам кузатиб борганликлари, ижодий фаолиятларидаги энг муҳим, нозик, теран томонларини илғай билганликлари юқоридаги фикр-мулоҳазаларда кўриниб турибди. Ҳар икки адиб ўзига хос услубга, алоҳида йўналишга эга. Лекин диққат билан кузатилса, бу икки адиб учун умумий бўлган жиҳатларни ҳам учратишимиз мумкин. Уларни бир хил мавзулар, бир хил ижтимоий типлар қизиқтирганида, ўтмиш

ҚЎШ ҚОЯ

мавзусига муносабати очик билдирилмайди.

Баъзи адабиётшунослар: «Ойбек ўтмиш ноҳақликларига қарши курашга чиққан кишиларни асосий қаҳрамон қилиб олса, А. Қаҳҳор кўпроқ жабрдидаларни тасвирлайди», деган фикрларни билдирадилар. Бу хил қараш мунозарали. Ўтмиш мавзуида ожиз, пассив, нотавон кишилар қаҳрамон қилиб олинган ҳикоялари билан бир қаторда А. Қаҳҳорнинг курашчан, матонатли, кучли характерлар тасвирланган асарлари ҳам мавжуд. Ҳақсизликка қарши исён кўтарган Унсин («Даҳшат»), янги ҳаёт душманлари билан юзма-юз курашиб, мардларча ҳалок бўлган Аҳмад полвон («Кўр кўзнинг очилиши»), хотин-қизлар озодлиги учун курашга отланган жасур киз Мاستон («Мастон» ҳикояси) ана шу типдаги қаҳрамонлардандир.

Айни пайтда Ойбек асарларида ҳам аксинча ҳолатни, яъни ожиз, нотавон кишилар характерини учратамиз. «Синган умид» ҳикоясидаги қашшоқлик, йўқчилик сабаб, бахтига эриша олмай умидлари топталган Эгамберди, «Тиллатопар» ҳикоясидаги отанинг жоҳиллиги туфайли ақли заифлашиб қолган, юрагида ишқ ўти ёққан қизни кўриш истагида ноҳақ жазоланган Сулаймон, «Мискин болалар» ва «Қонли бармоқлар»даги оғир турмуш ташвишлари эзиб ташлаган афғон болалари шароитга қарши чиқа олмайдилар, ноҳақлик билан курашшга қодир эмаслар.

Албатта, ҳаётдаги ожиз, нотавон кимсалар образи ҳар икки ёзувчи томонидан ўзига хос усулда яратилган. А. Қаҳҳор қаҳрамонларнинг оғир қисматини кўрсатар экан, барча тасвир воситаларини шунга мослаштиради. Ҳикоядаги барча деталлар, пейзаж, портрет тасвирларида мунгли оҳанг — буларнинг барчаси қаҳрамон фожиясини кучайтиришга хизмат қилади. Лекин ҳикояда муаллиф муносабати, ҳис-туйғулари очик ифодаланмайди, ёзувчи қаҳрамоннинг аянчли аҳволи ифодасида сентиментал жумлалардан қочади. Қаҳрамон характер кўпроқ кундалик турмуш иқир-чиқирлари фонида намоён бўлади.

Ойбек ўтмишнинг қора кунлари, қаҳрамоннинг фожияли тақдир тасвирланган ҳикояларида ҳам пейзажнинг гўзал манзараларини чизади. Ёзувчининг қаҳрамонларга нисбатан хайрихоҳлиги очик ифодаланмади, уларнинг бахтсиз кечмиши сентимен-

тал, лекин асарини умумий руҳига мос жумлалар орқали берилди. Қаҳрамон характер аксарият интим ҳаётдаги, севги бобидаги бахтсизлик, омадсизлик фонида намоён бўлади.

А. Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясидаги бемор аёлнинг ўлими тасвири билан Ойбекнинг «Қонли бармоқлар» ҳикоясидаги онанинг ўлими лавҳасини қиёслаб кўрайлик. «Бемор»да «Яна кўзини юмди, шу юмганича қайтиб очмади — саҳарга бориб узилди. Сотиболди қизчасини ўлик ёндан олиб, бошқа ёққа ётқизаётганида қизча уйғонди ва кўзини очмасдан одатдагича дуо килди: — Худое аямди дайдиға даво бейгин...» Ойбекнинг «Қонли бармоқлар» ҳикоясида шундай ҳолат мана бундай тасвирланади: «Кампир онанинг юзини очди. — Утди оламдан!

Сил билан, йўқчилик билан, очлик билан, ғам билан ҳаммаша курашган бу ғариб аёлнинг юзида қиёсиз ҳаётнинг энг сўнгги нафасида ўлим билан кураш даҳшати кўринар эди.

Бола чўкка тушиб, онасини кучоклади, қон қўллари билан унинг сарик юзларини силади...»

Биринчи парча қисқа, аниқ. Бемор аёлнинг ўлими қаҳҳорона ҳиссиётга берилмай, табиий ва ҳаётий баён қилинади. «Қонли бармоқлар» ҳикоясида ёзувчининг персонаж фожиясига ҳамдардик, ачиниб туйғуси очик ифодаланмади, аёл юзидagi муҳим ифода, боланинг «қон қўллари» тасвирга ўзига хос ҳиссий таъсирчанлик бахш этади. Ҳар икки ёзувчи ўз истеъдодига хос ифода тари билан китобкон туйғуларига таъсир кўрсатадилар.

Ойбек асарлари тилида унинг шоирлиқ сезилиб туради. Ёзувчининг ҳикоялари турли хил ҳиссий-бадий приёмларга, шоирона жумлаларга бой. Айниқса, бу хусусият табиат тасвирида кўзга аққол ташланади.

А. Қаҳҳор ҳикояларида эса табиат манзараси худди чеховона маҳорат билан чизилган суратдай кўз олдимизда намоён бўлади. Адиб қаҳрамон психикасини кўпроқ унинг хатти-ҳаракати орқали ифодалашга интилади. «Анор» ҳикоясида ҳалол йигит ўғирлик қилади, табиийки, бу ҳодиса уни қаттиқ ларзага солади. Ёзувчи йигит руҳиятини хатти-ҳаракати орқали кўрсатади: «Туробжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрар эди» («Анор»).

Бу хил қиёсни бадий асарнинг бошқа компонентлари жиҳатидан яна давом эттиривериш мумкин. Энг муҳими шундаки, бу фарқ уларнинг камчилиги эмас, аксинча ютуғидир. Бир хил дунёқарашга эга бўлган ёзувчилар даврининг улкан ҳақиқатини турли йўлар билан ҳаққоний акс эттирдилар. Улар ўзалигини, индивидуал услубини, оригиналликни намоён қилдилар, бир-бирларининг ижодини, шахсиятини ғоят ҳурмат этдилар. Истеъдодга эҳтиром, чин санъат асарини эъзозлаш, бу икки улкан адиб учун хос бўлган умумий хислат эди. Улар ижодидаги ва табиатидаги фазилатлар ёш ижодкорлар учун ибратдир.

Шоира НОРМАТОВА

Тинчлик ҲИМОЯСИДА СОБИТМИЗ

УЛУГ
ОКтяБРНИНГ
ЙИЛЛИГИ

«Бу кун ёдимиздан ҳеч қачон ўчмас бўлиб муҳрланиб қолади. Биз ҳарбий қасамд қабул қилдик — Ватан чегаралари дахлсизлигини қўриқлашга онт ичдик. Бу — бизнинг асосий вазифамиз ва фахрли бурчимиздир».

«...Шон-шарафга бурканган Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округида бизнинг зиммамизга фахрли бурч — Ватанимизнинг жанубий чегараларини қўриқлаш вазифаси юклатилди. Бироқ унинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиш учун кўп нарсани ўқиб-ўрганиш, ҳарбий малакани тинимсиз тақомиллаштириш, мутахассислик сир-асрорини пухта эгаллаш лозим».

«Оталар ва боболар ишига ҳар доим содиқмиз. Бизнинг фахр-ифтихоримиз ва шон-шарифимиздир улар. Ватанимиз замида тинчлик барқарор бўлиши учун биз

Борис КРАВЧЕНКО,

капитан, Қизил Байроқ орденли
Туркистон ҳарбий округи
тарихи музейининг бошлиғи

улардан илҳомланамиз ва улардан маънавий куч-қувват оламиз...»

Бу сатрлар бугунги кунда қўлда қурол билан жонажон Ватанимиз, унинг жанубий чегаралари ҳимоясида собит турган солдатларнинг мактубларидан келтирилди.

Туркистон... Гуллаб-яшнаган воҳалар, осмонўпар тоғлар ва чексиз саҳролар ўлкаси... Бу ерда — Каспий денгизидан Помир тоғларига қадар ястанган буюк кенгликда, оғир

табиий шароитларда кечасию кундузи ҳамisha сергак ҳолда туркистончи солдатлар Ватан олдидаги фараздлик бурчини ўтамоқдалар.

«Қизилбайроқли Туркистон ҳарбий округи армиясининг энг тўнгич ҳарбий округларидан бири ҳисобланади, — деган эди СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов. — Унинг тарихи — Улуғ Октябрь самараларини ҳимоя қилувчиларнинг шонли жасорати солномасидир. Округ инқилобий ва жанговар анъаналарга ниҳоятда бой, шунинг учун ҳам бу ерда хизмат қилиш — юксак шарафдир».

Округ кўшинлари СССР Қуrolли Кучлари сафида муносиб йўлни босиб ўтдилар. Улар Ватан орномуси, озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган оғир жанглар алангасидан ўз жанговар байроқларини шараф билан олиб



Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи тарихи музейида: Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонкулов мактаб ўқувчилари даврасида.



Улуғ Ватан уруши ветерани, истеъфодаги полковник Ҳақим Усмонхўжаев набираси билан.

В. Мосия фотолари

Утдилар.

Тўнғич авлод вакилларининг жанговар шон-шухрати 80-йиллар жангчиларини ҳарбий маҳоратнинг янги чўққиларини эгаллашга, социалистик Ватанга, совет халқига янада юксак садоқат билан хизмат қилишга илҳомлантирмоқда.

Ҳозирги кунда Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг бутун ҳаёти ва жанговар меҳнат фаолияти КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини қатъият билан амалга оширишга бўйсундирилган. Округ қўшинларининг шахсий состави «КПСС XXVII съезди қарорларини бажарамиз, Улуг Октябрнинг 70 йиллигини фидокорона жанговар меҳнат билан нишондаймиз!» деган шiori остида ўз ҳарбий маҳоратларини изчиллик билан такомиллаштириб бормоқдалар, Ватанимизнинг жанубий чегараларини серкак ва хушёр турган ҳолда қўриқламоқдалар.

КПСС Программасида белгилаб қўйилганидек, партия Совет Қуролли Кучларининг жанговар қудрати шахсий составнинг ҳарбий маҳорати, юксак техника билан қуролланганлиги, ғоявий матонат, уюшқоқлик ва интизомлигининг мустаҳкам қотишмасидан, унинг ватанпарварлик ва интернационал бурчга садоқатидан иборат бўлиши тўғрисида бундан буён ҳам доимо ғамхўрлик қилиб боради.

Округ жангчилари жойнинг тоғлик ва саҳродан иборат бўлган мураккаб табиий шароитларда сабот ва матонат намуналарини кўрсатиб, ўз маҳоратларини тобора такомиллаштириб бормоқдалар. Техника доимо жанговар ҳолатда шай туриши учун унинг тактик-техникавий характеристикасини ва уни эксплуатация қилиш йўриғини пухта билмоқ керак. Ҳар бир жангчи билан экипаж ўртасида аниқ маромда муносабат ўрнатилиши муваффақиятнинг таъминловчи омиддир. Ҳозирги пайтда округдаги ҳар уч жангчининг бири — жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълоҳисидир. Уларнинг кўпчилиги бир неча турдош мутахассисликни эгаллаганлар. Мутахассислар, ҳарбий иш усталари сафи тобора кенгайиб бораётир.

Ҳарбий қурол ва техника бугунги кунда ишончли қўлларда. Жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълоҳисларининг яқинда бўлиб ўтган округ слёти бунга яна бир бор исботлади.

Слёт иштирокчиларининг Туркистон округи барча жангчиларига қарата қабул қилган Мурожаатида шундай дейилади: «...Мамлакатимизда — ишлаб чиқариш корхоналарида, бошқариш органларида, турмушининг барча соҳаларида қайта қуриш жараёни давом этмоқда. Мамлакат хавфсизлигини таъминлашга шахсан дахлдор ва масъулиятли эканлигимизни чуқур ҳис этиш, совет жангчиси деган шарафли номни оқлашга интилиш, доҳиймиз В. И. Ленин васият қилганидек, партиямиз, СССР Мудофаа министри талаб этганидек хизмат қилиш, ВЛКСМ XX съезди шарафига юксак малака ва мустаҳкам интизом қафолатларини таъминлаш, Улуг Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш биз, ҳар бир солдат ва сержантнинг муқаддас ватанпарварлик бурчи ҳамда вазифасидир».

Жангчиларнинг маънавий-психологик тайёргарлиги — жанговар ва сиёсий тарбиянинг муҳим таркибий қисмидир. Маънавий-психологик фазилатларни муттасил такомиллаштириб бориш, ҳар қандай шароитда зиммадаги вазифани астойдил адо этишга шай туриш ҳар бир жангчининг бурчидир.

Ана шу юксак бурч туйғуси ҳақиқий жасорат, оммавий қаҳрамонлик намуналарини бунёдга келтиради. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Н. Акрамов, А. Мироненко, В. Очиллов, Р. Аушев каби совет халқи шонли фараздорларининг жасорати бурчга садоқатнинг юксак намунасидир.

Уларнинг номи билан ёнма-ён туришга лойиқ йигитларимиз рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Оддий солдат В. Павлов жонига хавф-хатар туғилганига қарамасдан ёнлиги омборини порлашдан сақлаб қолди. Ефрейтор А. Нодиркулов ўзини оловга ташлаб бўлса-да, сафдош дўстларини ўлимдан асрашга муваффақ бўлди. Оддий солдат Б. Тошўлатов эса, зимистон тун қаърида қўриқланаётган объектга киришга уринган номаълум кишига қарши қатъият билан ҳаракат қилган ҳолда уни қўлга олди. Уларнинг хатти-ҳаракатларида кундалик ўқув-жанговар вазифаларни бажаришдаги мардлик ва матонат, ғоявий мустаҳкам эътиқод, фидойилик, ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларга бардош бера билиш каби фазилатлар мужассам. Айнан ана шундай фазилатлар жангчиларимизни маънавий

жиҳатдан юксалтиради, хавф-хатарларни мардонавор енгиб ўтишга чоғлайди, хизмат бурчини ўташ чоғида, зарур бўлган тақдирда, жонини ҳам аямаслик туйғусини камол топтиради.

Ўзбекистон ва Туркманистондан иборат икки қардош республика доирасида жойлашган бизнинг ҳарбий округимиз Ўзига хос географик ва иқлим шароитларига эга. Округимиз жангчилари ўзаро суҳбатларда «Нихоятда юксак тоғлар, жуда беҳуда ва энг жазирама саҳролар, бир-биридан кескин фарқ қилувчи ҳарорат, табиатан ҳеч қаерникига ўхшамаган шамоллар бизнинг ихтиёримизда», дея ҳазиллаштириш яхши кўрадилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. «Туркистон характери» деган тушунча ҳам жангчиларимиз орасида кенг тарқалган. Иродаси мустаҳкамлигидан тоғ чўққиларига, қалб саховатидан сахро кенгликларига ўхшаш жангчиларимиз характери худди бу ернинг табиатидан кўчирма олгандек. Холдан тойдирувчи саратон жазирамаси ва қалин қор кўчкилари, даҳшатли селлар ва қум буронлари, тик тоғ сўкмоқлари ва дайдиған шамоллар... Буларнинг барчасига жангчи ўз жасорати, маънавий қудрати ва темирдек мустаҳкам ирода кучини қарши қўя билиши керак. Ана шундай шароитларда чидам ва сабот, қатъият, энг оғир вазиятларда ҳам максалда мувофиқ ҳаракат қила билиш каби фазилатлар тез шаклланади ва камолга етади. Фақат маънавий жиҳатдан мустаҳкам ва жисмонан бардам жангчиларинга бундай оғир шароитни писанд қилмайдилар. Ватан олдидаги бурч туйғусини чуқур англаган туркистонлик жангчилар учун янги маҳорат чўққиларини эгаллашга ҳалал берадиган тўсиқлар умуман йўқ ҳисоби.

М. Миршаропов, И. Е. Петров, Собир Раҳимов, А. А. Лучинский, И. И. Федюнинский, Файзулла Норхўжаев каби таниқли совет ҳарбий кўмондонлари, саркардалар бизнинг округимизда тарбияланиб вояга етганлари билан фахрланамиз.

Бу ерда шонли офицерлар сулоласи ҳам мавжуд. Мамажоновлар, Шожакиловлар, Султоновлар, Никитинлар, Коротковлар ва бошқаларнинг офицерлик сулоласи округ жангчилари учун ибрат ва намунадир. Лекин, афсус билан қайд этиш керакки, маҳаллий миллат вакиллари орасидан офицер кадрлар тайёрлаш етарли даражада эмас. Бу вазифани ижобий ҳал этиш учун ёшлар эътиборини ҳарбий-профессионал йўналишга чоғлаш, офицерлик мутахассислигининг аҳамияти ва унинг обрўсини зарур даражага кўтармоқ лозим.

Республикадаги ҳарбий хизматга қақирлувчи ёшларни рус тилини пухта эгаллашга чоғлаш вазифаси ҳам муҳим. Рус тилини яхши билиш юксак даражада жанговар тайёргарлик, ҳарбий мутахассислик бўйича ресурсларни тез рўёбга чиқариш шартидир. Бундан ташқари, қақирлувчи ёшларнинг жисмонан чиниққан бўлиши зарур, чунки улардан тоғ ва сахро шароитида фавуқулда чидам ва сабот талаб қилинади.

Туркистон округи жангчиларининг оддий кунлари фақат ўқиш ва хизмат бурчини ўташ билан эмас, балки қисмлар шахсий составининг республика ҳаёти билан, меҳнат коллективлари, партия ва комсомол ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлиги билан ҳам бой ва мазмунлидир.

«Халқ ва армия — яқдил», деган шiori халқнинг ўз ҳимоячиларига, ҳимоячиларнинг ўз халқига ўзаро ишончи ва садоқатининг чуқур ифодасидир.

Йиллар ўтмоқда, вазифалар мураккаблашмоқда, авлодлар эстафетаси давом этмоқда, лекин, ҳар доим бўлганидек, Ватанимизнинг жанубий чегаралари хушёрлик ва серкаклик билан қўриқланмоқда. Ўзининг ташкил топганидан бери ўтган йиллар давомида Туркистон ҳарбий округи халқ ва партия манфаатларини тавбузкор кучлардан қўриқлаб келди ва бундан кейин ҳам ўзининг ана шу олижаноб бурчига ҳамиша содиқ қолади.



Қарши газчилари: Ҳамдам Тиллаев ўғли Ҳаким билан.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)



Пардабой ТОЖИБОЕВ

ҲИКОЯ

ЧИГИЛИШ катта бўлиб кетди. Абдурахмон акани хурмат қилганларнинг ҳаммаси келди. Ўзига ўхшаш отбоқарлар, меҳнат ветеранлари ва колхоз активлари столларни гижирлатиб, эмин-эркин ўтиришди. Йигилишда кайфият кўтаринки эди. Табиийки, пенсияга чиқаётган одам ҳақида ёмон фикр айтилмайди, фақат мақташади. Лекин Абдурахмон ака чиндан ҳам мақтовга арзир эди. У ўзининг қадрини биладиган, умри давомида ўшак-ўтирик — ёлгон-яширик гаплар ишлатмаганди. Шунинг учун у ҳақида айтилаётган гаплар сохта эмас, рост эди. Колхоз раиси Боймурод ака сўз олди:

— Урқоқлар, — деди у, — бугун биз 40 йил йилкичилик қилган, битта отдан уюр яратган, тажрибали йилкичимиз билан хайрлашаймиз. Бу коллектив учун оғир, лекин битта юпанч бор: Абдурахмон ака пенсияга чиққани билан колхозимизни тарк этмайди. Ҳали кўп ёшларга йилкичиликнинг сирларини ўргатади...

Гулдурос қарсақлар янгради. Абдурахмон акага тўн кийдирдилар. Чуст дўппини тортиб-тортиб чаккасига қўндиришди. Ултондан эшилган, заррин дастали қамчи совға қилишди. Абдурахмон аканинг киёфасига қирган ҳаваскор йигит ёғоч от миниб чиқиб ҳаммани кулдирди, чапаквозлик бўлиб кетди. Кейин зиёфат берилди. Айтилган гаплар мавзуи асосан Абдурахмон акага қаратилди. Сўнгра... сўнгра, баландпарвоз гаплар айтилиб, тантанали кеча ёпилди. Ўшанда Абдурахмон аканинг қалби аллақандай бўлиб кетди. Ўзича ҳувиллаб қолгандай, ўзини боғлаб турган аргамчи узилгандай туюлди ҳаёлида. Дунёда ёлғиз, сўншайиб қолгандай, ночор сезди ўзини. Ичидан катта тўлқин кўтарилиб, бўғизга ёпирилиб келабошлади. Қулоқлари битди, вужудини титроқ босди. Хайрият, сездирмади, ёпирилиб ташқарига чиқаётган одамлар эътибор беришмади. Абдурахмон ака раиснинг: «Уйингизга машина ташлаб келади», деган тақлифини рад этди. Шу топда бир ўзи ёлғиз қолгиси, вужудини қоплаган боғчи ҳисларни тарозига солгиси, босиб ўтган йўлга бир қараб олгиси келди. Ахир, деҳқон ҳам марзага бор-

гандан кейин орқасига бир қараб олади-ку! Қани, ундан қандай излар қолдйкин, ёлғиз отдай донги чиқмай чанги чиқдимми ёки ҳаётда из қолдириб кетаяптими?! ...Чол правлениедан чиқиб, атайин йўлни отхона томон бурди. Осмонда юлдузлар чараклар, сирли оҳанглар нигоҳни имлар эди. Тўлин ой борлиқни оппоқ сутга чаярди, узоқ-узоқлардаги тепаликлар, дарахтлар кўзга яққол ташланарди. Шундай пайтларда хотираларинг билан ёлғиз қолиш қандай яхши. Одамнинг баъзан холи ерга бориб йиғлагиси, ўзига-ўзи гапиргиси келади... Абдурахмон ака ҳозир шуни истарди.

Йўл уюрининг олдидан ўтарди. Абдурахмон аканинг хаёлини тойнинг кишнаб, чолиб келиши бузди. Ҳа, бу тойча — Абдурахмон аканинг кафтидан дастурхонда қолган нон увоқларини ейдиган, от қўйганда бирга чопишадиган, шамол турса ёллари тўлқиндай ўйнатиб, шата-лоқ отадиган жийрон тойча эди. У чолни кечаси ҳам танибди, уюридан чиқиб етиб келибди. Абдурахмон ака ихтиёрсиз равишда тойнинг бўйнидан қучоқлаб олди. Мана, энди қадрдон уюри, севимли тойчоқлари билан ҳам хайрлашаяпти. Ўзига қолса, бир умр кетмас эди, аммо ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати бунга йўл қўймайди-да! Қаригандан кейин кечаю кундуз эгарда ўтиролмаё қолади киши, уюр тўполонда бир томонга ҳайиқиб кетса, уни излашга, қулаб туз тотмасликка тўғри келади. Бунга ёши етмишчи қоралаб қолган, қари одам чидаш беролмайди-да. Энди ёшларга топшириш керак, лекин кўнгил қурғур қўймайди-да. Дард бору, дармон йўқ. Ох, йигитлик чоғлари...

Чол тойни қучоқлаганича узоқ туриб қолди. Меҳрни ҳайвон ҳам сезади, титроқ қўллар, иссиқ нафаслар тойга хуш ёқарди. Қарлик курсин, одамни ёш болага айлантириб қўяди. У шу топда тойчасига нима учун бир умр от боққанини, ҳозир унга қадрдон ишини ташлаш оғир эканлигини, ўз умрини от деб ўтказганлигини айтгиси келиб кетди. Сўнгра, бу хаёлини тарозига солиб, кулиб юборди.

«Ҳали болагинг қолмабди, Абдурахмон, сенинг бу гапларингни тойча тушунарми? Урганиб қолгани учун олднингда турибди-да...»

Чол тойчани қучогидан бўшат-

ди: «Бор, уюрингга бор, тойчоғим. У ерда сенинг янги эганг бор. Мен уни ўзим танлаганман. Ўсиз мен ишни топширмаган бўлардим. У билади гап нимада эканлигини».

Тойча дукурлаб жўнаб кетди. Бир маромда эшитилиб турган туёқнинг дукурлаши Абдурахмон аканинг хаёлларини уруш йилларига буриб юборди.

...Кубан-казак эскадронининг отлик аскарлари урушнинг дастлабки йилларида душмanning

ёнидан айланиб ўтиб, орқадан келадиган кучни кесиб қўйиш, қўққисдан ҳужум қилиб, душман аскарларини қилчи тигидан ўтказиш, техника юриши қийин бўлган жойларда ўқ-дори, озик-овқат ташиш каби жанговар ишлари бажарар эдилар. Эскадронда ефрейтор Абдурахмон Қурбонов ҳам фашистларнинг додини бериб, қўмондонлиқнинг раҳматномасини олган эди. Кунларнинг бирида эскадрон душман пистирмасига дуч келиб қолди. Коман-



Расми Т. Саъдуллаев чизган.

диринг! «Киличлар суғурилсин, жангга!» деган кескин буйруғи янгради. Абдурахмон ҳам шамширни суғуриб, нағалли пошнаси билан отнинг бикинига ниқтади. Араби от сапчиди, шердай олдинга отилди. Душман пулемёти тарилла ёшлады. Отлар ўмбалоқ ошиб йиқиларди, жангчилар ерга учиб тушарди. Душмanning пиёдаси билан бизларнинг отлиқлар аралашиб кетди. Отларнинг кишнаши, қий-чув борлиқни тутди. Абдурахмон қилчи қия қилиб, фашистларни иккига бўлар: «Мана сенга, мана сенга!» деб бақирар эди. Лекин шу пайтда дайди ўқ Абдурахмон минган отнинг ўмровига тегди. От чинқириб юборди. Оламни қоронғулик босди, еру осмон остинустин бўлиб кетди. Чўккалаб қолган отнинг устидан йиқилиб тушган Абдурахмон эсидан оғди. Сўнгра анча вақтгача ўзинга келолмади. Бир пайт қараса, кенг майдонда ётибди. Атроф мурдага тўла, ичак-чавоғи судралган отлар, сочылган қуроллар, эгарлар... Улаксахўр қушлар учиб-қўниб юрибди. Мудҳиш манзара! Абдурахмон урушнинг жирканч киефасини кўриб, ваҳимага тушди. Қаттиқ лат еган шекилли, қўл-оёқлари ўзинга бўйсунмасди. Шундай ётаверганида, бегона жойда дом-дараксиз ўлиб кетарди. Лекин от муҳинг хаётини сақлаб қолди. Жилосиз от тирик одамни қидирарди. Бир пайт Абдурахмоннинг юзига иссиқ, лекин сертуқ лаб тегди. Қараса, олда от турибди. От энгашиди, Абдурахмон бир амаллаб бўйнига ёпишди. От суяди, чўккалади, ишқилиб уни устига миндириб олди. Абдурахмоннинг қалбида яна яшашга муҳаббат учқунлари алаңгалади. Хайрият, Абдурахмон полка омон-эсон етиб борди. Госпиталга ётқизиб даволашди.

Абдурахмон тузалиб чиққач, унга ўзининг халоскори бўлган отини беришди. У отига жон-дили билан қарарди, ишқилиб фронтдан омон-эсон олиб чиқиб кетсам эди деб қайғурарди. У оти билан Чехословакигача борди, ғалабани ўша ерда кутиб олди. Ўзи туғилиб ўсган Кўкғумбазга ҳам отини миниб кириб келди. Неча-неча овуллар, дарёлар, тоғлар, водийлар ошиб, отини суриб, кўрағидаги орден ва медалларини жириглатиб кириб келди туғилган маконига!

От ҳақиқатда бақувват эди. Унинг оёқлари гавдасини дадил кўтариб турарди, кенг ўмровлари от ишқибозларининг ҳавасини келтирарди. Дам олиш кунларида Абдурахмон ака кубанкасини кийиб, коматини тик тутиб қишлоқларни айланса борми, одамлар кўргани кўчага чиқарарди. Болалар чувиллашиб орқасидан чапишарди. Шу отга қарасам, сувлигини олсам, деган қизлар кўп эди. Абдурахмонга сулув қизни ҳам шу от топиб берганди.

Абдурахмоннинг кўнглидаги гапни кўпчилик билмасди. Бу фикрни колхоз правленийсига бориб айтганда, раис рози бўлмади.

— Йўқ, бўлмайди, — деди у. — Сиз отнингизнинг наслини кўнайтираман дейсиз, бунга тўғри келадиган бияни қаёқдан топамиз...

Абдурахмон бия излаб чиқиш кетди. Топди ва уни йилқичиларга кўрсатди. Колхоз отхонасидан жой ажратилиб, от билан бия бирга парвариш қилина бошланди. Бу иш Абдурахмоннинг зиммасига юкланди. Шундан сўнг колхозда кенг ўмровли, тўлқин ёлли қулун ва тойчоқлар пайдо бўла бошлади. Абдурахмон туғилаётган ҳар бир қулунга алоҳида эътибор берарди, кечаю кундуз ухлამасди. Йиллар ўтиб, «Абдурахмоннинг уюри» деган гап тарқалди. Ишқибозлар кўпайиб кетди. Чавандозлар катта пул ваъда қилдилар. Аммо Абдурахмон сотмади. Фақат бир кишига отларининг ичидан энг дилбар ва жононини совға қилмоқчи бўлди. У ўзи ҳавас қиладиган, номи тилидан қўймайдиган ўртоқ Будёнийни эди.

Аваллига хат ёзиб жўнатмоқчи эди. Хатини жўраси Узоқ полвонга ўқиб берганида, роса қулуга қолди.

— Э-э, — деди полвон, — ўртоқ Будёнийнинг сенинг отингни минармиди? Ҳозир у киши қариб қолган, пенсияда, от минишга ярамайди.

Ушанда Абдурахмон жўрасини ёмон кўриб кетди. Биров хайрли ишга қўл урган пайтида қайтармасан-да! Отни юборганда, ундан ҳеч нарса кетмасди. Минмасан, қайтариб юборарди. Шундан сўнг Абдурахмон отни мактабдаги будёнийчиларга совға қилди. Унинг оти шаҳарда ўтказилган пойгада биринчиликни олди. Уша кунни Абдурахмон отини ўртоқ Будёнийнинг минганини туш кўриб чиқди. Ўртоқ Будёнийни шоп мўйловини бураб, Абдурахмонга жилмаярмиш, ора-чора: «Молодец, араби отни кўпайтириш керак, бизга ҳали керак бўлади», деб қўярмиш.

Лекин шу орада бир воқеа бўлиб, Абдурахмон акани роса қийнади. Маҳаллий ташкилотларнинг қарорига биноан отлар йиғиштириб олинадиган бўлиб қолди: «От кўпайиб кетибди, одамлар от боқаман деб жамоат ишида катнашмасмиш, кўпқарида ҳалокатлар юз бераётганмиш, колхознинг ем-хашағи улар томонидан йўққа чиқарилаётганмиш...»

Навбат Абдурахмоннинг уюрига келди. Гушт тайёрловчилардан бири, отбоқар Абдурахмонни имлаб:

— Қани, оқсоқол, отларни санаймиз энди, кам чиқмаса керак. Ҳаммасини гўштга топширасиз, — деди.

Чол анча вақтгача тили қармовга келмай турди, мошкичини соқолининг ораларига бармоғини жўнатиб, чирт этиб тупурди.

— Сиз менга нечта от бериб қўйибсиз, энди эга чиқаясиз! — От — давлатники, умум-халқ мулки, хоҳлаган пайтида йиғиштириб олади.

— Тўғри, лекин бу отларни гўштга топширсин деган гап йўқда! Гўштга топшириладиган отлар ботқа. Бу от — асл хоназот... Энди кўз қорачуғидай асраб, йўқолиб кетмасин деб турган пайтда гўштга топширтириб юбориш увол эмасми? Бу отни ейиш эмас, томоша қилиш учун, лаззат олиш учун боқиш керак. От — одамнинг дўсти... Кечагина

АЕЛ

Надир дунё аёлларсиз —
Қуёшсиз кун, зулматдир.
Аёл борки, ҳаёт гамсиз,
Хонадон бадавлатдир.

Аёл борки саришталик,
Уйда қувонч, бахт бордир.
Ўзаллик бор, ошуфталик,
Ҳеч нурамас тахт бордир.

Аёлларсиз гўдагу
Келажак камол топмас.
Аёл борки, чаманзорлар
Яшнайдн, завол топмас.

Аёл борки, қайгу йўқдир,
Ердир ширин наволар.
Аёл борки, кўнгли тўқдир,
Дилда аҳду вафолар.

Аёлларсиз муҳаббат,
Ҳатто Дунё йитади.
Аёллар бор, бу Дунё,
Енмайди, титрамайди!

ХАЛҚ ОҶАНГИДА

Сочимга бойлаб олдим,
Қалбимга жойлаб олдим,
Йигитларнинг ичидан
Мен сени сайлаб олдим.

Аразларни қўй энди,
Фаразларни қўй энди,
Кўзларингнинг тутқунин
Ўлдир ёки суй энди.

Кўзимга боқма дема,
Дилга ўт ёқма дема,
Азобларга қўйдинг деб,
Менга айб тақма дема.

Сочларим толим-толим,
Майдалаб ўриб толдим,
Кўзларим тўрт йўлингта,
Келақол, лаби болим.

Ошиғинг юз мингтадир,
Қуйиб қалби нимтадир,
Лекин севгувчи сени
Эркатошнинг биттадир.

Аразларни қўй энди,
Фаразларни қўй энди,
Муҳаббатинг тутқунин
Ўлдир ёки суй энди!



БЕДОР БЎЛДИМ СОҒИНИБ

Қуёш ботди келмадинг,
Ёллар ётди келмадинг,
Тун қора чодрасини
Юзга торғди келмадинг.

Сочларим майда ўрдим,
Йўлингни пойлаб турдим,
Ишқинг ёнган сийнамга,
Оҳ, бугун сувлар урдим.

Йўлинг бўрон тўсдим,
Қорли доvon тўсдим?
Ёки келар йўлингни
Бирор ёмон тўсдим?

Армонлар армон қолса,
Яхшилар ёмон қолса,
Қандай келар яшагинг
Рақиб ёнма-ён қолса!

Келгил, йўлларинг гулга,
Келгил, қўлларинг гулга —
Тўлдирайин, тўлдирай,
Келгил, ўйларинг гулга.

Бедор бўлдим соғиниб,
Бемор бўлдим соғиниб.
Бетоб, беҳоб айлама,
Хумор бўлдим соғиниб.

Каттакўрғон



туғилгансан, қаёқдан биласан бунн...

Чол вақилин сен-сенлаб юборди. Бу вақилга қаттиқ ботди.

— Топширасизми, йўқ?
— Қара, фақат одам ейиш учун яшаганда табиатда шу вақтга ҳеч вақо қолмас эди. Шу отларни сўйишга қандай кўзинг қияди. Райкомга бораман, исполкомга бораман, отларни топширмайман.

— Жиртаки чол экан-ку, — юзини буриштириб гўшт тайёрловчи, — индамагин қалга, ўзи келар ҳалга!

Вақилининг хуноби чиқиб жўнаб қолди. Абдурахмон ака райкомга бориб, бор гапни, бу отнинг юзага келиш тарихини айтиб берди. Райком авваллига қаршилик кўрсатди, кейин чолнинг оташин гапларига қўшилди.

...Чол уйига яқинлашиб қолган эди. Дарвоза олдида бир қора кўзига чалингандек бўлди... Қараса, кампирн... Мижжа қоқмай, йўлини пойлабди боёқиш... Узоқлардан отларнинг кишнаши эшитилди. Унинг вужудига қуч, белига мадор югургандай бўлди.




Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги «Лайли» болалар боғчасида.



«Мен рус тилида сўзлашни ўрганаман!»

В. Мосин фотолари



— Давлат қабулига ўтдик.

А. Жданов фотоси



— Келажак сеники!

Б. Мизрохин фотоси



КЕЧА

Чархчи...



Шундай эди...

ФРАНСУА БЕЛЕН — НАВОИЙШУНОС ОЛИМ



Гарбий Европа шарқшунослик мактаблари хусусида сўз юритилган бўлса, даставвал Парижда 1795 йилда ташкил этилган «Шарқ жонли тиллари мактаби» («Леколь де ланг вивант ориентал»)нинг сермахсул ижодий фаолияти тилга олинади. Утган асрнинг ўрталарига келиб, бу мактаб Европа шарқшунослигининг марказига айланади. Бу ерда ижод қилган С. де Саси, А. де Ремюзю, Э. Катремер, П. де Куртейль, Ш. Шефер, Ф.-А. Белен каби олим ва таржимонлар араб, форс ва туркий тилларда яратилган Шарқ адабиёти дурдоналарини тўплаш, уларни нашр эттириш, тадқиқ ва таржима қилиш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Масалан, С. де Саси ва Ш. Шефер Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган арабча, форсча ҳамда туркий тиллардаги нодир кўл-ёзмаларнинг каталогларини туздилар. П. де Куртейль «Бобурнома»ни қадимги ўзбек тилидан французчага таржима қилди. Э. Катремер Навоийнинг «Мухокаматул-луғатайн» ва «Тарихи мулкуи Ажам» асарларини нашр эттирди. Ф.-А. Белен эса, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир бир қатор тадқиқотларини ёзди. Франсуа-Альфонс Белен (1817—1889) ёшлигидан таниқли шарқшунос Ж.-Ж. Марсель мураббийлигида шарқ тилларини ўрганишга киришди. Сўнгра Франция коллежи ва Шарқ жонли тиллари мактабида С. де Саси ва Э. Катремердан форс, араб ва турк тилларидан сабоқ олади. 1838—1843 йилларда қирол саройида таржимон-секретарь бўлиб ишлайди. 1846 йилдан Франциянинг Қоҳирадаги элчихонасида таржимон, 1852 йилдан эса, Константинополдаги элчихонада таржимон-секретарь вазифасида фаолият кўрсатади.

1868 йилнинг октябрдан то умрининг охиригача шу элчихонанинг бош консули лавозимида хизмат қилади.

Ф.-А. Беленнинг шарқшунослик фаолияти Париждаги Шарқ жонли тиллари мактабининг профессори А. Жобер билан ҳамкорликда Миллий кутубхонада сақланаётган араб, форс ва туркий тиллардаги кўл-ёзмаларни нашр қилишдан бошланади. Улар 1841 йилда Мирхонднинг «Чингизхон ҳаёти» ва «Сосонийлар тарихи» рисодаларини, кейинчалик «Шарқий турк адабиёти хрестоматияси» китобини ҳамда Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» жадвалининг «Муқаддима» қисмини (А. Седийо билан ҳамкорликда) нашр этади.

Константинополдаги француз элчихонасида таржимон-секретарь вазифасида ишлаган вақтда, Ф.-А. Белен улуг ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишга киришади. 1861 йил «Осиё журнали» («Журнал азиатский»)нинг февраль-март ва апрель-май сонларида Беленнинг «Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан лаҳзалар» номли асари (158 саҳифа) босилиб чиқади. Белен тадқиқоти икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида атрофли фикр юритилади. Иккинчи қисмда эса, мунаққид Навоий «Куллиёт»даги «Мажолисуннафис» ва «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарларидан парчалар келтириб, француз тилига таржима қилади ва таржималарини изоҳлар билан таъминлайди. Масалан, журналнинг 300—357-саҳифаларидан ўрин олган «Хамсатул-мутаҳаййирин»нинг французча таржимасига 150 дан ортиқ изоҳ ёзилган. Таржимоннинг таъкидлашича, у таржима-

ни асарнинг Миллий кутубхонада сақланаётган кўл-ёзмасидан французчага ўтиради. Французча текст кўпроқ илмий услубда амалга оширилади.

1866 йил «Осиё журнали»нинг XVII—XVIII томида Ф.-А. Беленнинг «Шарқ донолари» туркумида ёзилган «Мир Алишер Навоийнинг фазилатлари, эстетик ва фалсафий қарашлари» номли иккинчи тадқиқоти эълон қилинади. Тадқиқотнинг дастлабки саккиз саҳифаси «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг тақдимида бағишланади. Қолган эллик саҳифаси мазкур китобнинг французча таржимаси ва унга ёзилган изоҳлардан иборат. Белен асарни тўлиқ таржима қилмаган, балки ўзига маъқул бобларинигина француз тилига ўтирган. Масалан, асарнинг биринчи қисмидаги кишиларнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақидаги фаслларни санаб ўтаркан, мутаржим уллардан фақат «Қозилар тўғрисида»ги боби таржима қилади. Асарнинг иккинчи ва учинчи қисмларидан ҳам шу таразда танлаб таржима этади. Мазкур таржималарнинг асосий фазилати, улarga ёзилган 90 дан ортиқ изоҳда кўринади. Бу ерда ҳам таржима матни илмий услубга мослаштирилган.

Белен «Маҳбуб ул-қулуб» асарни устида олиб борган тадқиқотини давом эттирди. 1872 йилда турк олими Аҳмад Вофиқ афанди билан ҳамкорликда «Маҳбуб ул-қулуб»нинг текстини нашр қилдириди. Мазкур нашр ҳақида «Осиё журнали»нинг 1874 йил 3-томида профессор А. Паве де Куртейльнинг тақризи ҳам босилган эди.

Француз олими ўзининг юқоридаги тадқиқотларида Алишер Навоийнинг ўз замонасида тутган мавқеини тўғри баҳолай ол-

ди. Навоийнинг машҳур ва нуфузли шоир бўлганини, ўз миллий тилида машҳур асарлар яратиб, ўзбек тилининг бойлигини кенг кўламда намойиш қилганини, бу билан шоир чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатганини рўй-рост таъкидлади. Тўғри, Белен ҳам, ўзигача ғарб шарқшунослари томонидан Навоий ижоди ҳақида айтиб ўтилган айрим нотўғри фикрларни четлаб ўтолмади. Совет таркологларидан проф. А. К. Боровков ва проф. Е. Э. Бертельс Беленнинг юқоридаги тадқиқотларига баҳо беришаркан, олимнинг Навоийни форс-тожик адабиёти классиклари ижодининг тақдидчиси ва таржимони дея аташини тўғри танқид қилиб ўтганлар.

Ф.-А. Беленнинг текстига мурожаат қилганимизда, «таржимон» сўзига дуч келмаймиз, ундаги «имитатор» сўзининг луғавий маъноси бўлса, «тақдидчи» сўзининг маъносига яқин. Бироқ, французча контекст мазмунидан келиб чиққан холда «имитатор» сўзини таржима қилсак, у холда «давомчи», «бирор анъана давомчиси» қабилдаги маънони тушуншимиз мумкин. Шундай экан, Беленнинг илмий фаолиятини таҳлил қилганда, юқоридаги фикр ҳақида яна бир қарра ўйлаб, хулоса чиқармоққа тўғри келади.

Дарҳақиқат, Ф.-А. Белен ёзиб қолдирган бу тадқиқотлар Европа навоийшунослигининг кейинги тараққийига кенг йўл очиб беради. Францияда П. де Куртейль, Э. Блоше, Л. Бува каби шарқшунослар Навоий ижодига бағишланган тадқиқотларида Белен асарларидан бевосита фойдаландилар.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари кандидати

Йўналиш ўзгаради

Аэроавтика ва космик фазони тадқиқ этиш бўйича миллий ботқармаси «Вояжер-2» космик станцияси 1987 йилнинг 13 мартида ўз йўналишини ўзгартиришни эълон қилди. Олимлар мазкур сайёра атрофидаги астероидлар ва радиация станциянинг ичдаги электр жиҳозларга тагин бирон

шикаст етказмасин деб шундай қилмоқдалар. «Вояжер» 1989 йилнинг 24 августидан янги йўналиш бўйлаб Нептун сайёраси ва унинг йўлдоши Тритондан анча узоқдан ўтади.

Янги порт топилди

Тамилнад штатидаги Вайгай дарёси бўйларидан олиб

борилган археологик қазилма ишлари натижасида эрамызгача бўлган III—IV асрларда Пандлар империяси даврида гуллаб-яшнаган порт қолдиқлари топилди. Бу ҳақда департамент директори, археология профессори Р. Нагасами журнал-мелтларга порт III асрдан бошлаб тамиллар ихтиёрида бўлганлигини айтиди. Унинг фикрича, эрамызгача бўлган I асрда мана шу порт орқали қадимий Рим билан яхши муносабатлар ўрна-

тилган. Бу тахминларни қазиниш пайтида топилган бешта қадимий Рим тангалари ҳам тасдиқлайди. Маурьевлар саройидан топилган қора, сайқаланган кулолчилик идишлари пандлар шимоллий Гаит бўйида яшовчи халқлар билан ҳам алоқада бўлганлигини гувоҳлик беради. Қимматбаҳо тошлардан ясалган зарғарлик беақлари бу ерда асарлар киниларини бу ерда асарлар киниларини яхши ривожлантилтидан дарак беради.



И ХЛОС билан ижод машаққатини чекаётган, тинмай шеърят сирларини ечишга, жумбоқларини чақишга уринаётган шоирлардан бири Жамол Камолдир. У 1968 йил нашр этилган «Олам кирак юрагимга» номли илк шеърый тўплами биланоқ ўқувчилар эътиборига тушган эди. Шундан кейин шоирнинг «Чўққиларга ёгилди ёғду», «Тош тугён», «Хасан ва ой», «Куюш чашмаси», «Достонлар», «Қадах», «Тафаккур» шеърый тўплamlари ҳамда асосий асарлари танланган «Сувайдо» китоби чоп этилди. Бу мажмуада Жамол Камолнинг юракларини тўқинлантирадиган лирик шеърлари, ғазаллари, достонлари ва айрим таржима асарлари жамланган. Шоирнинг аксарият шеърлари воқеликнинг хуштаблик билан саралаб олинган эпик лавҳалари, давр шиддати, меҳнат ва курашлар сурурини тараннум этади. Айрим шеърларида эса, шоир монологи ё китобхон билан қизғин баҳси, муҳаббат ва ҳаёт тўғрисидаги мушоҳадаси ўзининг ғўзал бадийи фодасини топади. Бу турфа хиллик, шубҳасиз, Жамол Камолнинг бадийи тафаккур уфқи кенглигини кўрсатади.

Аммо адабиётда ҳеч қачон масалани сон ёки ранг-барангликнинг ўзингина хал қилмайди, Шеърятда ўнлаб, балки юзлаб ранг-баранг ўртамаёна шеърлар ўрнини баъзан ёқимли, чинакам қалб ҳарорати билан суғорилган битта шеър босиши ҳам мумкин. Жамол Камолнинг аксарият шеърлари инсоний дард, изтироб билан йўғрилган. Лекин таажжубланадиган жойи шундаки, бу шоир ижоди адабий танқидчилик томонидан ҳозиргача етарли баҳоланмади. Ваҳоланки, кейинги беш-ўн йил ичида Жамол Камол ижодида муайян сифат ўзгаришлари юз берди. Шоир ҳар сафар бирор шеърни ниҳоясига етказар экан, уни қутилган қаноат ҳисси эмас, аллақандай бир безовталиқ туйғуси, унинг оқибатида келиб чиқадиган мавҳум бир рашик ҳолати чулбаб олади. Шоирнинг назарида миллионларнинг жони-жаҳони бўлмиш шеърятда нимадир унутилгандай, нимадир четлаб ўтилгандай. Нимадир етишмайди, нимадир айтилмай қолган... Ана шу сирли, сехрли «нимадир» булут пардасидан боққан юлдуз каби дам жонли ярқираб, дам тамом хира тортиб, шоир хаёлларини банд этади, қаноатлари тўғонини бузади. Хўш, нега шундай? Наҳотки, шоир шеърят сехрини, моҳиятини тўла қамра-

ШЕЪРИЯТ — ИСТИҚБОЛ ЭЛЧИСИ

ган ҳолда баҳолаши, шеърят тушунчасини мукаммал бир таърифга сиғдириши қийин? Ниҳоят, бу саволга шоир жавоб топгандай бўлади. Жавоб топади-ю, на боши, на охири маълум, на учи, на киргоғи белгисиз, улугвор ҳаёт денгизини, унинг бахт ва нур оқимини яққол ҳис этади. Шеърятни ягона таърифга сиғдириш маҳоллигини, унинг тавсифига нукта қўйиб бўлмаслигини англайди. У ҳаёт каби чексиз, тиркиллик ва замон қадар чегарасиз, оқаверади, оқаверади, олға, фақат олға интилиб оқаверади. Унинг манзили йўқ. Бас, шеърят тушунчасининг бир томони ҳаммиша очик, у ана шу очик томон эвазига мутасил бойийди, кенгайди, тўлишиб, янги сехру жило, кўрку камол касб этади.

Жамол Камол шеърятни ҳам доим истиқбол томон талпинади, ўтмишини қора томонларини эъза чинкор қилади, келажакни ўса шу истиқбол кўзи билан кўришга интилади:

Нима бу — руҳинга берувчи кийнок?
Нима бу — фикримга бермовчи қўним?
Бу менинг кечаги кунимдир, ўртоқ,
Бу менинг безовта эртаги куним!

Жамол Камол доимо дунё, ҳаёт, одамлар ташвишидан безовта ашайди. У инсон тақдири, бахти, келажаги хуусида ўйлайди. Унинг қалбига муттасил эҳтиёж ашайди. Шоир инсоният истиқболи тўғрисида ўй ва хаёлларини ўз кўксидаги «сувайдо», юрагидаги «куйик бир нукта», деб атайдики, бу бежиз айтилган калима эмас. «Сувайдо», — буюк устозимиз Алишер Навоий таъбирича, юрак ўртасидаги бир нукта (куйик)дир. Таърифлашларича, элга бўлган эътиқод, диёнат, имон, ҳақиқат ва бошқа фазилатлар ўша нуктадан мўралаб қарар, ҳасад, ҳасад ва худбинликлар ҳам шундан туғилар эмиш. Жамол Камолнинг лирик қаҳрамони шу гойибона «сувайдо»га эътиқод қўйиб, одамларнинг қалбига «мараз ва ғараз»ли эмас, балки ҳавас, ҳижрон ва армонларга тўлган соғлом «сувайдоли» юракни кўришни орзу қилади. Лирик қаҳрамоннинг ўз юрагидаги сувайдо эса, ўтмишни эслаш ва нурли истиқболга инти-

лишдан туғилган дардли қорачикка ўхшайди.

Шоирнинг лирик қаҳрамони ўз халқининг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида жиддий ўйлайди, қайғуради ва жон куйдиради. Шу жиҳатдан қараганда, «Ўзбекистон тун» шеъри замирида ўзбек юртига хос сифатлар этади. Бунда кундузлар ўз шукухи, кўрки, меҳнатини тунга ҳам кўчиради. Ундаги «Роҳатда мудрайди хазина тупроқ» сатри ҳансираган дала-ларнинг бепойён манзарасини кўз олдимишга келтиради. Бор аро эсаётган майин эпкинлар мавжиде эса, «Навойи қалбиниқ ширин жавлон», «дилбар ғазалларининг мунис мусикаси»ни эшитгандай бўламыз. Лекин шеърда ҳаяжон ва дард бўлгани билан уларнинг туб сабаблари, ички моҳияти етарли очилмайди. Бу фикр шоирнинг «Қалбдан садо» шеърига ҳам тааллуқли. Унда ҳам кўп сўзлилик, керагидан ортиқча эҳтирос, ҳаяжон ҳоким.

Унинг «Менинг увок шеърим — менинг дилпорам» туркумига ўттизга яқин қатра шеъри киритилган. Шақл ва мавзу мутаносиб-лиқда келган саккизликлар анчагина. «Истардим, юлдузли, тимқора оқшом», «Тонг нурлари пайваст булар», «Ер бағрига олов сел ёғилади», «Сен менинг кўксимга бош қўйсанг агар», деб бошла-нувчи қатралар самимийлиги, поэтик фикрнинг изчиллиги билан ўқувчи эътиборини жалб этади. Бу шеърларни ўқинганимизда лирик қаҳрамон гоҳ файласуф шоир, гоҳ садоқатли ошик, гоҳ меҳрибон ота, гоҳ қувонч ва ғамларини ўртоқлашувчи суҳбатдош, ёвузлик, ёмонлик, надоматлардан нафратланувчи, Ватани ва халқини ниҳоятда севиб эъзолагувчи, қисқаси, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган инсон образи қиёфасида кўз олдимишда намён бўлади.

Жамол Камолнинг «Куюш чашмаси» тўпламида ҳам она-Ер ташвишлари, азамат инсоннинг қадри, ҳаёт, умр мазмуни каби катта масалалар қамраб олинади. Бу азалий ва абадий муаммоларга шоир замонавий руҳ бағишлайди. Винобарин, унинг қатор шеърларида она сайёрамизнинг юрак уршини, меҳр тафти ва ҳароратини шоирона қалб билан туйиб тасвирлаш бор. Бироқ шоир ижодида тасвир сусайган, сўз ва туйгулар меъёридан чиқиб кет-

ган ўринлар ҳам учрайди. Унинг «Себистон», «Эй буюк тупроқ», «Зарафшон» каби шеърларида гоёнинг манзаралашуви, моддийлашуви етарли кўринмайди, хислар тарқок.

Муаллифнинг «Қадах» тўпламидан жой олган «Ўлугбек», «Клубатра», «Хамлет» каби шеърларида тарихий шахслар фониде халқлар руҳий дунёсининг ғўзаллиги, истеъдоди ва гурури хуусида фикр юритилади. Тарихга ва халқ тарихига янгича кўз, янгича ўлчов билан баҳо берилади. Утмиш саҳифаларини арақлаш ва «хотиралар кудугу»ни қовлаш, шу йўл билан бугуннинг руҳий эҳтиёжини қондиришга интилиши шоир шеърятининг асосий хуусуиятидан биридир. Ўйлар, хотиралар, мушоҳадалар шеърятда фалсафийликини ўстирувчи жонли томирлардир. Ижодкорнинг «мени» йўқ жойда санъат турилмайди. Индивидуаллик — бадийи асарнинг қони. Лекин шахс қанчалик ўзига хос қайтарилмас бўлмасин, у — ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси, жамият маҳсули. Шу сабабли ижодкор ҳаммиша ўз жамияти, синфининг мафкурачиси, кўз-қулоғи ва жарҳиси бўлади. Баҳкана, интим, ички дунёга ўрналиб қолиш истеъдоднинг қушандиси. Ўз «мени»ни ягона реаллик деб билган ижодкор санъатда янги сўз айта олмайдди. Шоир ўз халқининг орзу-армонлари, умидлари билан яшайди, ўзининг «шахсий дардлари»дан эл-юрт дардини устун қўя билиши лозим. Шу нукта-назардан қараганда, Жамол Камолнинг «Она-Ер ташвишлари», «Инсоннинг қадри ва дарди» шеърлари чўқур ижтимоий мазмун касб этади. Бу шеърларнинг ҳароратли сехри уларда замондошларимизнинг маънавий қиёфаси ички эҳтиёж билан, эҳтирослар олами ҳаққоний ва ўшқинлиқ билан қуйланганлигинидир.


Жамол Камолнинг қатор шеърый тўплamlари орасидан достонлари ҳам жой олган. У энг янги достонларини жамлаб 1978 йили алоҳида тўплам тузди. Унинг уруш жароҳатларини эслатувчи «Армон» лирик достони адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Унда уруш оқибатлари натижасида она кўксига ўчмас эл қолдирган орзу-армонлар катта қуюнчақлик билан васф этилади. Достондаги Шириин камшир образи кўз олдимишда жуда катта иродага эга ўзбек аёли сифатида жонланади. Лекин достоннинг баъзи ўринларида шоир воқеа-ҳодисаларни анча жўн тасвирлайди.

Шу таҳлитда Ж. Камол ҳоҳ она замин ва ҳоҳ жамият ҳодисаларини тасвирлар экан, уларни фикр элагидан ўтказди, муҳим томонларини жилолаб ёрқинлаштиради, ўз эҳтиросининг ёлқини билан илитди, уларга субъектив ранг беради, лирик ҳарорат бахш этади. Унинг лирик қаҳрамони социалистик турмуш ҳодисаларига актив арашлашди, эстетик баҳолайди, ватанимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришларни ҳаққоний характерлайди.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати

Ж. Камол. Сувайдо. Тошкент — 1984.






Манзара.

В. Никонов фотолари

ЕВГЕНИЙ БЕРЕЗИКОВ ИЖОДИДАН

НАМУНАЛАР



Е. Березиков иш устида.



БОҚИЙ УМР



КАМОЛОТ САРИ.



ҚУШЛАРНИ ТИНГЛАЕТГАН ОДАМ.

ТУЛИН ОИ.



СТУДЕНТ ҚИЗ.



МЕНИНГ КҮЧАМ.

СИРОЖИДДИН ТҮРАХҲҲАЕВ
АСАРЛАРИДАН




МАНЗАРА.



АВТОПОРТРЕТ.



Тошкентдаги «Электр аппаратлари» заводида.



Электромонтажчилар — Максим Алексеев ва Лидия Газарбекова.
Р. Нуриддинов фотолари

Шудгор.

Н. Муҳаммадҷонов фотоси



ИНСОН ВА ТАБИАТ ТАҚДИРИ ТУТАШ...

РАССОМ мўйқаламидан чиққан мўъжаз расмларини кўздан кечириятман. Зарафшон дарёси соҳилларида, опшоқ пахтазор этагида кечган болалигим хотирамда жонлана боради. Қирғоқда атрофини ўт-ўланлар ўраб ётувчи булоқлар кўп бўлар эди. Биз бир тўда бола ҳар гал уларнинг тепасига келганда сеҳрли эртак тинглаётгандай жим бўлиб қоладик. Чашмаларнинг зилол сувидан ҳатто ёш болани ҳам ўйга толдирадиган нималардир бор эди...

Ҳаёлимда бир пайтлар мени хайратга солган ўша чашмалар бўйига келиб қолгандайман. Ма, на, ўша гаройиб чашма бўйидан узиб олгани — нафис чечакни байроқ қилиб кўтарганича кимдир Ойга томон кетиб бормоқда. У — менман! Менинг дунём, ўй-фикрларим Ойдан минг бора улкан. Борлиқ чексиз, мен эса, борлиқдан ҳам чексизроқман. Олам, коинот ҳақидаги тушунчаларни ўзимга синдириб олганман, лекин мен бундан ҳам улкан тафаккур чуққиларини забт эттишим, ҳали ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган янги бир оламни кашиф қилишим лозим. Юксакдаги тўлиқ ой мени шунга даъват этмоқда. Бунга эришиш учун ҳар бир ҳужайрамни ишга сола билмоғим, бутун диққатимни асосий мақсадга қарата билмоғим, бошқалар шиббалаган текис йўлдан эмас, бир-бирига занжирдай туташиб кетган баланд-баланд барханлар, қалин чангалзорлар бағридан ўзимга йўл очмоғим даркор.

«Чопаётган бола», «Тўлиқ ой» деб номланган асарларни томоша қилаётиб, ана шундай ҳис-туйғулар оғушида қолгандим. Булар республикамизда номи кўпчиликка таниш: ҳам адиб, ҳам расом Евгений Березиков асарлари эди.

«Қушларни тинглаётган одам». Яна юракка ором берувчи тонгни осудалик. Бир тўп қуш уларнинг тилини ниҳоятда яхши тушунувчи доғишмайдиган тепасидаги новдаларда тизилишиб, унга арази-хол қилишмоқда. Бу ажиб феълли одамнинг ҳамсуҳбатлари

«сўзи»ни маъқуллаётганидан бу қанотли жониворлар миннатдор. Улар ўз саволларига доғишмайдиган жавобини қизиқиб кутишапти.

— Ушбу асаримни яратганимга ўзбек романчилик мактабининг асосчиси, улуг адиб Абдулла Қодирий билан боғлиқ бир ҳикоя сабаб бўлди, — дейди мусаввир. — Бу ёзувчи ҳузурига бир гуруҳ шоғирдлари ташриф буюриб, ижодининг сирини нимада эканлигини айтиб беришини илтимос қилиб туриб олдишди. «Бунда ҳеч қандай яширин бир сир йўқ, — дебди адиб. — Фақат она-табиатни тинглаш, кўра бишлиш, хис қилиш лозим. Шундангина ҳаёт ҳақиқатини айта оласан».

Е. Березиковнинг яна бир туркум асарлари борки, кўриб қаҳқаҳ уриб қуласиз, ҳам шу заҳотиёқ зийрак тортасиз. Уларда ҳазил-мутўйба билан кучли заҳар-ҳандалик аралашиб кетган. «Табият билан хайрлашув», «Қузатувчи», «Устоз ва шоғирдлар», «Баҳайбат қуш», «Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатда», «Паймона», «Посебилликда» каби асарлари ана шулар жумласидандир.

«Баҳайбат қуш»нинг кўзлари жуда жозибали. У ниҳоятда ёқимтой. Аммо юрагига туташ чап оёғи қорайиб кетган. Унинг хоҳишига зид бирон хатти-ҳаракат қиладиган бўлсангиз, ана шу оёғи билан шундай зарба туширадими, кейин ўзиниғизга келишингиз қийин.

«Евгений Березиков чизган суратларни биринчи марта кўриб хайрон қолгандим, — деб ёзди москвалик тадқиқотчи Наталья Горбунова бир неча тилларда босилиб чиқадиган, чет эллик ўқувчиларга мўлжалланган «Спутник» журналинда, расом ижоди ҳақидаги мақоласида (1986 йил, 5-сон). — Кишиларнинг гаройиб гавда тузилиши асло чинакам одамларга ўхшамас, балки мансабадан тушган ғамгин афт-ангорлари, ҳайвон ва қушларнинг ола-була патлари, исми номаълум қушлар, гуллар, дараклар... Фақат диққат билан кўриб чиқиб, ушбу санъат асарлари фантастик образ ва тушунчалар ифодаси эмас, балки мураккаб дунёқарашга эга бўлган инсон образини яратган салмоқли санъат асарлари эканлигига ишонч ҳосил қилдим».

Расом томошабини ўзи кашф қилган образлар атрофида чуқур мушоҳада юритишга қақиради. Бунда дастхатлар ўқувчига ёр-

дамга келади. Бошқа асарларда ҳали тилга олинмаган, айтиш мумкин эмас, деб келинган ҳаёт ҳақиқатларини равшанлаштириб, одамлардаги айёрлик, тошбағирлик, шафқатсизликка нафратини аниқ айтиб, ўқувчини курашга даъват этади. Ҳамма нарсаи ўз номи билан аташга ўргатади. Унинг рангтаъсирда яратган асарларининг тамом янгилиги, сеҳру жозибаси ана шунда.

— Ешлгимда расом бўлиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганман, — дея ҳикоя қилади у биз билан суҳбатда. — 1942 йили Ленинград остоналаридаги жангда отам ҳалок бўлган ва мен эвакуация қилинган гўдаклар қаторида олти ёшимда Ўрта Осиёга келиб қолганман. Аммо бу ерларда ҳам уруш ўз ишینی қилиб бўлган, довурак, куч-ғайрати вужудида тўлиб-тошган эрларни, халқнинг еб турган ноини, кийиб турган кийимларини торти олиб, эвазига қора хат жўнатгани-жўнатган эди. Яшаш учун катталарнинг қаноти остига кириб, дуч келган ишни бажариб кетаверишга тўғри келди. Тўққиз-ўн ёшларимда Қозғистон чўпонларига шоғирд тушдим. Туяда ҳар кун саққиз-ўн километрлаб йўл босардик... Орадан йиллар ўтди. Тошкентда Армия хизматини ўтаб бўлгач, заводга ишга кирдим. Шу ерда партия сафига қабул қилиндим. Завод маъмурияти кейинроқ мени Москвадаги Олий партия мактабига ўқишга йўллади. Ижодий фаолиятим ўша ўқини йиллари бошланди. Бирин-кетин шеър, ҳикоя, очерк, киссалар ёздим. «Қизил Бухоро» романининг қорвадорлар ҳаётига доир бобини қозоғга тушириш олдидан чўлда — чўпонлар ҳузуринда бўлдим. Гарчи бу касб асаларининг ҳаёти ёшларимдан менга таниш бўлса-да, бу гал уларга ижодкор кўзи билан қараганим учунми, қаттиқ таъсирландим. Чўлдан қайтгач, кўрганларимни сўзда ифодалаш билан қаноатлана олмадим. Бирин-кетин ўн та чўпоннинг сийратини картонга туширдим. Бунини қарангки, уларнинг ҳар бири ҳам ажабтовур кўринишга эга бўлиб, бири иккинчисини асло таққорламадими. Бу нарса мени рўҳлантириб юборди. Одамлар билан мулоқот пайтида дилимдан кечган ўй-фикрларимни рангтаъсирда ифодалашга қизиқиб кетдим. Табиати, одамларнинг қалб дунёбини қандай кўрсам, қандай тушунсам, айнан шундай чиза бошладим».

«Унинг асарларида адабий талқин кучли, фикр бадий ифодага қараганда фаолроқ, рамзийлик усту», — дейди таниқли расом Рўзи Чориев. Бу борада у тамоман ҳақ.

— Ўзбек расомлари асарларига муносабатингиз қандай? Улар сизни қониқтира оладими? — деб сўрадим мусаввирдан.

— Батзи ҳамкасбларим ижодининг миллий заминдан, ўзбек халқи ҳаётининг маънавий қатламларидан ироқдалиги ўйлантиради, — деб жавоб берди у. — Ачинарлиси шундаки, айниқса кейинги бўғинга мансуб расомларимизда шарқона тафаккур, шарқона доволик етишмайди. Улар Шарқ расомлик мактаби анъаналарини унутиб қўяётгандек туюладилар менинг назаримда. Қамолитдин Бехзод асарлари дунё расомларига асрлар бўйи дарс бериб келганини ким инкор эта олади? Улар жаҳон таъсирий санъатининг бебаҳо дурдоналари сифатида ардоқланиб келинаётганлиги бежиз эмас, ахир. Классик шоирларимиз асарларига ишланган миннаторалар... Булар Шарқ таъсирий санъати йилномаларидир. Уларда расом янаб ижод этган XV аср воқеликлари, ўша давр кишиларнинг қиёфалари кўз олдинда жонлидай акс этиб туради. Урол Тансиқбоев, Уста Мўмини, Исқандар Икромов, Чингиз Аҳмаров, Тельман Муҳамедов, Ҳикмат Раҳмонов, Самиг Абдуллаев, Малик Набиев, Маншон Саидов, Зокир Иноғомов, Неъмат Қўзйбоев, Рўзи Чориев каби кўпгина устоз расомларимизнинг муваффақиятлари шундаки, улар Шарқ расомлик мактаби анъаналарига содиқ қолдилар, ўз асарларида бу анъаналарга давр руҳини бериб бойитдилар. Мен янгича услуб изланишлари тарафдориман, лекин янгича изланиш халқчилликни, асрлар давомида халқ доғишмайдиган яратган анъаналарни тан олмаслик, деган гап эмас-да.

Евгений Ефимовичнинг иш столига назар ташлайман: бу ерда ишга алоқадор турли ёзувлар, қарорлар, нақшалар билан бирга, жажжи суратларнинг қораламарини ҳам турибди. Картон қоғози тепасига: «XXI аср гуллари» деб ёзиб қўйилибди. Қизил, қандай бўлар экан келажак асрнинг гуллари?

— Янги асарлар яратиш устида ишлайман, — дейди мусаввир. — «Абадиёт ҳақида ўйлар» асаримни шу туркумга кирувчи дастлабки ишим, десам ҳам бўлади. Бу расм инсон ва табиат тақдирининг бир-бирига алоқадорлиги ҳақида ҳикоя қилади. Табиат қанча янаса, одамлар ҳам шунча ҳаёт кечирадилар, деган фикр олга сурилади маъқур асарда.

Расом ижодхонасида бир-бирдан сермазун ва гўзал ишланган 300 дан ортқ аср тўпланганини кўрдим. Уларнинг ҳар бирини соатлаб ўтириб томоша қилиб, ўйга тояиб, зерикмайсан киши. Образлар, ранглар қатнага сингиб кетган фикрлар ҳаёларининг келгуси асрга бошлаб кетади...

Назира ИҶДОШЕВА

«ГУЛИСТОН»
ГАЛЕРЕЯСИ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНИ

1986 йил республикаміз китобхонларининг семимли ёзувчиси Тўлапберган Қаипберганов учун қувончли келди. Унинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси СССР Давлат мукофотиға сазовор бўлди. Аслида бу юксак мукофот фақат мазкур трилогия учунгина эмас, балки адибнинг бутун ижодиға берилган муносиб баҳо дидир.

Ўз халқининг ўтмиши, бугуни, келажаги билан қизиқиш ҳар бир ёзувчиға хос. Зеро, ўтмишсиз бугун яралмайди, бугунсиз келажак. Бу — аксиома. Лекин булар ичида анг мушқули ўтмишни тиклаш. Т. Қаипберганов қийинчиликлардан чўчилади, ўз олдига қўйган оғир вазифани уddaлай олди. Бунинг учун у ўз халқининг ўтмишдаги ҳаётини, босиб ўтган йўлини чуқур ўрганди, асарни ёзишга киришишдан аввал жиддий тайёргарлик кўрди, материал тўплади. Натижада салкам икки юз йилни ўз ичига олган халқ ҳаётининг бадийи солномасини яратди. Унда қорақалпоқ халқининг қийин, азобли кечмишини Ўразан ботир, Маман бий, Омонлик, Яхшилик, Эрназар олакўз, Олмагул, Хумор отин образлари ва уларнинг босиб ўтган йўллари орқали бадийи инкишоф этди.

Трилогиянинг биринчи китобида қорақалпоқ уруғлари ўртасида чиқиб турадиган доимий низолар ва бу низолар дастидан жабру жафо чеккан халқнинг оғир аҳволи тасвирланади. Хонлар солган қайғу-ситамдан омма чора-тадбир тополмай қолади. Ва ниҳоят, унда бойлар ва бийлар аулмидан авом халқни озод этиш учун Россия билан бирлашиш керак, деган ғоя илгарии сурилиб, бу мақсад асарнинг иккинчи ва учинчи китобларида ойдинлаштириб борилади. Ёзувчи мана шу бирлашишга бўлган интилишни тарихий ҳақиқат ва тарихий жараён, давр моҳиятидан келиб чиқиб, мана шу ҳамдардликнинг амалға ошиш илдизларини Ўразан ботир ва Грушин, Маман ва Кузьма Бородин, Неплюхов, Эрназар олакўз ва Михайлов, Омонликнинг эвраси Тенгелларнинг образлари орқали чизиб беради.

Ёзувчининг мақсади турли хонлиқлар томонидан эзлиб, қирилиб келган қашшоқ қорақалпоқ халқининг оғир кечмишини «ўқувчи кўз олдига аслиға мос қилиб, ҳеч қандай андозасиз, бўёқсиз тасвирлаб жонлантириш» дидир. Чунончи, у тарихий ҳақиқат сабоқларидан келиб чиқиб сўз танлайди, образ яратади, манзара ва табиатни тасвирлайди; хонлар билан бийлар ўртасидаги урушлар халқни жисман йўқотибгина қолмай, унинг маънавий олами, тирикчилиги

ни, табиатини қашшоқ қилиб қўйганлигини аниқ деталлар орқали кўрсатиб беради. Мана бунга яққол бир мисол:

«— Исминг нима? — деб сўради хон кулгидан тўхтаб.

Қиз исмини айтди.

— Олмагул?! Ҳа-ҳа-ҳа! Уйда бир сиқим уни йўқ одам қизининг исмини Олмагул деб кўяр экан. Турар жойининг тайин йўқ қорақалпоқ элида олма гули қандай қилиб сенға исм бўлиб қолган экан?

— Бизнинг элимизда ҳам олма бор, — деди.

— Олма бор... Ҳа-ҳа. Олма ҳам қаерда ўсишни билмайди. Тилсиз, аксиз емиш. Йўқ, қиз! Сен у исми кўй. Олмагул исми сенға ярашмайди. Бугундан бошлаб сенинг исминг Майдабика!»

Хон томонидан Олмагул камситилган бўлса ҳам, мазкур фикрда қандайдир бир тарихий ҳақиқат бор. Бу ҳақиқат бизнинг юқоридаги фикримизға келиб боғланади. Яъни Олмагул ўз бахтини топа олмаган, меҳрга ва бир парча нонға зор қорақалпоқ аёлининг типик вакили. У сотилиб, қўлдан-қўлга ўтиб, оқибатда ёш бўлишга қарамасдан, кўчада қолади. У ҳаётнинг аччиқ гирдобиди шунчалик ўзгариб кетадики, ўз номини, тилини йўқотади, бу ҳам етмагандек, фалакнинг гардиши билан ўз акаси билмасдан... хотин бўлади. Бу — тақдир тақозосига тан берган, кураш нима, ҳақ нима, ноҳақлик нималигини билмаган ҳимоясиз бир аёл.

Ёзувчи трилогияда давр ўтиши билан авлодлар руҳиятидаги ўзгаришларни, ҳар бир авлод вакилининг даврга қараб ўз муносабати борлигини ва улар мана шу давр эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳаётға ва муҳитға ўзларига хос усулда ёндашганликларини чуқур психологик таҳлил қилади.

Трилогиянинг биринчи ва иккинчи китобининг қаҳрамонлари Ўразан ботир, Маман бий, Омонлик, Яхшилик, Дўспан, Мурод шайх, Өсенгелди, Тўрамурадлар билан учинчи китобдаги Эрназар олакўз, Хумор отин, Тенгел, Кенжамурод ҳамда Сойибназар, Фозил, Турк охунлар дунёқарашини ўртасида катта тафовут бор. Бу тафовут ижобий образларнинг маърифатға интилишида, онгли равишда ҳақиқат учун курашда, бирдамлик, ҳамдамлик туйғусининг халқ дилида кенг илдиз отишида намоён бўлса, салбий образлар тимсолида эса, уларнинг эзгулик йўлида доимий катта тўсиқ бўлиб келаётганлигида кўринади. Масалан, салбий образлар ўртасидаги тафовут биринчи китобдаги Мурод шайх билан сўнги асардаги Сойибназар эшон кўйфасида яққолроқ кўзға ташланади. Мурод шайх дин пешвоси бўлса ҳам халққа сунадиған, ён

босадиган, унинг яхши-ёмон куниди ҳамдардлик кила оладиган образ. Сойибназар эшон маккор, халқнинг ҳақ йўлидаги курашларидан фойдаланиб бойлик ортирадиган, уруғларнинг бирлашишиға тиш-тирноғи билан қарши, бирлашиш йўлбошчиси Эрназар олакўзани хонға қақиб ўлдиртирган шахсдир. Ўз мақсади йўлида ҳеч нарсдан қайтмайди. Дин унинг учун ниятини амалға оширишда бир ниқоб. Шу сабабли бундай жоҳил одамлар дастидан асар жараёнида кўплай ижобий қаҳрамонлар ўз мақсадларига етолмай ўлиб кетадилар. Бу билан ёзувчи ноҳақлик ҳақиқат устидан устун келади демокчи эмас, аксинча, эзгулик йўлида курашган халқ фарзандлари шу

йўлда фидо бўлса ҳам, уларнинг кураши ва мақсади барҳаёт эканлигини таъкидлайди.

Қисқасини айтганда, Бердақ ва Ҳамза мукофотлари лауреати, Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси Тўлапберган Қаипберганов ўз олдига қўйган қийин, аммо шарафли вазифани адо этди: ўз халқининг аччиқ кечмишини, мозийнинг мансур манзараларини яратди. Бу трилогиянинг СССР Давлат мукофоти билан тақдирланиши ёзувчи ёки қорақалпоқ китобхонлари қувончи бўлиб қолмай, бутун республикаміз кенг китобхонларининг ҳам қувончидир.

Маърифат ШОИНОЯТОВА,
филология фанлари кандидати



СССР трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг махсус конструкторлик бюроси ходимлари пахта териш машиналарининг такомиллашган янги турлари устида ишламоқдалар.

Суратда: сектор мудир Валерий Медних ва инженер-конструктор Алишер Билолов.

Р. Нуридинов фотоси (ЎзТАГ)

КЛУБ ВА ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ



ХАЛҚИМИЗ маънавий оламнинг бир қурилиши бўлган ҳаваскорлик ижодиёти партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган жадаллаштириш программасида таъкидланган инсон омили, унинг камолотига бевосита боғлиқдир. Ҳозир мамлакатимиздаги бадий ҳаваскорлик тўғрақлариға қарийб 30 миллион киши жалб этилган. «Омнинг жонли ижодкорлиги, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПССнинг XXVII съездиға қилган Сиёсий докладда, — социалистик тузумнинг жуда катта имкониятлари ва афзалликларидан энг кўп даражада фойдаланиши — бизнинг муваффақиятимизни таъминлаб бериши лозим бўлган бш омилдир».

Ана шу нуқтаи назардан республикамиз маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини ўрганадиган бўлсак, ҳозиргача халқ ижодиётининг бошқа турлари ҳисобига бадий ҳаваскорликка кўпроқ эътибор берилётганиға гувоҳ бўлаемиз. Агар клубларда хор, музика, рақс тўғрақлари ишлаётган бўлса, бу клуб фаолияти яхши ҳисобланмоқда. Аслида эса мутлақо бундай эмас. Чунки клубда бадий ҳаваскорлик билан бир қаторда фото ва кино санъати, тасвирий ҳаваскорлик санъати ҳамда каштачилик, тикувчилик, ёғочга ва гангча нақш солиш амалии санъатининг бошқа турлариға ҳам эътибор берилиши лозим. Халқ истеъодларининг меҳнатларини биз фақат халқ ижодкорлиги кўргазмаларида, кўриқларида ва фестивалларидагина кўраемиз. Масалан, республика кино ҳаваскорларининг ишини олиб кўрайлик. Икки юзга яқин ҳаваскорлик киностудияларида тўрт мингдан ортиқроқ киши шуғулланмоқда. Бу студияларнинг экранларида ишлаб чиқариш илгорлари фаолияти, турмуш тарзини акс эттирилмоқда. Бироқ бу ҳаракатлар жойлардаги клуб муассасалари, шунингдек, маданият ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмапти. Жумладан, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига алоқадор бўлган клуб муассасаларида ҳаммаси бўлиб 360 та кино-фото ҳаваскорлик тўғрақлари бўлиб, унда 5 миң 563 ҳаваскор қатнашмоқда. Маълумки, Тошкент кўп миллионли шаҳардир. Лекин бу ерда ҳаммаси бўлиб бешта кино-фото тўғрақи бўлиб, унда атиги 71 нафар ҳаваскор қатнашмоқда.

Жиззах, Сирдарё областларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Мазкур областларда санъатнинг бу соҳасига қизиқувчилар сонини камми, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Йўқ, бундай эмас. Жойларда кино-фото тўғрақлариға қизиқувчилар сонини кўп. Афуски, улар ҳақида ғам-хўрлик қиладиган муассасалар йўқ.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган халқ ижодкорлигининг Бутуниттифок фестивали даврида яна бир муаммо туғилди. Халқ тасвирий санъати студияларининг, яъни ва яқна тартибдаги ишлари кўргазмалари кўпчилигининг эътиборини қозонди. Клублар коллективи мазкур соҳани ривожлантиришға етарли эътибор бермаптилар. Хусусан, 1986 йил апрел ойида Тошкент шаҳрида ҳаваскор расмолар ва халқ амалии санъати усталарининг республика кўргазмаси бўлиб ўтди. Бу кўргазмада 6 ёшдан 85 ёшгача бўлган 530 нафар муаллиф қатнашди.

Кўргазмаға қўйилган ҳар бир асарда замондошимизнинг иш кунлари, орзу-ўйлари ва интилишлари акс этган. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг дурадгори Ю. Бутусов кўргазмаға ўз касбдош ўртоқларининг образи акс эттирилган расмлар туркумини тақдим этди. Қончи Б. Голубинский, болалар богчасининг мураббиси А. Богорова, электромонтёр Ш. Сейтумеров, слесарь А. Канофанов, педагог Ҳ. Ҳасанов асарларининг бош қаҳрамони замондошларимиздир. Афуски, жойлардаги ана шундай ҳаваскорлар фаолияти билан клуб ходимлари қизиқмаптилар. Ваҳоланки, бундай истеъод эгалари республикамиз қишлоқ ва шаҳарларида талайгина. Масалан, Шеробод районидаги 33-умумий таълим мактабининг рус тили ўқитувчиси, ҳаваскор расмом Бахтиёр Уроқов, Вухоро областидан Серимхон Мирғёсова, Бибиғул Кавапова ва бошқаларнинг ишлари эътиборға моликдир. Инженер А. Мишкин эртаклар қаҳрамонларининг ўзи ишлаган ҳайкалчаларини Қосмоол районидаги «Первомаец» совхозининг 84-болалар богчасига совға қилди. Наманган областининг Чуст районидаги Тошқўрғон қишлоғида истиқомат қилаётган Самижон Аҳмадалиев манзарали асарларини болалар муассасалариға ҳада этганлигидан хабаримиз бор. Самарқандда жамоатчилик ташкил этган «Сугдиёна» китобсаварлар клуби фаолияти ҳам эътиборға молик. Мазкур клубда китобхонлар конференциялари,

коллектив равишда кинофильмлар кўриш ва уларни муҳокама қилиш, ишлаб чиқариш илгорлари ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ҳаваскор расмолар билан учрашувлар уюштирилиб турилади. Шунингдек, бу ерда мунтазам равишда ҳаваскорлик фильмлари намойиш этилади, болалар чизган расмлар бўйича конкурслар ташкил қилинади.

Шунингдек, республикадаги турли соҳа мутахассислари ўқитувчилар, пенсионерлар орасида кўплар ташаббускорлар бор. Агар ишга оқилона ёндашилса, бундай кишилар халқ ҳаваскорларига катта ёрдам беришлари мумкин. Фақат уларни топиш, улар билан мунтазам ижодий мулоқотни йўлга қўйиш, уларни фойдаланишларға жалб эта билиш лозим. 1986 йилда Тошкент хунар-техника билим юртлири ўқувчиларининг «Меҳнат резервлари» спорт комплексида ўтган техника ва бадий ижодиёт кўргазмаси жамоатчиликда қизиқтиш уйғотди. «Намойиш этилаётган амалии санъат бўлимидаги экспонатлар, айниқса, менда жуда катта таассурот қолдирди, — деди Октябр районидаги 14-поликлениканиннг врач М. Усмонова. — Чинни гулдон ва чойнақлар, биллур вазалар жуда дид ва маҳорат билан тайёрланган. Мен фарзандларимнинг ҳам шу истеъод эгалари зидан боришини жуда-жуда истардим». Бу истак, яхши ният фақат бир она қалбадиға эама, жуда кўплаб ота-оналарнинг кўнглида бор гап.

Маълумки, Ўзбекистон — қадимдан машҳур халқ усталари ўлкаси. Диёримиз халқлари ҳаётда нафис хумлар, лаганлар, коса ва пёбеллар каби сопол буюмлардан фойдаланадилар. Зар иплар билан тикилган дўшиллар, ганч ва ёғочға ўйилган нақшлар, гиламлар, ипак буюмлар кўзни қамаштиради. Хоразм сополлари, қорақалпоқларнинг гиламчилиги, хеваликларнинг чармға гул солиш санъатини айтмайсизми!..

Республикамизнинг Самарқанд, Андижон, Фарғона, Вухоро, Шахрисабз, Марғилон, Шахрихон, Чуст, Ёйдувон каби шаҳарларида халқ ҳаваскорлиги ва хунармандчилик санъати кенг ривожланган. Халқ усталари тайёрлаган буюмлар ўзининг бетакоррлиги билан ажралиб туради. Мана шу соҳаларға ҳам ёшларни қизиқтириш, бу ишни устоз-шогирд тарзида яхши йўлга қўйишға ҳаракат қилишимиз лозим.

Республикада техник ҳаваскорлик ижодиёти муайян йўналишға эға. Юзга яқин техник стан-

циялар, хунар-техника билим юртлирида 507 та ёш рационализаторлик мактаби, ёшларнинг ижодий комплекс бригадалари, жамоатчилик асосидаги конструкторлик бюрolari ишлаб турибди. Лекин уларнинг иши бугунги кун талаблари даражасида эмас. Бу коллективларнинг ишларини қайта қуриш талаблари асосида ташкил этиш керак.

Меҳнаткашларни техник ижодкорликка жалб қилишда клуб муассасаларининг роли қандай? Маълумки, клуб муассасалари фаолияти билан шуғулланиладиган мутасадди ташкилотлар, жумладан, республика Маданият министрлиги, жойлардаги ташкилотлар меҳнаткашларнинг техник ижодкорлик фаолияти билан шуғулланиш масъулиятини касаба союзи, клуб муассасалари зиммасига юклашға ҳаракат қиладилар. Оқибатда министрлик қарамоғидаги клуб муассасаларида мавжуд бўлган барча тўғрақларнинг атиги 1,1 фоизини техникавий, иқтисодий ва қишлоқ хўжалик тўғрақлари ташкил этади. Бадий ҳаваскорлик тўғрақларининг салмоғи эса 73,1 фоиз. Натижада Маданият министрлиги клубларида тарғибот қилинаётган техник ижодиётнинг шакл ва усуллари, уларнинг ўқув-тарбиявий ишлари бугунги талабға мутлақо жавоб бермайди. Қишлоқ клубларида эса техникавий тўғрақларини ташкил этишининг ҳеч қандай имконияти йўқ. «...Ешларнинг техника ижодкорлиги учун мумкин бўлган барча воситалар билан имконият яратишимиз керак, — деб таъкидлаган эди М. С. Горбачев стахановчилик ҳаракати ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари билан учрашувда. — Ешларнинг ижодий потенциалини жамият социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ вазифаларни хал этишға қаратиш учун имконият яратишға қолмай, шу билан бирға барча зарур шароитларни ҳам вужудға келтириш лозим».

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ўз қарамоғидаги клублар, касаба союзи клуб ва маданият саройлари меҳнат коллективларида, колхоз ва совхозларда, корхоналарда, фабрика ва заводларда халқ ҳаваскорлигини ривожлантириш иш усулларини қайта қуришға оид тадбирлар комплексини ишлаб чиқишлари керак. Ана шундагина клублар халқ ижодиётини фаоллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Аҳмаджон РЎЗМЕТОВ,
педагогика фанлари кандидати

РАТАЛАБ редакцияга тоتماгина,
ўрта бўйли бир жувон кириб келди.

— Врачлар ҳаёти билан шу бўлим шуғулланадими? — У ўриндиққа ўтириб улгурмасданоқ шу савол билан бизга юзланди.

— Ҳа. Нима эди?

— Мен Самарқанд обласининг Ургут районидан келдим. «Уч Қаҳрамон» совхозидаги туғруқхонада чинакам мўъжиза юз берди, — меҳмон нимадандир ортиқча қувонгандек ҳаяжонланиб гапирарди. — Районимизнинг бош гинеколог врачлари Муқаддасхон Қодирова ўлим гирдобиди турган ёш онанинг ҳаётини сақлаб қолди. Қарангки, атрофимизда яхши одамлар кўп экан-а. Уша куни таниш кишилар ҳам, нотаниш кишилар ҳам ўзлари келиб, бемор учун қон беришди. Операция ҳам денг қарийб беш соат чўзилди-да. Моҳир врачнинг тажрибалилиги, кўнгилли донорларнинг хайрихоҳлиги билангина онанинг жони сақлаб қолинди. Бувисоранинг ҳаёти кил устида турган эди-да. Мен атайлаб бир гуруҳ кишилар номидан редакцияга шу кўнгилли хабарни билдириб қўйиб, деб келдим...

Ўзини Мавлуда Ёқубова деб таништирган ўша жувон шундай дея, кўлимизга бир хатни тузқазди. Редакцияга йўлланган хат беморнинг бир неча ҳамқишлоқлари томонидан ёзилган бўлиб, унда ўшалар номидан жонкуяр шифокор Муқаддасхон Қодировага жўрнал орқали раҳмат билдириш илтимос қилинган эди.

Мавлудaxonнинг гапи ва у келтирган мактуб туртки бўлди-ю, бизда ургутлик шифокор Муқаддасхон Қодирова билан учрашиб, ўша холис кишиларнинг ифодаси билан айтганда, «мўъжизавий воқеанинг» тафсилотини билиш истаги туғилди.

Муқаддасхон бизга бўлган воқеани ҳикоя қилиб берди...

1986 йил, 25 октябрь, шанба куни эди. Кундуз соат 13. Район «тез ёрдам» хизмати бўлими мудири Равшан Толипов марказий туғруқхонага қуюндек учиб келди. У машинадан сакраб тушиб, бош гинекологнинг хонасига шошиб кирди.

— Муқаддасхон, Жартенадаги туғруқхонада бир беморнинг аҳволи ниҳоятда танг экан, у ердаги гинекологлар иложини қилишга олмаётганмиш. Тайёргарлик билан у жойга тез етиб бормасангиз бўлмайдиганга ўхшайди, — Равшан Толипов шундай деди-да, ташқарига чиқиб бош гинекологни кутиб турди.

Муқаддасхон зудлик билан тайёргарлик кўрди: икки телефонда анестезиолог Тошпўлат Сайфидиновни, операция ҳамшираси Хуршидахон Ортиқовани: «Ҳозир биз билан «тез ёрдам»да кетасиз», деб огоҳлантирди. Кейин жарроҳлик асбобларини, антибиотикларини, икки-уч қон олдин донорлардан олинган беш флакон қонни махсус операция сумкасига жойлаб, шитоб билан жўнаб кетишди.

Туғруқхонага етиб келганларида ташқарида — бемор ётган палатанинг рўпарасида Бувисоранинг яқинлари ташвишланиб туришарди. Улар Муқаддасхонни кўриб: «Ана райондан катта дўхтир келди. Шояд иложини топишса...» дея умид билан унга тикилишарди.

Муқаддасхон палатага зудлик билан кириб, беморнинг аҳволини кўздан кечирди. Унинг ёнига ўтириб, қон босимини ўлчади: тонометр 0—30 рақамини кўрсатди. Бемор кўп қон йўқотганидан, қон томирларининг ҳаракати тобора сусайиб борарди. Қон кетиши ҳамон тўхтамаётганиди.

БУВИСОРАНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

«Чиқмаган жондан умид, деганлар. Операция қилиш керак. Шу йўл билан сақлаб қолиш мумкин. Айтмоқчи, келтирган қонимиз камку, донорлар топилаётганми?» Бош гинекологнинг миёсиди шу фикрлар чарх ураркан, у отилиб ташқари чиқди. Унга илтижо билан тикилиб турган ҳалиги кишиларга юзланди:

— Бувисоранинг эри, қариндошлари кимлар?

— Мен турмуш ўртоғи бўламан, — деди Ризоқул Турсунов врачга яқинлашиб.

— Операция қиламиз, розимисиз. Бошқа илож йўқ.

— Майли... Умидимиз сиздан.

— Ораларингизда қон бериши мумкин бўлганлар борми?

— Бор, бор, — дея бир неча киши бараварига даврандан чиқишди. Анестезиолог Тошпўлат Сайфидинов ҳам бу орада ўзининг тайёргарлигини кўриб қўйган эди. Лекин операция осон кечмаслигини ҳаммалари яхши билишарди. Одатда, беморнинг жони кил устида турган бундай шароитдаги операция жарроҳдан ҳам, унинг кўмакчиларидан ҳам катта масъулият талаб қилади.

Кўп қон йўқотиши натижасида силласи қуриган бемор ҳозиргина бир операцияни бошдан кечирганиди: туғруқхона врачлари дастлабки операцияни амалга оширган бўлсалар ҳам, кетаётган қонни тўхтатишга ожиз эдилар.

Муқаддасхон бутун операция давомида беморнинг қўл ва оёқ томирлари орқали узлуксиз қон бериб туриш йўли билан юрак урушини назоратдан қочирмай, айни вақтда касалнинг томирларидан плазма, гемадез каби антибиотиклар ҳам юбориш зарурлигини ёнидаги тажрибали ҳамшираларга уқтирди.

Одатда, кўп қон йўқотган беморларда керакли қон томирларини топиш ҳам амримаҳол бўлади. Бундай ҳолларда жарроҳлар веносекция методидан, яъни этни кесиб, қон томирини топиш усулидан фойдаланадилар. Муқаддасхон ҳам операция ишини худди шундан бошлади.

Ўша энг масъулиятли дақиқада боя ҳовлида Бувисоранинг турмуш ўртоғи Ризоқулнинг операцияга розилик билдириб айтган гапи яна Муқаддасхоннинг хаёлидан ялт этиб ўтди: «Майли, сизга ишонамиз!..» Ўзгалар ишончи уни дадилликка ундади. У йиллар давомида мамлакатимизнинг марказий клиникаларида, умуман, иш фаолияти давомида орттирган тажрибасига таяниб, бутун фикри-зикрини бир жойга йиғиб, қатъиятлик билан иш кўрди. Орадан бир соат, икки соат, уч соат ўтди. Ана шу қалтис онларда эпчил қўллари меъёрида ҳаракат қилди. Хирург ҳам, наркоз меъёрини хушёр қузатиб турган анестезиолог ҳам, қўли-қўлига тегмай жарроҳга кўмаклашаётган ҳамшира ҳам бир-бирларини фақат имо-ишора билан тушунар эдилар. Операция роп-роса тўрт ярим соат давом этди. Жарроҳ бутун операция жараёнида журъат билан иш тутди...

Муқаддасхон кеч соат олти яримлардан ошганда ҳорғин ҳолда операция хонасидан чиқди. Операциянинг муваффақияти кўп жи-

ҳатдан кейинги парварिशга ҳам боғлиқ эди. Бунинг устига, узоқ вақт давомида берилган нарқоздан кейин беморни ҳушига келтириш ҳам энг нозик ҳолат ҳисобланади. Агар шу дақиқаларда шифокорлар постиди турган чегарачидек хушёр турмасалар, тиббиётда «шок» деб аталадиган, яъни фавқулодда миёга уриладиган зарб оқибатида клиник ўлим юз бериши мумкин. Мана шунинг учун ҳам бош гинеколог туғруқхонада — кеч соат ўн биргача беморнинг ёнида қолди.

— Шу куни жудаям қолдан тойган эканман, — дейди Муқаддасхон ўша операция жараёнини эслаб. — Донг қотиб ухлаб қолиман. Болаларимнинг уйғониб, мактабга кетганларини ҳам билмабман... Эртасига ҳам, индинига ҳам ишга кетаётиб, йўл-йўлакай Бувисоранинг аҳволидан хабар олиб тур-



замондошларимиз

дим. Унинг ҳолати нисбатан яхшиланиб борарди. Бари бир кўнглим тинчмай ўн беш кунгача унинг ҳолидан хабарлашдим.

Ҳа, бемор — бемор эмас, бемор боққан бемор, дейишади. Ҳақиқий шифокор ўз бемори билан не-не изтиробларни бошдан кечирмайди, дейсиз; у билан бирга неча бор ўлиб тирилади.


Дарвоқе, «Уч Қаҳрамон» совхозининг ишчиси, ёш она Бувисора Қаҳҳорова Гулчеҳра, Ғолиб, Гулсора сингари беш нораства фарзандининг бахтига омон қолган экан, бунда моҳир гинеколог, меҳрибон шифокор Муқаддасхон Қодированинг хизмати бекиёс. Айни вақтда одамнинг ҳаёти омонат бўлиб турган оғир пайтда инсонийликни чуқур хис этиб, Бувисорага қон бериб жон киритган Холтўра Тиллаев, Ашур Файзиев, Уразали Исломов, Қўйсин Эшмуродова каби донорларнинг, шу совхоздаги Ойбек номли ўрта мактаб ўқитувчиси Мавлуда Ёқубова сингари хайрихоҳ кишиларнинг одамийлиги ҳам таҳсинга сазовор. Уларнинг хизматини ўлим чангалидан омон қолган ёш она Бувисора ҳам, унинг қариндошлари ҳам, қолаверса, Жартена қишлоғининг бутун аҳли бир умр унутмайдилар.

Ургутдек сераҳоли катта бир районнинг бош гинекологи Муқаддас Қодированинг иш фаолиятига келсак, у ўз мутахассислиги бўйича камолотга осонликча эришмади. Каттақўрғонлик оддий темирчи Қодирқул ота Фозилов оиласида туғилиб, тарбия кўрди, вояга етди, шаҳардаги ўрта мактабни тамомлагач, Самарқанд медицина институтида таълим олди. 1971 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган Муқаддас устозларининг тавсияси билан акушерлик кафедрасида икки йилга ординатурага қолдириди. Бу ерда у профессор Ислон Зокиров ҳомийлигида мазкур соҳанинг сирларини берилиб ўрганди. Етмиш учинчи йилнинг кузида турмуш ўртоғи Шукрулло Рашидовнинг ҳарбий врач сифатида хизматга чақирилиши муносабати билан Муқаддасхон врач гинеколог вазифасида БАМ курувчилари хизматида бўлди.

У В. Г. Баяркин, Н. Г. Стрельцова сингари тажрибали касбдошларининг маҳоратларини ўрганди. Айниқса, Муқаддасхон ўзининг олдинги иш жойи — Ургут район марказий касалхонасига қайтиб, ишлаб бошлагач, дастлаб 1976 йилда, кейинги гал эса саксонинчи йилда икки ойлаб Москвадаги В. И. Ленин номидаги Врачлар малакасини ошириш институти клиникасида ихтисосини ошириш курсида ўқиши унинг учун муҳим камолот босқичи бўлди. У мазкур марказий клиникада профессор Л. П. Бакулева сингари тажрибали устозлар, шифокор олимлар кўлида чиникди. Уларнинг ёрдамида акушерлик ва гинекологиянинг кейинги ютуқ-тажрибалари билан яқиндан танишди. У ерда олган билим ва кўникмалари бутун унинг фаолиятида, айниқса, ҳали баён этилган фавқуллоддаги ҳолатларда жуда қўл келмоқда. Ахир, оналар, уларнинг фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш — бу келажак авлод ҳақида қайғуришдир. Лекин бу борада масаланинг таассуфли томони бор. Оғир меҳнатли шароитларда, хусусан, пахтакор районларда ёш болали оналарнинг иш шароитлари жуда қийин. Дала шийпонларида улар учун зарур имкониятлар яратилмаган. Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг, шунингдек, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари қайта қуриш талаблари асосида худди шу йўналишда ҳам ишни янгичасига ташкил этишлари лозим.

Муқаддасхон — бугун ўзининг пухта-пишиқ, хайрли хизмати билан элда эътибор топган биринчи категорияли врач. Етук мутахассис сифатида зиммасига расмий равишда районнинг бош гинекологи вазифасининг юклатилиши ҳам тажрибали шифокорга билдирилган катта ишончдир.

— Ҳозир Ургут районида, — деди Муқаддасхон Қодирова зиммасидаги масъулият ҳақида гапирар экан, — баалоғатга етган хотин-қизлар жуда кўп. Биз гинеколог



АДХАТ СИНҒИЛ

УЗУМ

Хўп хуш ёқиб еярсан узум,
Узум каби қоп-қора кўзинг.
Боқай десам ёниқ кўзингга,
Боқолмайман, тинади кўзим.

Хўп хуш ёқиб еярсан узум,
Узум янглиғ юмалоқ юзинг.
Боқай десам тиниқ юзингга,
Боқолмайман уялиб ўзим.

Хўп хуш ёқиб еярсан узум,
Узум мисол тоғлидир сўзинг.
Жавоб айтай десам сўзингга,
Айтолмайман, чувалар сўзим.

Хўп хуш ёқиб еярсан узум,
Шу узумга ўхшайсан ўзинг.
Боқай десам сенинг ўзингга,
Боқолмайман, қамашар кўзим.

Хўп хуш ёқиб еярсан узум!



ТОҒ ХАЛҚИ

Мустай КАРИМга

Тоғ халқлари
турар тоғсимон,
Тоғликларнинг
тоғлар — тираги.
Тоғ халқлари
берса берар жон,

АДАБИЁТЛАР ДУСТЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ

Аммо бермас
тоғин — юрагин!
Тоғликлар нақ
тоғлардек мағрур,
Тоғликларнинг
тоғдай юраги.
Қуён юрак бўлса гар тоғлик
Унинг тоққа
борми кераги?!
Тоғликлар ҳеч
яшолмас тоғсиз,
Айрилолмас
она — тоғлардан.
Тоғи учун
тоғлик бургутдек
Ташлагга шай
ёна тоғлардан.
Тоғ халқлари
айланар тошга
Душман босиб
келган чоғларда
Тоғлик ўлса,
тоғ қолар омон,
Донғи мангу
қолар тоғларда!

ҲУКМ ЭТМА

Замондошга

Ҳукм этма, англамасам гар,
Англаш учун вақт талаб этар.
Қай бир одам ўз-ўзин ҳатто
Англай олмай ўлиб ҳам кетар.

Ҳукм этма, хато қилсам гар,
Хато улдир ўйламай ётмоқ...
Излаган чоғ эзгулик йўлини
Хатолар ҳам бўлгайдир сабоқ!

Ҳукм этма, шак келтирсам гар
Ва сўзласам турли бор-йўқни.
Шак-шубҳасиз бўлурми яшаб,
Шак этмоққа ҳамма ҳуқуқли.

Ҳукм этма, ҳақни айтсам гар
Ва қолдирсам сени ҳатарда.
Ҳақгўйгина тўғрисин айтгар,
Тун макри фош тонглав отарда!

Татарчадан Э. МУҲАМЕДОВ
таржималари



врачлар эса улар соғлигини, оналик бурчларини муҳофаза қилишга даъват этилганмиз.

Сухбатдошимнинг гоят чуқур мулоҳазаларини эшитар эканман, 1986 йил 23 январда «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган «Оқ халатдаги доғлар» редакцияни мақоласида айtilган салбий ҳолатлар, баъзи врачларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари беихтиёр

хаёлимдан ўтди. Муқаддас қасамдга содиқ қолиб, оналар соғлигини муҳофаза қилишда астойдил жонкуярлик қилаётган Муқаддасхон Қодировани оқ халатигагина эмас, виждонига доғ туширганлар билан хаёлан муқояса қилар эканман, унинг инсонийлиги кўз ўнгимда янада яққолроқ намоён бўларди.

Шомирод СИДДИҚОВ

Болаларингизга ўқиб беринг

Шоди САТТОР

МЕНИНГ ДАДАМ

Почталъон менинг дадам,
Кўз тутади қанча одам.
Хушxabар кўп сумкасида,
Осиб олган елкасига.
Эрта тонгда йўлга чиқар,
Хурсанд бўлиб эшик қоқар:
— Мана, журнал, хату хабар,
Бу газета сенга, Лобар,
Синглим, тезроқ кел-чи, қани,
Олақолгин посылкани.
Бу хат сенга укам, Ашир, —
Дея дадам қувонч ташир.

БАҲОНА

— Исминг нима?
— Озода.
— Маъноси-чи?
— Тоza-да.
— Тозалик қандай яхши,
Одам чиройи-нақши.
Ширин кайфият, соғлиқ,
Оводалика боғлиқ.
Лекин қўлингга қара,
Кўмирдан ҳам қоп-қора,
Озода дер қизариб,
Ранги-рўйи ўзгариб:
— Уйда совун қолмади,
Онам совун олмади.
— Тугманг узилган нега?
— Тополмадим ип-иғна.
— Китобларинг ҳам кир-чир?
— Вултурги, эски, ахир!..
Кимки баҳона излар,
Кулишар ўғил-қизлар.

ҚАЛБГА ТОПСАНГ ЙЎЛ...

Кечкурун циркка бордик,
Турли ҳайвонни кўрдик,
Айиқ футбол ўйнади,
Тўтиқуш сўз сўйлади.
Дорга осилиб маймун,
Ҳаммани этди мамнун.
Отлар чопар саф тортиб,
Филлар ўйнар юк ортиб.
Чўл-сахронинг туяси —
Томошанинг уяси.
Думалаб типратикан
Жуда қуддирар экан.
Вунча ҳайвонни инсон
Ўргатган эмас осон.
Демак, топганинда тил —
Ҳайвон ҳам измингда, бил!

Душанбе

Хотира куни

МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ ҚАЛДИРҒОЧИ

МИРМУЛЛА Шермухаммад ўғли — халқимиз маънавий турмушида катта ҳодиса бўлган Ўзбекистонда театрчиликнинг қарор топишида фаол ва самарали хизмат этган кишилардан. Профессинал ўзбек театри танқидчилигининг пайдо бўлиши Мирмулла номи билан боғлиқдир. Унинг туғилганига юз йил тўлди.

Ўлкани жаҳолат тутиб, мутаассиблик ҳукмфармо пайтда, ҳар қандай янгиликка, жумладан, театрга «бидъатхона» деб муҳр босилган бир замонда уни ҳимоя қилиб чиқиш жасорат эди, албатта. Лекин Мирмулланинг жасорати бу билангина чекланмади. У Ҳамза драмалари ҳали оммага етмаган, оташқалб шoirнинг дўстидан душмани кўп бўлган бир вақтда хозирда машҳур «Бой ила хизматчи»ни кенг халқ манфаатлари нуқтаи назаридан атрофлича ва чуқур таҳлил этиб, юксак баҳолаган танқидчи эди. Ўзбек театри тарихини узок йиллар тадқиқ этган М. Раҳмонов Мирмулла ҳақида тўхталиб: «У биринчи ўзбек совет театри танқидчиси, Ҳамзанинг гоъийи ва ижодий дўсти эди», — деб ёзади.

Мирмулла Шермухаммадов бадиий ижод билан шуғулланган, масалан, шеърлар ёзган, ҳикоялари билан адабиёт мухлислари диққатини тортган бўлса-да, кўпроқ театр танқидчиси сифатида шуҳрат топган эди.

Унинг қисқа ҳаёти оғир моддий муҳтожликда кечди. 1886 йилда Тошкентда Маҳсидўзлик маҳалласида дунёга келди. Шермухаммад акалар хонадони Тошкент, Эски Жўвадаги торгина кўчада жойлашган эди. У эски мактабда савод чиқарди. Сўнг рус-тузем мактабда ҳам ўқишга муваффақ бўлди. Бироқ отасининг вафоти, «йўқсуллик» бошқа ўқишга имкон бермади. Кишиларниқанда ишлаб, оилани боқишга тўғри келди. Укалари Мирмуҳсин, Мирмуслим, синглиси Муборақларни саводхонликка ўргатди. Аср бошидаги газеталарни кўздан кечирсангиз, айрим тараққийпарвар, ўзига тўқ кишилар унга укаларини ўқитиш учун садақа тўплаб беришгани ҳақидаги хабарларни учратасиз. Хуллас, Шермухаммад аканинг қашшоқ оиласидаги тўрттала фарзанд ҳам маърифат ва маданият кишилари бўлиб етишдилар. Мирмуҳсин Шермухаммадов (1895—1929) Октябрдан олдиноқ энг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларда большевиклар позициясига келиб қўшилган, 1918 йилда кўнгилли бўлиб, Қолчакка қарши урушга кетган, бир қатор инқилобий газеталар чиқарган, «Иштирокион» (хазирги «Совет Ўзбекистони»)да муҳаррирлик қилган, бир сўз билан айтганда, ўзбек маданияти ва матбуоти тарихида ўз муносиб ўрнига эга коммунист журналист эди. 1918 йилдан ВКП(б) аъзоси Мирмуслим Шермухаммадов (1899—1939) эса, партия ва давлат арбоби сифатида танилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолиги даражасига кўтарилди. Ўз тақдирини таниқли шoir Элбек (1893—1939) билан боғлаган қенжа сингли Муборақ матбуотда мақолалари билан фаол иштирок этган қалами равон журналист қизлардан эди.

Тирикчилик ва укалари ташвиши туфайли қониқиб билим ололмаган Мирмулла мунтазам мутолаа билан шуғулланди, Замондошларидан Лазиз Азизода унинг рус тили билан бир қаторда французчадан ҳам хабардор бўлганини, каталакдек ҳовлидаги торгина болахонасида Вольтер, Руссо китобларини кўрганини хотирлайди. Мирмулланинг дастлаб қачон ва қандай жанрда матбуотда қатнашгани ҳақида аниқ маълумот йўқ, албатта. Матбуот қайдларидан унинг «революциядан олдин мақолалар, ҳикоялар, шеърлар» ёзиб тургани маълум бўлади. Дарҳақиқат, айрим шеърларини «Садои Туркистон» (1914, 4 апрель) газетасида, «Сабзозор» (Тошкент, 1914) тўпламида, мақолаларини «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида (1906—1917) учратиш мумкин. Уларнинг мавзуи ўша давр учун гоъят муҳим бўлган «миллий ва маданий уйғониш» ҳамда маърифат ҳақидадир.

Мирмулла Октябрь инқилобини зўр шодоналик билан кутиб олди. Инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ буюк ўзгариш тарафдори сифатида майдонга чиқди. Вақтли матбуот саҳифаларида янги ҳаёт тонгини куйловчи шеър ва ҳикоялар, ўзбек театрига бағишланган ўнлаб адабий-танқидий мақолалар эълон қилди. Лекин, афсуски, у 1923 йилнинг 24 сентябрида ҳаётдан эрта кўз юмди. Сафдошлари унинг қабри тепасида: «Сенинг қолдирган дардинг билан дардлашамиз, эл тараққийинг, эл маорифи устида қайгурган қайғуларингдан ажралмаймиз. Ҳасрат армонингни сенинг кутганинча адо қиламиз», деб сўз бердилар.

1918 йилнинг ёзида у революция куйчиси Ҳамза билан танишган эди. Театр санъатини чуқур ҳис этиш унинг тақдирини Ҳамза билан, инқилобий театрмиз билан чамбарчас боғлади. Жуда қисқа муддат ичида у профессионал театр танқидчиси сифатида танилди. 20-йиллар театр танқидчилигида муҳим аҳамият касб этган «Шодлик кечаси», «Шарқ саҳнасида уч спектакль», «Фронт ҳафтаси муносабати-ла», «Хуррият қаҳрамони», «Заҳарли ҳаёт», «Бахтсиз келин», «Иффат қурбони», «Бой ила хизматчи», «Хўр-хўр» каби принципиал мақолалари фикримизнинг далилидир.

Ҳамзанинг дўсти ва маслакдоши Мирмулла Ҳамза ижоди, айниқса, унинг саҳна асарлари революция ғалабаларини муштақамлашда катта аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши тушунар эди. Шу сабабли у бутун диққатини Ҳамзанинг драматик асарлари таҳлили ва тарғиботига қаратди. Аммо ёш театрмизнинг ижодий ютуқларини кўра олмаган гуруҳлар Ҳамза асарларига ва уларни саҳналаштирувчиларга қарши ҳужум бошладилар. Бу ҳужумлар қанчалик асоссиз бўлишига қарамай, театр ишига салбий таъсир кўрсатди. Айрим истеъдодли артистлар саҳнани бутунлай ташлаб кетдилар. Ваъзилари эса, бошқа труппаларга бориб қўшилдилар. Театр аҳволи мушкуллашди. Ана шундай қийин бир пайтда Ҳамза ва бошқа сафдошларига Мирмулла ёрдамга келди. Мирмулла бу ҳужумларга жавобан Ҳамза асарларини одил ва холис, ўзи айтганидек, «бетарафona» таҳлил этиб, улар-



жиддий шикат етказишни хеч гап эмас.

Шунинг учун Чехословакияда махсус митти роботларнинг дастлабки намуналари яратилди. ЧССР-да ёки бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган ва бир қисми ишлата оладиган ҳар қандай компьютер билан бундай роботларни бемалол бошқариш мумкин. Тажриба ҳунар-техника билим юртининг ўртача билимли ўқувчиси бу механизм ёрдамида программа-лаштириш усулини 1—5 соатда ўзлаштири олишини кўрсатди.

Ўқув роботи

Роботларни сошлаш ва ремонт қилиш билан шуғулланидиган мутахасссларни тайёрлаш учун кўргазмали қўлланмалар керак бўлади. Бу максалда заводнинг асл ускуналаридан фойдаланиш мумкин эмас. Чунки программа-лаштиришда йўл қўйилган энг кичик хато

Аждодлар ёзуви

Ироқлик олимлар яқинда археологик қазилмалар пайтида қадимий кутубхонани топиб олдилар. Бундан уч минг йил муқаддам қурилган сарой очилаётган вақтда таг айвонга дуч келинди. Унинг атрофидаги деворлар тошдан жавон шаклида

гаурат ёзувга эга бўлган сопол парчалар териб чиқилган. Кутубхона учта бўлимга эга. Бўлимларнинг бирида диний мазмунидаги китоблар сақланган, иккинчиси асосан географияга оид илмий ишлар қўйилган. Учинчи бўлимда эса, грамматикага оид дарсликлар турган.

Маймунча

Бу гаройиб воқеа Москвадаги хайвонот боғида юз берди: орангутанлар оила-сида маймунча туғилди. Кўп ҳолларда она маймун ўз боласини парваришладан воз кечадди. Бу гал эса бошқача ҳолат кузатилди. Одатда, бундай ҳодиса хайвонот боғларида жуда камдан-кам бўлади.

— Маймунча ўз меҳрибонлари ардоғида, — деди хайвонот боғининг илмий котиби Н. Истратова. — Унинг Сума лақаби уни уч ёшли онаси бошқа маймун-

ласини эмизиб, парвариллаб юрибди. Дастлаб у мустақил равишда боласини ювинтириб, ҳатто тегиқларини алмаштирди. Ўз боласидан бир қадам нари жилмади, маймунча ҳам эркаланиб унинг бўйига осилгани осилган...

Хайвонот боғи ҳодимларининг сўзларига қараганда, у гоят мафтункор. Шу сабабли Сума уни парваришладан воз кечолмаган. Маймунча одамларнинг қўлидан у-буни олиб еяверади, ўзига яқин борғаларнинг дўстлигини ҳис этади. Ҳатто, ишонасими, илжайиб ҳам қўяди...

Меҳрибон она маймун ва унинг гўдаги ҳамиса мутахассислар кузатувидадир.

Ўн асрлик эман

Хитой Халқ Республикасининг Хуань виллоятида ёши қариб ўн минг йилдан ошган кетган улкан эман ўсади. У Хитойда бўлиб ўтган

қвсларнинг шохқандидир. Унинг айланаси 14 метр, бўйи эса 21 метрни ташкил қилади.

Яна ўша аҳвол

Приматлар (сут эмизувчиларнинг юқори туркуми) муҳофаза қилиш ҳалқаро уюшмаси япониялик автомобил конструкторлари синов вақтида ваҳший усуллари қўлаётганликларини таъкидлади. Улар кўп йиллар давомида машиналарни синов пайтида тирик маймуни олдинги ўридикка бойлаб қўйиб, кейин машинани юқори тезликда бешон девор томон йўналтириб юборишарди. Агар хайвон тирик қолса, уни яна бошқа синовларда фойдаланишган. Конструкторлар бу далилларнинг тўғрилигини тасдиқлашди, лекин воқеа тафсилотини шарҳладан бош тортидилар.

нинг янги жамият қурилишидаги аҳамиятини кўрсатиб берди. У илк мақолаларидаёқ ёш ўзбек совет театрини «янги тирикликка киргани» билан қутлади. Бу — тетапоё ўзбек театрининг ютуқлари эди. У бир мақоласида Ҳамза ҳақида: «Захарланган эски турмушнинг қора саҳифаларини тасвирлашда қаламини устагина юритган драматургини табрик этмасдан ўтолмаймиз», деб ёзди.

Театр Мирмулланинг тақдирини Карл Маркс номи труппа билан, улуг санъаткор Маннон Уйғур билан боғлади. Маннон Уйғур бошиқ труппа фаолиятига бағишлаб кўплаб тақризлар ёзди. У труппа раҳбари Уйғурнинг драматурглик, режиссёрлик ва актёрлик маҳоратини алоҳида таъкидлади: «Ҳақиқатда Туркистон ўлкасида, ерли халқ ичида «артист» номини кўтармоққа ўртоқ Уйғурнигина буюк бир ҳаққи бор». Мунаққид Уйғурни «артистлик илми»ни пухта ағаллаган, «ҳар бир ҳаракатда ўзини кўрсатиб, саҳнада гараз вуҷуд эта оладиган» санъаткор сифатида баҳолайди ва уни Шарқда илк бор Отелло ролини ўйнаган машҳур озарбойжон актёри Ҳусайн Араблинскийга тенглаштиради.

Мирмулла театр ҳақидаги принципиал мақолалари билан бугунги ўзбек совет театр танқидчилигимизга асос солди. Унинг мақолалари ўзининг теранлиги, одилона ва далиллилиги билан унга замондош танқидчиларнинг мақолаларидан кескин фарқ қилади. Чунки ўша даврдаги кўпчилик танқидчилар спектакллар таҳлилда асар ва артистларнинг ҳаракатлари ҳақида «дуруст», «ўртача», «ёмон», «зарарсиз» каби умумий фикрлар билан чекланишар, драманинг гоёвий-бадий мазмунини тушунтиришга журъат этишмас эди. Мирмулла эса бирор асарни таҳлил этар экан, аввало унинг гоёвий-бадий жиҳатларини аниқлайди, сўнгра ижросига батафсил тўхтайдди. Масалан, драмадаги ҳар бир персонаж ўз тили ва характериға эга бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу ижобий хислатни Ҳамза драмаларида кўрганини мамнуният билан сўзлайди: «Муаллиф асарда кўринадиган қаҳрамонларға гоят диққат ҳақ сўз ва характерлар берган», деб ёзди.

Тадқиқотчи саҳнадаги артистларнинг хатти-ҳаракатлари, юриш-турушлари мутлақо табиий бўлиши, қаҳрамон мавқеи ва руҳий ҳолатиға мос келиши зарурлигини алоҳида уқтиради. Шунга кўра, у ўзбек театр танқид-

чилиғида саҳна асарини психологик жиҳатдан ҳам таҳлил қилиш тенденциясини бошлаб берган мунаққиддир. У адабий танқидда изчил ва холис, ўша давр танқидчилиги ўринли таъкидлаганидек, «унинг интиқод кўзи гоят тўғри ва одилона кўрар эди». «Туркистон» газетаси 1923 йили ёзганидек, Мирмулланинг танқиди натижасида «кўп яроқсиз пьесалар саҳнамиздан тушди, лаёқатсиз, артист номини олиб юрганлар саҳна теварағидан йўқолмоққа бошладилар».

Мирмулла инқилобдан кейин ҳикоячилик билан ҳам жиддий шуғулланди. 20-йиллар ҳикоячилиги тараққиёти йўлида самарали хизмат қилди. Инқилобгача ёзган шеърларида халқни озодликка, маърифатга ундаган бўлса, Октябрдан кейинги ҳикояларида «кун чиқиш йилларнинг нурли замони»да янги жамият қуришга чақирди, ўнлаб ҳикоялари билан ўзбек совет прозасининг ривожланишиға муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, адабнинг «Коммунизм чечаклари», «Турмуш кўринишлари», «Вукун байрам эди», «Паранжи» каби ҳикояларини алоҳида таъкидламоқ керак.

Лекин, энг муҳими, Мирмулла театр танқидчилиғиға доир мақолалари билан ўзбек совет театр танқидчилигининг пойдеворини яратди. У бутун ижодий фаолиятини социалистик санъат ва маданиятимиз йўлиға бағишлаган эди. «Туркистон» газетаси 1924 йилдаги сонларидан бирида ёганидек, у «чин адабиётчи ва маданият кишии эканлигини кўрсатди, у ўзининг адиб ва танқидчи бўлишиға ишонган бир киши эди». Худди шу газетанинг 1924 йил 24 сентябрь сонида Мирмулла вафотининг йиллиғиға бағишланган бир мақолада қўйидаги самий сатрларни кўрамиз: «Замона тез айландир, кечагина кўз олдимизда тирик турган ва матбуотимизда ўзи билан бирга дардлашиб, элга маънавий озук бериб турган бир адибимизнинг бугун кўз олдимиздан кетганига бир йил бўлибди. Бизға минглаб мирмуллалар керак бўлиб турган бир замонда бизнинг ёлғиз биргина Мирмулланимиздан ажралганимизға бир йил тўладир...»

Суронли инқилоб йиллари олисда қолди. Ўзбек театри жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Довруғи Иттифоқимизғагина эмас, бутун жаҳонга ёйилди. Адабиётимииз камол топти. Лекин тарих шунга гувоҳ бўлиб турибдики, инсон камоли йўлидаги ҳар бир пиллапоё бир инқилоб экан. Шу жиҳатдан

муаззам мамлакатимиз бағрида кечаётган «қайта қуриш» деб ном олган бугунги шиддатли жараённинг Улуг Октябр билан теран боғланиши бор. Бинобарин, социалистик идеал ва унинг рўёбға чиқарилиши ҳақида гап кетар экан, унинг шифойиларини унуттишға ҳаққимиз йўқ. Шу тўғрйли таваллудига ўзи йил тулган Мирмулла Шермуҳамедов хотирасини миннатдорлик ва маъсулият билан тилға оламиз.

Бегали ҚОСИМОВ,
филология фанлари доктори,
Суннатилла АҲМЕДОВ,
филология фанлари кандидати



Хоразм давлат педагогика институтини доценти Халил Сиддиқов кўплаб қадимий кўл-ёзмаларни излаб топди ва тиклади. У 40 йилдан бери мана шу иш билан шуғулланиб келмоқда. Ҳозир Х. Сиддиқов Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари устида тадқиқот ишларини олиб борапти.

Суратда: хоразмлик олим Халил Сиддиқов иш устида.

К. Отаев фотоси (ЎзТАГ)

ЧАПАЕВ ҲУЗУРИГА ТАШРИФ

В. И. ЧАПАЕВ ТУҒИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТУЛДИ

Ёз фасли охирида қолган бўлса-да, йўлнинг икки четига ўт-ўланлар кўм-кўк. Занжирдай бир-бирига жипслашган ҳолда қандайдир қисм оҳиста йўл босади. Ортада қолган одамлар олдида тўхтабди. Михаил Васильевич Фрунзе уларга бир неча савол беради, жангчиларнинг кечиккиси сабабини суриштиради. Уларнинг айримлари оёқ-ланг, бунни кўриб Фрунзе мийғида кулиб кўяди.

— Этик оғирлик қилаяпти, усиз енгил ва тез юриш мумкин, бундан ташқари, иқтисодга ҳам алоқаси бор, — қувноқ ҳолда жавоб беришади улар. — Кечикаётганимиз масаласига келсак, ўртоқ қўмондон бундан ташвишланмасинлар. Буйруқда кўрсатилганидан анча барвақт йўлга чиққанмиз. Шунинг учун шояммасдан йўл босаямиз.

Ҳақиқатан, улар бардам ва қатъиятли эдилар.

— Қизиқ одамлар, худди ўзларининг командирларига ўхшаш, — дейди Фрунзе. — Сиз, балки, Чапаевни Москвага, Бош штаб Академиясига ўқишга юборганимиздан хабарингиз бордир? Василий Иванович у ерда ўзини кўзга жой тополмай қолди ва ниҳоят Ҳарбий Революцион Совет аъзоси Линдов номига хат ёзиб, қандай қилиб бўлмасин қақриб олишини ва фақат ҳарбий қисмга ўнатишини илтимос қилди. «Тўрт девор орасида, — деб ёзди у, — қисилиб ётиш табиятга ёт. Мен учун бу ер худди жаҳаннамнинг ўғинаси. Қақриб олмасангизлар, докторга учрайман, у мени ўқишдан озод қилади...» Чапаевнинг эрки ҳозир ўз кўлида. Бу эрк эса, кўриб турганингиздек, ўзига хос, парвозга шай. Тўғри, сиёсий ходимлар ундан анчагина дакки еяптилар. Нима ҳақида гапирётганимни тушуниб турган бўлсангиз керак? Балки, сиёсий бўлимда ҳам бу масала хусусида бирор фикрга келишган бўлса керак?

— Ҳа, маълум қарашлар бор.

— Балки, унинг устидан шикоятлар ҳам серобдир? Ахир, ўзига тўғри кишилар шикоятбозликдан орланадилар.

— Ҳа, албатта. Ҳайтовур, у билан муносабатда бўлган кишилар шикоят қилмайдилар, ақсинча, унга қойил қоладилар.

— Бу — кўнликма оқибати бўлса керак. Янги партия ходимлари, айниқса шаҳарликларга бирмунча қийинроқ. Чапаевчилар уларга янги кўшилан кишиларни синовдан ўтказишни хуш кўрадилар. Бунинг йўғирини ҳам ўйлаб қўйганлар. Улар энг аввало нотаниш кишининг қанчалар саботли эканлигини синайдилар. Унга дастлаб дала кўриқчисиникига ўхшаш уникқан кийим-

бош, ҳаммаёғи доғ босган, йиртиқ-ямоқ шинель берадилар. Бунга норизо кишиларга жавоблари ҳам тайин: «Йўқ. Бизнинг эғнимиз ҳам бундан дуруст эмас. Мана, қараб тур, оқлардан тортиб олайлик, ўшанда худди генераллардай ясантириб қўямиз». Сиёсатда суяги қотган шунақа устамонлари борки, қалтис саволлари билан ҳар қандай кишини ер тишлатиб қўяди... Енгил-елпи кишилар бирпасда довдираб, ҳамма томонга хат ёғдириб, аксилинқилоб дея айюҳаннос сола бошлайдилар.

Ҳақиқатан ҳам бундай хатлар мавжуд эканлигини эътироф қилдим.

— Иситмани яшириш не хожат, — деб давом этади Фрунзе. — Сиёсатда вайсакиларни ёмон кўради чапаевчилар. Уша чапаевчининг ўзи ёт усурни худди шундай савол учун шунақаям адабини бериб қўядики, сиёсатдан оғиз очганига минг пушаймонлар ейди. Яхши сиёсий ходимларни эса, чапаевчилар тан олмай қўймайдилар. Уларга ҳаммаша қулоқ осмасалар ҳам, бундай кишилар билан фахрланадилар. Биз Фурмановни бу ерга йўллаганимизнинг боиси шунда. У билан фахрланиш мумкин.

...Михаил Васильевич 25-дивизияни бутулай янги кирралари билан қизиқарли қилиб тасвирлаб беради.

— Жангчиларни Чапаев сари чорлайдиган куч нимада? — деб сўрайди Фрунзе ва ўзи жавоб беради: — Назаримда, бунинг моҳияти шундаки, Чапаевнинг ўзи ҳам ҳаммаша жангчиларга талпинади. Жангчиларни севади у. Тез орада ўзингиз бунга амин бўласиз.

* * *


Штабда тўхтадик. У мактаб биносига жойлашган бўлиб, ўқувчилар таътилда эдилар. Парталар ташқаридаги айвон остига чиқариб қўйилган, синф деворларида хариталар, жадваллар осилган турарди. Чапаев Фрунзе Чапаевни кутиш асносида жанговар маълумотлар билан танишади...

Василий Иванович кўп кутдирмайди. Эшик шаҳд билан очилиб, Чапаев хонага деярли отилиб қиради. Фрунзени кўрангидан шодонлигини яширмайди. «Штабдаги кишилар» деб истеҳзоли маъно берадиган бошлиқлар ичида Фрунзе Чапаевнинг алоҳида ҳурматини қозонган ягона киши бўлса керак. Чапаев Фрунзega сўзаси ипонади. Чапаев уни сохтакорликдан йироқ бутун вужуди билан чинакамига севади. Ҳурмат қилгани учун севади.

Лекин жангларда суяги қотган Чапаев қоматини роз тутиб, қонун-қондага асосан рапорт топширади:

— Ўртоқ қўмондон! Уфа шаҳрини ишғол қилиш бўйича жанговар операцияларга тайёрларлик кўриш ҳақидаги буйруқ бажарилди...

Фрунзе ҳам худди шундай ҳолатда рапортни қабул қилади.



— Жуда яхши, Василий Иванович! Биз йўл-йўлакай озми-кўпми, аҳвол билан танишдик... Қисмларнинг жанговар кайфиятда эканлигига ипонаман...

Суҳбат самийи оқимга кўчади. Бир-биримиз билан қўл олишгач, курсиларга ўтирамиз. Чапаев ўтирадио, лекин тўсатдан сапчиб туриб, ҳаяжонланган кўйи йўлдошига мурожаат қилади. У — Дмитрий Фурманов — 25-дивизиянинг ҳарбий комиссари.

— Фурманов, англаясанми, Фрунзенинг ўзи келибди хузуримизга. Жанг майдонларида бизни ўзи кўздан кечирмоқчи... Ҳар қалай, «Чапаев партизанлик қилаяпти! Чапаев ҳеч кимга қулоқ осмай қўйди!» деган гаплардан кўнгили беҳузур бўлиб кетди... «Чапаев ҳамма нарсани ўз билгичга қилади, ҳеч ким билан ҳисоблашмайди!» эмиш. Нима, менинг каллам иккитамми? Ҳарбий интизомни тушунмайдиган одамманми... Мана, Фурмановдан ўзингиз сўранг, Михаил Васильевич, йигирма бешинчи дивизияда ҳарбий интизом қандай эканлигини ўзи сўзлаб берсин.

Фрунзе билан Фурманов чехраларида хиёл табассум жилваланади. Улар бир-бирларини яхши англайдилар. Улар ҳам бир-бирлари билан учрашганларидан хурсанд, лекин эҳтиёт бўлиш керак. Сезиб қолса, бу табассумни ҳам бошқа нарсаларга йўғирини ҳеч гап эмас Чапаевнинг Табиати нозик.

— Ҳар ҳолда, бу ерга келиш шартмикин, деб иккилангандим, — дейди Фрунзе. — Бошлиқнинг ташрифи буорини сизларга халал бериб қолмасмикин...

— Нималар деяпсиз, Михаил Васильевич!... — эътироз билдиради Чапаев. — Сиз унақа кишилардан эмасиз...

Фрунзени ва Туркистон армияси сиёсий бўлими бошлиғи бўлган мени 25-дивизияга келишимизга гуё дивизия ҳарбий комиссари билан унинг командири ўртасида келишмовчиликлар мавжуд, деган имзосиз хатлар мажбур қилган эди. Хатда дивизия ва унинг командири партия аъзоларига нисбатан но-

Владимир Тронин — 1917 йилдан КПСС аъзоси, 1919 йилда 4-ҳамда Туркистон армияси сиёсий бўлимининг бошлиғи, кейинчалик партия ва совет органларида ишлаган. Ушбу эсдалик «М. В. Фрунзе. Дўстлар ва сафдошлар хотираси» китобидан қисқартириб олинди. (Москва, 1965, 97—105-бетлар).

жўя муносабатда эканлиги анчагина батафсил, бирмунча қорақўнгилик билан тасвирланган; ҳарбий комиссар ҳақида эса, «чор армиясининг фельдфебели ноғорасига ўйнапти», деб ёзилган эди. Фурмановнинг шавъини ерга уриш мақсадида аллақандай жангда, артиллерия отишмалари кетаётган пайтда, у отнинг устига эгилиб олганлиги ҳам хатта битилган эди. Шундан сўнг: кўриниб турибдики, штатли одам — оддий талаба душман замбаракларига таъзим қилаётди, бундай киши қандай қилиб жангчилар орасида обрў-эътибор қозона олади, деб кўшимча қилинган эди. Вундай «айбловларни» эътиборсиз қолдириш мумкин, лекин, душман кучлари командир ва комиссар ўртасига рахна солишга уринаётганлиги шубҳасиз эди.

— Хўш, Василий Иванович, ҳарбий комиссардан миннатдоримиз? — кўзига тик боқиб, тўсатдан сўраб қолди Фрунзе. — Уни сенга ўзимизники деб жўнатдик, ивановлик... Устига-устак... шаҳарлик, талаба.

Чапаев муғамбирона кулисираб Фурмановга боқди: «Сезаясанми, сенинг ҳақиқатда ким қизибди сўраяпти мендан. Билиб қўй, хурсанд эмасман, десам кифоз, Фрунзе Чапаевнинг сўзини иккита қилмайди». Фурманов ҳам кулисирайдди. Лекин бу табассум осойишта ва ёркин. Чапаев ундан: «Елгон гапиролмайсан, Василий Иванович. Мен сени яхши биламан», деган маъно уқайди.

Чапаев жавоб беришга ошқмайди.
— Бор гапни айтмайми, Михаил Васильевич?

Вақтни яна бироз қўвади, унинг лабларида яна муғамбирона табассум, сўнг чертиб-чертиб шундай дейди:

— Миннатдорман. Энг асосийси, айғоқчи-намо кишилардан мени халос этганларингиздан хурсандиман. Узингиз ўйлаб кўринг: улар келишадими, қаёқдаги нарсаларни титқилашди: «Бу нимаси? Бу нега ундок эмас? Нега анави нарса йўқ, нега буниси йўқ? Нега анави қайд қилинмаган?» Бутун сиёсатлари шундан иборат. Ахир мен махсус сиёсий ходим эмасман-ку? Албатта, партия аъзоси сифатида, большевик сифатида нима талаб қилинишини тушунаман. Бу борада Фурманов ҳам мени анчагина қийин-қистовга олди. Нималар бўлиб ўтганлигини ҳам англай билиш керак. Шунақа одамларни жўнатишдики ихтиёримга... Жангчилар эса уларнинг устидан кулишди. Қандай ахволда эканлигимизга тушунишмайди, ишшимизга аралашади. Жанг пайтларида эса ҳеч вақога ярамайдилар: бирпасда қўл-оёқлари қабариб чиқади — улар учун алоҳида шароит яратиш лозим эмиш... Устига-устак, жангчилар орасидаги аллақандай кайфиятлар ҳақида юқорига хат ёза бошлайдилар. Мендан эса тушунтириш талаб қиладилар. Ниҳоят, жон-ҳолимга қўйишмади...

— Ахир, мен ёганим йўқ-ку, — эътироз билдиради чехрасида енгил табассум қалқиб Фурманов.

— Сен-ку, ёганим йўқ-а, — кулиб жавоб беради Чапаев. — Қоғоз булғашнинг нима хожати бор!..

— Жанг майдонларида-чи, у ўзини қандай тутайди?

Оддийгина бўлиб туюлган бу савол Чапаевга ёнидан худди визуаллаб учиб ўтган ўқдай таъсир қилади. У бир неча сония лол туриб қолади-да, сўнг Фрунзанинг кўзларига диққат билан термулади.

— Менга қаранг, Михаил Васильевич, нега бундай деб сўраялсан? Демак, сизга ҳам имзосиз хатлар бориб тушипти-да? Сизга ҳам борибди-да ахири. Улар бизни уриштириб қўйишмоқчи. Менинг ҳақимда бир гап, комиссар ҳақида бошқа гапни ёзишди улар. Мени коммунистларга муносабатда, ҳарбий комиссарни эса жанговар эмасликда айблашди. Ахир, буларнинг ҳаммаси аҳмоқона гаплар. Буни оғизга олишга ҳам арзимайди.

— Тўғриси айт, Василий Иванович, ўзаро тил топишдилингизми, йўқми?

— Нима десам экан? — энди чинакамига ўйлаиб қолади Чапаев, Фурманов билан

ўзининг ўзаро муносабати фикрни хаёлдан ўтказиб қилиб сезилиб туради. — Елгон эмас, бахслашамиз. Тез-тез бахслашамиз. Табиати меникидай бўлганида, аллақачон жанжаллашиб қолган бўлардик. Лекин баҳсимиз унчага етиб бормайди. Ўзаро келишиб оламиз. У қанақа сиёсат юритишини айтмайми? Мана, биз бахслашиб қолдик дейлик, қизиққонлигим тутиб, мен чикиб кетаман. Баҳсга сабаб бўлган нарса ҳақида унинг ўзи кейин ҳеч қачон оғиз очмайди. Кутади. Кейин яна у-бу нарсалар ҳақида гапиршамиз, аввалги баҳсга сабаб бўлган нарса ҳақида у яна лом-ним демайди. Буни менга чинакамига алам қилади. Уша баҳсини ўзим бошлайман, шунда у: «Ўзинг бошладингми, қизиммасдан энди менга кулоқ сол», дейди. Хўш, мен нима қилишим керак? Тинглайман...

— Нима бўлди ўзи: нукул «мен-мен» дейман? — тўсатдан сергак тортади Чапаев. — Ахир, Фурмановнинг ўзи ҳам менинг ҳақимда гапирсин. Бор гапни айтсин! Сиз унинг ўзидан сўранг, Михаил Васильевич.

— Дарҳақиқат, — Фрунзе Фурмановга мурожаат қилади. — Қонуний савол.

Чапаев кескин суратда Фурманов томонга бурилади. Заррача ҳаракатни ҳам бой беришдан ҳадиксиргандай бутун вужуди қуқулоққа айланади.

Енгил тортаман. Ҳарбий комиссар жуда қисқа вақт ичида қанчалар катта ишни амалга оширганлиги аён бўлиб турибди. Яша, Фурманов! Мағрур ва мустақил Чапаев ўзи ҳақидаги фикрни билиш учун унча-мунча одамни бу қадар сергак тортиб тингламайди.

Фурманов ўрнидан туриб, ўртадаги масофани таъкидлагандай, Чапаевнинг елкасига қўл ташлайди, кулиб ва ҳар бир сўзга урғу бериб, шундай дейди:

— Уртоқ кўмондон! Солдатчасига жавоб қилишга ижозат беринг: йигирма бешинчи дивизия бошлиғи ўртоқ Чапаевга нисбатан ҳеч қандай эътирозим йўқ. Унинг фазилатлари эса, мендан кўра ўзинга кўпроқ аён.

Чапаев сатчиб ўрнидан туради, худди бўшатиб юборилган пружинадай, хоҳолоб кулади.

— Утиб тушди-я... Қаранг, муғамбирликда ўтиб тушди... Мен унинг ҳақида батафсил маълумот бериб ўтирсаму, у эса: «Эътирозим йўқ», эмиш. Худди эски пайтларда тантанали кўриқдагидек... Ҳа, Михаил Васильевич, зиёлилар бизни ҳамаша ана шунакасига мот қилиб қўяди...

Лекин очиччасига, чин юракдан айтилган эди бу сўзлар. Гуррос кулги кўтарилди. Ҳаммадан кўра Василий Ивановичнинг ўзи бор овоз билан хоҳоларди.

Шундан сўнг харита узра жанговар шароитни муҳокама қилиш бошланди. Асосан Чапаев гапирди. Бўлажак операцияларнинг жасурана ечими ҳақида у илҳом билан сўзларди, онда-сонда Фурмановга мурожаат қиларди. Фрунзе ҳакам эди...

Баъзи-баъзида жимиб, вазиятга баҳо беришда кўмондоннинг фикрини билмоқ учун унга сўз қотарди.

Фрунзе индамасди, лекин кўзларида ёлқинланган қувонч учқунлари Чапаевга янада зўр илҳом бағишларди. У сўзлаб бўлгандан кейингина Михаил Васильевич айтилганларга яқун ясаб шундай деди:

— Демак, икки-уч кундан сўнг сиз билан Уфада учрашамиз!

* * *

Душман қизил армиячиларнинг биринчи зарбасига дош беролмасдан чекинишга мажбур бўлди. Қизиллар душманни тоғ ёнбағрида жойлашган татар қишлоғи Турбаслигача қувиб бордилар. Эрта тонгда қишлоқ аҳолиси жангчиларни мамнуният билан қарши олди. Ҳар бир хонадон олдига дастурхон ёзилган, самоварда чой қайнар, хурмачаларда сут, нон, сариёғ, тухум бисёр эди. Ана шу меҳмоннавозлик қисмларимизни бир-

мунча тўхтайтиб қўйди. Тоғ ёнбағридаги бугдойзорларга ёйилган жангчиларимиз жуда сийрақлашиб қолган эдилар.

Олдинги қисмнинг сийрақлашганлигидан хушёр тортган душман ўт очди. Кўплаб қизил армиячилар ҳалок бўлдилар, душман эса қарши ҳужумга ўтди.

Омон қолган жангчиларимиз ёрдам келгунча душманни тутиб туришга аҳд қилдилар. Тез орада тоғ ёнбағрида Фрунзе бошлик жангчилар пайдо бўлди. Кўмондоннинг ўзи бошлаб бораётганидан гурурланган қизил армиячилар олға интилиб, душманни яқсон қилдилар.

Кечқурун оқ гвардиячилар устидан қозонилган ғалаба ҳақида ахборот берилди, лекин худди ана шу ахборотда армия сиёсий бўлимининг бошлиғи кўкрагидан яраланганлиги, душман аэропландан ташланган бомба натижасида кўмондон Фрунзе шикаст еганлиги ва аэропландан отилган ўқ дивизия бошлиғи Чапаевнинг бошига текканлиги ҳам айтилган эди.

* * *

Яна бир кунлик шиддатли, оғир жанглардан сўнг Уфа шаҳри ишғол қилинди. Озод бўлган пролетариат, қизил байроқлар кўтариб, голбларни кўтиб олди.

Эртаси кун эса Михаил Васильевич ва сиёсий бўлими бошлиғи (ушбу хотиралар муаллифи) Уфага келдилар.

Уларни Фурманов билан Чапаев қарши олдилар. Чапаевнинг боши бинт билан боғланган эди. Бу сафар Фурманов рапорт беради. Бироқ кўмондон рапортнинг тугашини кўтиб ўтирсан, кескин оҳангда Чапаевга мурожаат қилади:

— Уртоқ Чапаев! Бу нимаси? Врачлар сизга батамом осойишталикни буюришган... Сиз-чи? Бу, ахир, ҳарбий интизомни бузиш-ку. Уртоқ Фурманов! Дивизия ҳарбий комиссари! Мен сиздан ҳам интизомга бўйинсунишни талаб қиламан... Василий Ивановичнинг шундай ҳолда бу ерга келишига сиз қандай қилиб йўл қўйиб бердингиз?

Вазиятни Чапаевнинг ўзи бартараф қилади.

— Мен, Михаил Васильевич, врачларнинг айтганини қилаяпман. Улар, ҳақиқатан, менга осойишталикни тавсия қилишган. Менинг тушунчамда, осойишталик фақат Уфада, жангчиларим орасидагина менга насиб қилиши мумкин, холос. Ҳарбий комиссар эса, мен билан келишмасликка иложи йўқ эди. Ахир у менинг осойишталигимни бузиши мумкин эмас эди-да... у билан бу масалада ҳатто бахслашганимиз ҳам йўқ...

Чапаев кулишга ҳаракат қилади, лекин оғриқдан юзлари бўғриқади. Ахир, бош чаноғидан душман ўқи сугуриб олинди-ю, бу беиз қолармиди?

Фурманов эҳтиёткорлик билан Чапаевни қўлтигидан олиб, курсига ўтқизади.

— Ҳа, ўзларига ҳам балли-е, — мўйлаб остидан лабини лабига босиб киноя қилади Чапаев. — Бирингиз контузияланган, бирингиз кўкракдан ўқ еган ҳолатдасизлару... яна мени ҳибсга олмоқчи бўласизлар...

Шундан сўнг Чапаев яна жонланади.

— Сизга айтмабидим, Михаил Васильевич, менинг ҳарбий комиссарим мард одам деб? Қаранг, Уфага ҳам мендан олдин кириб келибди...

Фурманов нигоҳида ташвиш аломати: ортиқча ҳаяжон бемор Чапаев саломатлигига таъсир қилмасикин?

Дераза ортидан чапаевич жангчилар мўралаб-мўралаб қўядилар. Уларнинг чехрасида қандайдир ўзига хос ёғду, сезгирлик аломати. Боши бинт билан ўралган таниш чехрани кўрадилар-у, жилмайиб, кўнгиллари таскин топиб нари кетадилар...

— Чапаев биз билан.

Бундан ортиғига улар даъво қилмайдилар ҳам...

Б. АМИНОВ
таржимаси

ИБРАТЛИ КИТОВ

1889 йилнинг июнь ойи. Урхун дарёси бўйлаб ҳаракатланаётган араваларга асбоб-анжомлар юкланган. Аравалардан бирида юзи ҳароратнинг баландлигиндан қизариб кетган бети одам ётибди. Хаста киши ўзини руҳан тетик тутди. Уни ўз мақсадига бўлган ишонч йўл босишга ундамоқда. Бу одам — машҳур рус этнограф ва сайёҳи Н. М. Ядринцев эди.

Худди шу йили Н. М. Ядринцев йирик Урхун ёдномалари — Кул теги ва Билга ҳоқон ёдномаларини қўлга киритганлиги ҳақидаги хабар теъда бутун дунёга тарқалди. Шундан сўнг туркий халқлар маданиятига бўлган қизиқиш Россия ва Европа томонларда жонланиб кетди.

Ана шу даврлардан бери қадимги туркий адабиёт намуналари жаҳон олимларининг диққатини жалб қилиб келмоқда. Урхун-Енисей ёдномалари, Шарқий Туркистондан топилган ва руний (немисча руи — сирли демакдир) ҳамда қадимги уйғур ёзувида битилган «Олтин ёруқ», «Хуастуан-ифт» («Монийларнинг тавба-номаси»), «Қаляна мқара ва Папамқара», «Ирк битиг» («Таббирнома» ёки «Фол китоби» деб ҳам юритилади) ва бошқа кўпгина ёзма адабиёт намуналари гоёвий-бадий жиҳатдан юксак даражадалиги учун ҳам ўрганишга лойиқдир. Узоқ муддат олиб берилган тадқиқотлар натижаларига разм солсангиз, қадимги турк маданиятининг асослари рўй-рост, ҳаққоний очиб берилганлигининг гувоҳи бўласиз. Аммо айрим чет эл олимлари қадимги туркий ёдномаларга нисбатан гаيريлимий, асоссиз даъволар қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, гўё туркий халқлар ҳеч қандай маданиятга эга эмас, улар яшаган территориядан топилган маданият обидалари бошқа мамлакатлардан, жумладан, Европадан ўтган эмис.

Қадимги туркий ёдномалар хусусидаги чуқур илмий далиллар, пухта ва объектив назарий хулосалар, аниқ фактлар бундай қарашларга кескин зарба бериб келмоқда. Бугунги кунда қадимги туркий адабиёт хусусида сўз юритилганда, унинг ҳамж жихатидан катта эканлигидан ташқари асоси ва йўналиши жиҳатидан ҳам турли қатламлардан иборатлиги маълум бўлмоқда. Қадимги туркий адабиётнинг шаклланиши ва турли қатламларга эга бўлишида, турли йўналишга тушиб олинишида ўз ички имкониятларидан ташқари, географик муҳит ва бошқа халқлар билан бўлган маданий муносабатлар ҳам сабаб бўлди. Албатта, турли оқимларнинг туркий адабиётга кириб келишида савдо

алоқалари билан бирга эроний тиллардан қилинган бадий таржималар ҳам катта роль ўйнаган. Оқимларнинг таъсирига қарамай, Туркистонда яшовчи туркий халқларда шаманлик ўз кучини бутунлай йўқотмаган эди. Шаманлик ва монийликнинг синкретик ҳолати қадимги туркий адабиётда алоҳида қатлами ташкил этади.

«Ирк битиг» шаманлик ва монийликнинг синкретик характери натижасида юзага келган алоҳида бир адабий намунадир. Алоҳида, деб ургу беришимизга сабаб «Ирк битиг»нинг тузилишидаги ўзгачалиқдир. Бу хусусият Урхун ёдномалари ва илк классик даврда яратилган «Девону луғати турк», «Қутадғу билиг» асарлари билан қиёсланганда яққол очилади.

«Ирк битиг» ҳам руний (Урхун-Енисей ёзувлари тилида) ёзувида битилган бўлиб, қўлёзма сини XIX асрнинг охирида А. Стейн Дуньхуандаги «Миңг будда юри» ибодатхона хизматчисидан олиб, Лондонга келтирган. В. Томсеннинг таъкидлашича, «Ирк битиг» эрамининг VIII

ҳам кўрсатилган: «Барс йил акинти ай, биш йигирмика Тайгунтан тапистаптақи кичик динтар буруа курулардан иштанлар Исиг сангун, Ите чук учун битидим,— Барс йилнинг иккинчи ойи ўн бешинчисида Тайгунтан саройидаги қуйи табақадаги онийлар Буруа кури эшитувчилари Исиг сангун ва Ите чук учун битдим».

«Ирк битиг», гарчи халқ орасида монийлик гоёларини сингдириш ва мустаҳкамлаш учун ёзилган бўлсада, лекин бошқа манфаатлар, хусусан, маълум гуруҳларнинг қарашларини ҳимоя қилишга хизмат қилмайди. Асарда — халқ манфаатлари, унинг орзу-умидлари ҳимоя этилади.

Асарда инсоний фазилатлар — шафқат, тўғрилиқ, меҳнатсеварлик, олижаноблик удуғланади, низо-адovatлар, ёвузлик, қабихлик, ўғрилиқ, қундалиқ турмуш учун номақбул бўлган барча хатти-ҳаракатлар қораланади. «Ирк битиг»нинг асосий моҳияти ҳам ана шунда. Ҳар бир даврдаги адабий-тарихий жараён халқ тарихидан узилиб қолмаганидек, қадимги туркий адабиётнинг бу

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

аср ўрталари ва IX аср бошларидан яратилган. Томсен, чамаси бу даврдаги маданий муҳит, тарихий шароит ва турли диний оқимларнинг туркий халқлар ҳаётига кириб келишини назарда тутган. Мазкур асар қадимги турк даврига оид Урхун-Енисей ёдномаларидан ана шуниси билан фарқ қиладики, у тошга ёки ёғочга эмас, балки қоғозга ёзилган, саҳифалари 13×8 сантиметр ҳажмидаги китоб шаклида бўлиб, юз бетдан ортық ва 65 бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлимни ўзига хос мустақил ҳикоятлар деб қараши мумкин. Китобнинг номи 101-саҳифада «Ирк битиг» деб номланади. «Эйти амрақ оғланым, анча билинлар: бу Ирк битиг адгу ол — Энди суюқли ўғларим, шундай билинлар: Бу Ирк битиг яхшидир». «Ирк» сўзи ҳозирги «Фол» сўзига тўғри келади ва шунинг учун «Фол китоби» деб атаса ҳам бўлади.

«Ирк битиг» Исиг сангун ва Ите чук номли шогирд бола учун ёзилган. Асарнинг энг охириги саҳифасида унинг сазаси ва ким учун мўлжаллаб ёзилганлиги

намунаси ҳам шу қонуниятдан четда қолмаган.

«Ирк битиг» маълум бир ахлоқий принципларни ташвиқ ва тарғиб этиш, инсониятнинг ўзи томонидан яратилган принципларни ҳимоя этиш мақсадида ёзилганлиги учун ҳам наид-насихат типидagi асарлар доирасида қараши мумкин.

«Ирк битиг»да яхшилик ва ёмонлик гоёси унинг негизини ташкил этади. Яхшилик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги кураш ва яхшилик кучларининг ғалабаси фақат бошқа халқлардагина эмас, балки туркий халқлар мифологиясида ҳам етакчилик қилади. Буни қадимги туркий халқларга оид бошқа ёзма манбалар ҳам таъкидлайди. Ана шу яхшилик ва ёмонлик гоёлари бевосита мифологияга таянади ва туркий халқлар маданиятидаги мифологиянинг илдизлари ҳам жуда қадимда — ҳали ёзма адабиёт яратилмаган даврлардадир. Унда оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ва календарь шиф учрагани ҳолда тотемистик (қадимда баъзи

халқлар тасаввурда қабилалар асос солувчи деб ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимлик) ниғ етакчилик қилади. «Ирк битиг»даги тотемистик мифлар фақат ибтидоий тузум давридаги диний тасаввурларнинг қолдиқлари сифатида эмас, балки энг қадимги даврдан бошлаб инсон дунёқарашининг, онгли бадий тафаккурининг маъсули бўлиб келганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам «Ирк битиг»даги тотемистик мифнинг қолдиқлари ижтимоий мазмун касб этади. Австралияликлар тотемизмининг машҳур тадқиқотчиси А. Элкин айтиб ўтганидек, тотемизм — ҳаёт ва табиат ҳақидаги, олам ва одам ҳақидаги тасаввурлар бўлиб, халқнинг урф-одатларини жонлантиради, одамларни ўтмиш билан боғлайди.

«Ирк битиг»даги эпизодларнинг бир қисми эртанамо сюжетлардан иборат бўлса ҳам, одамларнинг маънавий ҳаёти ва ҳайвонлар ҳаётидан олинган саҳналарга бағишланган кўринишлар кўпчиликни ташкил этади. Бир қисм ҳикоятлар табиат тасвири ва ахлоқий характердаги таълимотлардан иборат.

«Ирк битиг»да фикрлаш туш кўриш ва уни таъбирлаш усулида ёзилган бўлиб, асарнинг ижтимоийлик ва гоёвийлик касб этиши туфайли етук бадий асар даражасига кўтарилади.

«Ирк битиг»да тотемистик мификки хил кўринишда намоён бўлади. Биринчиси: одам ўзини ҳайвонларга қариндор деб билади. Иккинчиси: одам ўзини ҳайвонларга нисбатан хурмат муносабатини ифодалайди. Бошқа халқларда унинг ана бошқа вазифалари ҳам бор (масалан, ҳайвонлар ва қушларнинг номи билан аталган қабилалар, у ёки бу ҳайвонни қурбон қилиш, гўштини истеъмол қилиш ёки ман қилиш).

Қадимги туркий халқлар ўзига бургут, илон, қорақуш, йўлбарс, бўри каби қуш ва ҳайвонларни қариндор деб билганлар. Масалан, «Ирк битиг»нинг VIII эпизодида илоннинг фаолияти қуйидагича кўрсатилади: «Олтин бошля илонман, олтин қоринмини қилич билан кесганда, менга йўл индандир, бошимга йўл уйдандир дер; шундай билинлар, яхшидир бу». Бу эпизодда илон бойлик рамзи маъносига эга бўлиб, тушда илон кўриш одамга бойлик келтиради деган тасаввурга таянганлар.

Ҳар қандай гоё таъсирда яратилган турли образлар исиз йўқолиб кетмайди, у ёки бу халқ орасида, уларнинг урф-одатларида сақланиб қолади. Ёки афсонавий руҳга эга бўлади, улар орқали эса ёзма адабиётга кириб келади. Бу мифологик образларнинг янаши учун алоҳида босқичдир. «Ирк битиг»даги қуш ва ҳайвонларнинг мифологик образлари хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқ эртақларидаги айрим эпизодлар «Ирк битиг»даги баъзи эпизодларга умумий ўхшаш томонларининг маъвулдиги халқ оғзаки ижодининг тарққийетида далолат беради. «Ирк битиг»да шундай эпизод бор: «Бир одам урушга борди, йўлда оти хаста-


ланди, у одам оққушга дуч келди, оққуш уни қанотига миңдириб, одам билан осмонга кўтарилиб жўнади ва ота-онасига етказди, ота-онаси хурсанд бўлар, дер, шундай билинглар, яхшидир бу» (XXXV). Одамлар билан қуш ва ҳайвонларнинг дўстлиги, одам қийин ва иложсиз қолган пайтда қушлар (кўпроқ семурғ) унинг мушкулени осон қилган эртақлар туркий халқларда анчагина. Ўзбек эртақларидаги семурғнинг вазифасини «Ирқ битиг»даги оққуш бажаради. Бу эса сеҳрли қушлар образи туркий халқлар фольклорига фақат эрон ёки араб мифологиясидан ўтмай, балки туркий халқлар эртақларида қадимдан мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бундай эпизодлар «Ирқ битиг»да анчагина. Кўринадики, «Ирқ битиг» муаллифи халқ оғзаки ижодини четлаб ўтолмаган. Унинг шаклланишида асосий воситалардан бири халқ оғзаки ижоди бўлган. Эҳтимол, ана шундай парчалар каттароқ ҳажмдаги эртақ ёки афсоналарнинг ихчамлашган шакли бўлиши мумкин. Ўзбек халқ эртақларида мазкур эпизодга ҳамоҳанг мотивларни кўплаб учратини мумкин. Табиат тасвирига бағишланган ўринларда ҳодисалар билан тасвир ўртасидаги мантқиқий боғланиш унинг илдизлари урф-одатларга бориб тақалишини кўрсатади. Масалан, ушбу мисолга мурожаат қилайлик: «Кул ранг булут юриб келди, халқнинг устига ёмғир ёғди, қора булут юриб келди, бутун атропога ёмғир ёғди, экинлар пишиб етилди, янги ўтлар ўсиб чиқди, отларга, одамларга яхши бўлди дер, шундай билинглар: яхшидир бу».

Бу парча — туркий халқларда мавсум қўшиқларининг илдизлари ёзма адабиётда қачондан бошланганлигини кўрсатувчи бир далилдир. Чамаси, қадимги туркийларда ҳам йилнинг маълум бир даврида — эрта баҳорда бирор жойда маълум маросим ўтказганлар. Ўсимлик ва ҳайвоннинг номи билан боғлиқ қўшиқ бўлган. Одамлар ўша ўсимликнинг номини жўр бўлиб чақирганлар. Одамлар шу тариқа фаровонлик бўлишини орау қилганлар. Бунга ҳамоҳанг ҳолатларни «Девону луғатит — турк»да кўплаб учратиш мумкин.

Ахлоқий принципларга таянган ҳикоячалар моҳияти жиҳатидан ҳамкорлик, тинч-тотув яшаш, эзгулик одамларнинг мақсади бўлиб қолиши кераклигини таъкидлайди: «Аёл киши ўзининг қоса-ниёлаларини ташлаб ўз йўлига кетди, яна яхшилаб ўйлади: қоса-ниёлаларини ташлаб қаерга бораман, дер, яна қайтиб келгач, қоса-ниёлаларини соғ-саломат топди, у севиниб хурсанд бўлар дер, шундай билинглар: яхшидир бу». Қоса-ниёлалар — аёл кишининг рўзғори, оиласи рамзидир. Бу — муаллифнинг ибратли ўғитидир.

«Ирқ битиг» — қадимги туркий адабиётининг ўзига хос намунаси дикри, бу қадимги даврда мавжуд бўлган катта адабий муҳит ҳақида муҳим маълумот беради.

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари кандидати



Андижон пахтачилик институти.
Суратда: Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Суқон Қодиров
ва профессор А. В. Трушкин лабораторияда.

А. Караваев фотоси



Суратда: Тошкентдаги Магистраль газ қувурлари ишлаб чиқариш бошқармасининг оператори Эргаш Олтоев.

В. Миленький фотоси (ЎзТАГ)



Тутуни йўқ

Иссиқлик электр станцияларида кўмининг ёниши ҳавони жуда ифлослантиради. Агар газлаштириш жараёнида кўмир газга айлантирилса, унинг ҳавони ифлослантирувчи микёси деярли йўқолади. Яъни газ ёниши жараёнида кўмирдан зарарсиз моддалар — асосан сув ва углевод оксиди ҳосил бўлади.

Шундай электр станция мана бир йилдан ошдики, АҚШнинг Калифорния шаҳрида ишлаб турибди. Станция бир кеча-кундузда бир тонна кўминга қайта ишлаб оладиган газлаштириш қурилмасига эга. Кўмирдан олинган газ суви буғи билан аралашиб, турбогенераторнинг ёнув камерасига тушади. Станциянинг қуввати 120 мегаватт. Ундан ҳавога чиқадиган зарарли чиқиндилар меъёридан ўн марта кам.

Михара вулқонининг хуружи

Тинч океанда Япония пойтахтидан жануброқда жойлашган Осима ороли саноқли соатлар ичида хувилаб қолди. Унинг 11 минг кишилик аҳолиси ва 2 минг кишидан иборат туристлар бир тунда ўз жойларини тарк этишга мажбур бўлдилар. Улар «катта ер» деб аталмиш Хонсю оролига зудлик билан кўчиб ўта бошладилар. Чунки Осима оролида жойлашган Михара вулкони 12 йиллик танаффусдан сўнг уйғона бошлаши билан ундаги аҳолини кўчириш ҳақида буйруқ берилди. 1986 йил 21 ноябрда тунинг иккинчи ярмида вулкон дастлаб отилган 1777 йилдан бери иккинчи марта кучли хуруж қилди. Тоғ қолларида пайдо бўлган бир неча кратерлардан, ёриқлардан лава отилиб чиқа бошлади. Лавалар окими оролдаги Мотолати посёлкасига томон оқиб, унинг аҳолисига хавф сола бошлади. Осима оролидаги ўрмонда ёнғин пайдо бўлди.

Аҳолини кўчириш учун оролга 50 га яқин кема, самолётлар ва махсус кутқарувчи қисмлар юборилди. Ҳозир оролда Михара вулкони кузатаётган олимлар ва ҳокимият вакиллари қолган ҳолат.

«Хужум» — Урта Осиё хотин-қизларини озодликка чиқариш учун амалда оширилган, кескин, оғир ва мураккаб жараёнда кечган, эскилик билан янгиликнинг муросибсиз тўқнашувидан ўтган оммавий ҳаракатдир. Бу ҳаракат 1926 йилнинг сентябрий ойида Урта Осиё хотин-қизлар кенгашида эълон қилиниб, 1927 йилнинг 8 мартидан бошлашга қарор қилинган.

«Хужум» ҳаракатини муваффақиятли ўтказиш учун ВКП(б) Урта Осиё бюроси ва Урта Осиё республикалари Компартиялари Марказий Комитетларининг 1927 йил 31 январда қабул қилган Мурожаати катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Мурожаатда: «Хотин-қизларнинг Совет давлатини бошқариш ва халқ хўжалигини юксалтириш ишида меҳнаткаш эркаклар билан бир сафда туриши учун кураш партиянинг асосий вазифаларидандир», деб таъкидланади.

Ҳаракат кенг ва оммавий тус олди. Асрлар давомида жаҳолат ва хурофот таъинки остида энг оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилиб келинган, эзилган ва ҳўрланган хотин-қизлар эрк ва хуррият учун фаол курашга чоғландилар. Ҳамма жойда — шаҳарлар, қишлоқлар ва овуларда митинглар бошланди. Юз мингта яқин хотин-қиз паранжи-чачонларини

гулханга ташладилар. Бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда иштирок этиш истаги, маънавий эҳтиёж ва руҳий чанқоқлик уларни ана шу кураш майдонларига сафарбар этди. Бу ҳаракатнинг хотин-қизларини ижтимоий фаоллигини кучайтиришдаги самарасини 1927 йилнинг биринчи ярмига қадар Ўзбекистон коммунистларининг сафи улар ҳисобига 30 фоизга яқин кўпайганлиги мисолида ҳам равшан тасаввур этиш мумкин.

Бой ва руҳонийлар, эски тузум вакиллари бу ҳаракатга ашаддий қаршилик кўрсатдилар, фаол хотин-қизларни ўлдиришдан ҳам тоймадилар. Халқимизнинг кўп аёл фаоллари бу курашда қурбон бўлдилар. Лекин уларнинг кўсидан тўкилган қутлуг қон беҳуда кетмади. Вутунги кунда барча соҳаларда эркаклар билан баравар ҳуқуққа эга бўлган хотин-қизларини ижтимоий-маданий ҳаёт жаҳодларида мардонавор меҳнат қилмоқдалар.

Кўйинда «Хужум» ҳаракатининг иштирокчиларидан бири — минглаб ўзбек хотин-қизлари учун типик бўлган Мақсадов Султонова ҳаётидан лавҳа эълон қиламиз.

МАҚСАДОЙ

Лавҳа

МАҚСАДОЙ опа минбарга кўтарилиб, ҳаяжонли кўзларга термулганда ҳаммаси хаёлидан бир зум кўтарилгандек туюлди. Киприкларидagi намни рўмолининг учи билан сездирмайгина арди. Ниҳоят, ўзини босиб олиб, гап бошлади:

— Болаларим, улуг айём арафасида мени йўқлаганингиз, шу кунларни деб фидо бўлганларнинг ҳурматини бажо келтирганингиз учун минг қарра раҳмат. Мана шу бахтли давронда яшайётганлигим, сизларга ўхшаган бахтиёрлар ҳурматига лойиқ бўлганимдан фахрланаман. Жиззахда инкилоб байроғини кўтарганлар кўп. Мен улар ортдан эргашган, ушалар кўрсатган йўлдан бориб, бахтини топган мингларнинг бириман. Онаҳон бир дам жимиб қолди. Ешланган кўзларини қафти билан артаркан, оҳиста давом этди.

— Жуда кўп воқеаларнинг гувоҳиман, қай бирини айтмай. Дохий вафотидан сал ўтмай большевиклар партияси сафига қабул қилинган, шаҳар комсомол ва партия комитети фаолиятида иштирок этдим. Ана шуларнинг ўзи алоҳида бир китоб бўлғуси.

Онаҳон Самарқанд партия мактаби қошидаги уч ойлик курсда ўқиган пайтларини эслади. Айниқса 1925 йилнинг январия кенгроқ тўхталди. Уша қиш кунлари кечагидек эсида. Самарқанд область партия ташкилотининг биринчи конференциясида делегат сифатида қатнашди. Юксак минбардан инкилоб Шарқ аёлларига берган бахт-иқбол, ҳақ-хуқуқ тўғрисида жўшиб гапирганда, бутун зал уни оёққа туриб олқишлади. Ана шу конференцияда пастдаргомлик Икляма Сулаймонова, каттақўрғонлик Зайнаб Ниёзова, самарқандлик Саодат Одилова, Мухтарамасулова қатори Мақсадов Султонова ҳам Ўзбекистон Компартиясининг I съездида делегат қилиб сайланди.

— Съезд кунлари менинг учун унутилмас, энг ҳаяжонли дамлар эди, — деди Мақсадов опа. — Вутунитифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин маъруза қилаётганда залга юзга яқин паранжили хотин-қизлар кириб келди. Ҳамма оёққа қалқди. Фарғоналик етти аёл область хотин-қизлари номидан Қизил байроқни президиумга топшириб,

бошларидаги паранжиларини улоқтириб ташлаганларида гулдурос қарсақлар янгради.

Мақсадов опа съезд таассуротларини ҳаяжон билан қизоқ қилар экан, Михаил Иванович Калинин, Йўлдош Охувбобоев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев билан бўлган суҳбатларни эслади.

Регистон майдонида 8 Март муносабати билан паранжи ташлагга бағишланган йиғилиш, Йўлдош отанинг ўринбосари Жаҳон Обидова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хотин-қизлар шўъбасининг мудир Тожихон Шодиева билан бўлган учрашувлар қақидаги хотиралар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Мақсадов опа учун ҳаётининг энг қора онлари ҳисобланган болалик йилларини, отасиз, аммакисининг қарамоғида яшаган кунларини эслаш оғир эди. Лекин ёшлар қизиқайётган экан, эсламасликнинг иложи йўқ. Хўш, партия қизининг ёрқин йўли қандай бошланган эди?

Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатиб қайтган Мақсадов эски шаҳардаги хотин-қизлар клубида ишларди.

— Энди билимга ташна қизларни тўплаб, ўқитишингиз керак, — дедилар унга шаҳар партия комитетига. — Қаландархонадан биргина сиз илк қалдирғоч бўлиб учган бўлсангиз, Жиззахда янги ҳаётга талпинаётганлар жуда кўп.

Мақсадов ишга шўнғиб кетди. Ховослик, Тошкентлик, Совунгарлик, Обчокарлик ва бошқа маҳаллаларда саводсизлики тугатиш мактабларини ташкил этишда фаол қатнашди. Узига ўхшаган қизларни интернатда тортиш юзасидан ташвиқот ишлари олиб борди.

Жиззахга қайтганига ярим йилга бўлиб қолган бўлса-да, ҳали онаси билан учрашолмаган Мақсадов ўша кўчаларга борганида Қаландархонага ҳам ўтгиси, онажонини кўргиси келарди. Лекин инсофиз аммакиси ва унинг аτροφидидаги эрк душманларидан қўрқарди. Сингил ва укалари ой ора келиб, уни кўриб кетишарди. Бари бир она меҳри, соғинч кучи кўркувини енгди. Атрофга қоронғилик тушган куз кунларининг бирйда интернатда ўқийётган икки қизни ёнига олиб уйлари борди. Онаби холининг севинчи ҳеч

жойга сизмасди. Рўпарасида турган шу қиз Мақсадов, ўша бағридан қуш бўлиб учган дилбанди эканлигига ишонгиси келмасди. Уни қайта-қайта бағрига босиб, бир ярим йиллик ташналикни қондирмоқчи бўларди. Бир зумда ука ва сингиллари аτροφини ўраб олишди, ҳеч бўлмаса, бир кеча қолишини илтижо қилишди.

— Майли, борсин, минг қатла шукур, бахтини топти, — деди онаси. — Замон тинчиб кетса, яна бирга бўласизлар.

Кетиш олдидан Мақсадов онасининг чўнтағига бир даста пул солди.

— Биринчи маошмини ният қилиб сизга асраб қўйганим. Яна Сайноқ амакига берманг, ўзингизга маҳси-қалиш олинг, — дея тайинлади.

Сайноқнинг номини эшитганда она бечоранин бўғинлари бўшашиб кетди. Лекин: «Қизининг ажали барбир менинг қўлимда. Ҳали Тошкент экан-ку, Урун-бурунга кетса ҳам бари бир қонини яйламан», деганини эслаганда, юраги увишиб, ҳозир Сайноқ қўлида пичоқ билан ўшкдан кириб келаятгандек қизини бағрига босди.

— Узингни эҳтиёт қил, бундан кейин бемаҳал юрма. Иложини топиб ўзим бориб кўрарман, — деди намли кўзларини Мақсадовнинг елкасига босиб.

— Нега йиғлайсиз, онажон, мен энди ёнингиздаман, одамларни ўқитаяпман. Энди биров сизга қаттиқ тапиролмайди, — деди онасининг эрта оқарган сочларини силаб. Лекин ярим соатлардан кейин тақдирда нималар кечини билмасди.

* * *

— Тўхта, қўлга тушдингми? — Паҳса девор орқасидан югуриб чиққан икки йигит Мақсадовнинг йўлини тўсди.

Султонова ўзини эмас, ёнидаги қизларни ўйлади. «Қочинглар, тезроқ!» Қоронғуда йигитларнинг қўлида бир нарса ярақлади. «Пичоқ», кўнглидан ўтказди Мақсадов.

— Қаландархона маҳалласига иснод келтириш етмагандек, бошқа қизларни ҳам шариятдан оздираяпсанми, аллаисти! — Қизининг қўлини орқасига қайирган қора барзанги йигит пичоқни Мақсадовнинг янига тиради. — Виттаси Мулла Қодирнинг қизи эди. «Эрк қушиман, яшнаймаман, замонамдан ўргилай», деган. Мана, қафансиз тупроқда чириб ётибди.

Мақсадов маҳалладоши Фотима Қодированинг фожиасидан хабардор эди. Уни паранжи ташлаб, чаласаводликни тугатиш мактабига қатнагани, хотин-қизлар клубида қўшқ айтгани учун пичоқлаб кетишган. «Демак, Фотиманинг қотиллари сенлар экан-да?! Тирик қолиш насиб этса, ўзим биламан». Лекин тирик қолишга Мақсадовнинг кўзи етмасди. Пичоқ бўйинга қадалиб турибди. Наҳотки, ораулари гунчалигича сўлса? Энди-

гина бахтга етдим дегайда шу мўддорларнинг қўлида шахид бўлса? Овозининг борича кичқирса-чи? Еки қочишнинг йўлини қилсинми?! Иккиси ҳам бефойда.

— Қани, калимангни ўгир! — деди йигитлардан бири.

— Нима деясан, бу калимани қаёқдан билсин.

Мақсадой амакиваччасининг овозини таниб, аъзойи-бадани музлаб кетди. «Демак, буларни ўша ишга солган. Уч хотинлик Мирзаҳамдам бойга тўртинчи хотинликка бериб, аъзаига бир нарсалик бўлиб қолиш нияти амалга ошмай алам қилиб юрган Сайноқ амакиси ундан ўч олмоқчи».

Отаси Жиззах кўзғолонида қатнашганлиги учун уйларига ўт қўйишиб, Қили чўлига ҳайдаганларида Мақсадой 9—10 ёшли қизча эди. Отаси оғир дардга чалиниб вафот этганда онаси бир этак бола билан қолиб, бошини қаерга урарини билмасди. Ягона суянчиги — эрининг укаси Сайноқдан ёрдам кутган эди. Ундан етимларни ўз паноҳига олишни илтижо қилди. Уаига анча тўқ Сайноқнинг боласи ҳам кўп эмас, қанча қўй-эчкиси, боғи бор.

— Замонни ўзингиз кўриб турибсиз, — деди кунларнинг бирида Сайноқ келиноийсига, — инқилоб бўлгани билан бой бойга, сув сойга оқмоқда. Замон сента боқмаса, сен замонга бок, деганлар. Ўзингиздан қолар гап йўқ, мен ҳам жўжабирдай жонман. Йўқ, демасангиз, Мақсадойни бойбува сўрата-ётгандилар.

— Қайси бойбува, ҳали ёш-ку жиянингиз?

— Қиз бола ўн тўртта киргандан кейин ёшлиги борми, янга. Ҳарқалай Мирзаҳамдамга берсак, тирикчилгимиз...

— Уйлаб гапираяпсизми, Сайноқ? — Она-бибининг хўрлиги келди. — Бойбува акангиздан ҳам катта-ку. Бунинг устига, бир эмас, уч хотини бор.

— Ундай бўлса, Мақсадойни болишга солиб, бошингизга қўйиб ётаверсиз. Қозон ўзича қайнайверади.

Бу гапларни эшитган Мақсадой ўзини онасининг бағрига ташлаб қон йиғлади.

— Йиғлама, қизим, — деди пёноласидан ўпиб она. — Тирик эканман, қўлимни косов, сочимни сузурги қилиб бўлса ҳам сизларни зор қилмай катта қиламан. Ҳукумат ота-онасизларга мактаб очаётган эмиш, кириб ўқийсизлар.

Мақсадой эски шаҳарда ташкил этилган хотин-қизлар клубининг раҳбари Гали Содиқовага учрашиб, ўқишга юборишларини илтимос қилишни юрагига туғиб қўйди...

— Хавотир олма, онамга хабар бериш йўлини қиламан, — деди Мақсадойнинг аламли ҳасратини диққат билан тинглаган Содиқова. — Амакинг уларни хафа қилиб бўпти. У замонлар ўтиб кетган. Ҳадемай бойлардан ном-нишон қолмайди.

Тўртинчи кун Гали Содиқова Мақсадойни Жиззах уезд партия комитети хотин-қизлар бўлимининг мудири Зоя Лутфинова ҳузурига бошлаб борди.

— Майли десанг, Тошкентга ўқишга юборамиз, — деди Лутфинова Мақсадойга. — Жиззахлик қизлардан биринчи ўқитувчи бўласан.

Меҳрибонлар маслаҳатига қулоқ тутиб, кунт билан ўқиган Мақсадой Султонова чаласаводликни тугатиш мактабларининг тингловчилари ўртасида ҳам обрў қозонди. Унинг қатъияти кўпларга ибрат бўлди. Наҳотки, оғзи ошга етиб, шунча обрў-эътиборга эришган қиз шу икки мурдорнинг қўлида ҳалок бўлса?! Рўпарадаги кимсаларга ғазаб билан тикилди. Қандайдир гайри табиий бир куч қизни ҳамлага чорлади. Чикмаган жондан умид қабилда иш тутган Мақсадой шундай шиддат билан ҳаракат қилдики, котилнинг қўлидаги пичоқ учиб кетиб, ўзи юз тубан ерга қулади. Лекин бошига тушган мушдан мувозанатини йўқотган Мақсадой тор кўчадан шу томон гуягуриб келаётган кишиларни аниқ кўролмади.

Кўзини очганда онаси, икки синглиси ва Гали Содиқова бошида ўтиришарди...

— Мана шунга ҳам эллик йилдан ошиб кетди, — деди онахон оғир хўрсиниб. — Сизларнинг тақдирингизга ҳавасим келади. Фақат бир илтимосим бор: бугунги ҳаётнинг қадрига етинглр. Бугунни деб қанча-қанчалар жонидан кетганини унутманглр.


Оммавий паранжи ташлаш, коллективлаштириш ва маданий революция йилларида фақат Самарқанд области районлари эмас, Фарғона водийси қишлоқларида ҳам катта ташкилотчилик ишлари олиб борган Мақсадой Султонова уруш йилларида ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Икки ўгли ва умр йўлдошини фронтга жўнатган онахон Тошкентдаги 1-босмаҳонада туналрни меҳнат вахтасида туриб тонгга уларди. Душман босиб олган шаҳар ва қишлоқлардан келтирилган болаларни жойлаштириш, боқувчиси қолган оилаларга кўмаклашиш ташкилотларида ўз ихтиёри билан қатнашарди.

Аввал ўғиллари Махмуджон ва Мир-азимлар, кейин эса умр йўлдоши Мирраҳим Миркалоновнинг ҳалок бўлгани ҳақида қора хат олди. Жудолик Мақсадой онанинг белини букди, лекин иродасини синдиролмади. Юрт тақдирини, бошқалар дардини ўз гами деб билган она аламини меҳнатдан олишга, ғазабини душманга қарши қуролга айлантиришга қасамёд қилди.

— Жигарғўшаларидан айрилган бир менми? Олти-етти норгул ўғилни кузатиб қўйиб, ғалаба кунлари уларнинг биттасини ҳам кутиб ололмаган муштипарлар ози эдимми? Ахир, улар бекорга қурбон бўлишди? Инқилоб берган бахтни, ҳар қаричини муқаддас билган тушроқни сақлайман дея жонини беришди улар. Шундай фарзандларни тарбиялаган оналар ҳар қанча фахрлансалар арзийди. — Мақсадой она дилда фарзанд доғи, кўнда ёш билан гапирарди.

Залда қарсак янгради. Онахоннинг кучоғи гуддасталарга тўлди. Кимдир унинг юзларига думалаб тушаётган ёшларни арди. Кимдир қўлтигига кириб, минбардан паства олиб тушди. Залда эса ҳамон қарсак босилмасди.

Жамол ШАРОПОВ



**ХАР ТУГРИДА
БИР ШИНТИЛ**

**Эски
тегирмон**

Одатда, Голландияни «шамол тегирмонлари мамлақати» деб аташса-да, унда сув билан ишлайдиган тегирмонлар ҳам оз эмас. Бу ерда замонавий йирик тегирмон комбинати пайдо бўлиши билан эски тегирмонларнинг бир қисми гидроэлектр станциясига айлантириб ускуналанмоқда. Дастлаб Лимбург вилоятидаги учта сув тегирмони ГЭСга айлантирилди. Меерссен шаҳарчасидаги тегирмонга 55 киловатт қувватга эга бўлган генератор ўрнатилди. Бу станция бир йилда 290 миң киловатт-соат энергия беради. Қувватнинг ортқча қисми эса вилоятдаги электр тармоқларига тушади. Қайта ускуналаш тегирмонларининг тарихий бинолари-

ни ва тўғонларини сақлаб қолиш имкониятини бермоқда.


**ХИТОЙ
КОСМОНАВТИКАСИННИНГ
ИСТИҚБОЛИ**

Пекиядан берилган хабарларга кўра, Хитой Халқ Республикасида бошқариладиган космик кемаларда учадиган космонавтларни таялашга киришилган. Уларни тайёрлаш учун космик кема кабинасининг макети яратилган, шунингдек, космонавтнинг ҳаёт кечиршини таъминлайдиган аппаратуралар системаси ишлаб чиқилган.

Чамаси, бу ерда кемани учуриш учун «Улуғ юриш» системасидаги элтувчи ракетадан фойдаланилса керак. Ракетаниннгу узунлиги 31,2 метр бўлиб, унинг дастлабки икки босқичи каттиқ ёнилғида, учинчи босқичи эса кислород-водородли ёнилғида ишлайди. Унинг фойдали юк оғирлиги 1,4 тоннани ташкил этиши мумкин. Бу миқдорни 2,5 тоннага етказиш режаси ҳам бор.

Суратда: Фарғона области, Янгиқўқон кимё заводининг ишчиси Фотима Пўлатова.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ)



Андижон пахтачилик институтининг ўқитувчиси, биология фанлари кандидати Мирзаолим Мўминов студентлар билан машғулот ўтказмоқда.

А. Караваев фотоси

**Ўқир-
Ўқулар**

«Қайта-қайта қақирганимдан кейин слесарь аранг келди. Унга: батареялар иситмаябди, чақалогимиз шамоллаб қолди, десам, у ноинсоф кекирдагига чертиб, уйни иситиш учун аввал мени иситишингиз керак, деб шама қилди».

(Кўп қаватли уйда турувчининг арани)

«Электр хақини тўлаш учун тўрт қақирим йўл босиб келсам, кассир киз: «Ток йўқ!» деб кўполлик қилди. Қизиқ, ток бўлмаса трамвай, троллейбус юрмас эди, касса ҳам ишламас экан-да?»

(Сарсон бўлган қариянинг гапи)

«Ширин сўз билан илон инидан чиқса, прорабнинг кўпол гапидан курувчилар сичқоннинг инига кириб кетади».

(Курувчилар суҳбатидан)

«Алмисоқдан бери заводда ишлаб пенсияга чиққан уста Мавлон Пўлат сўфи ўғли олтин тўй баҳона етти маҳаллага ош берди. Столга қимиз, лимонад, минерал сув қўйди. Унинг отаси ҳам шухратпараст, илвоғар эди. Зиёфатда ўзим қатнашганим учун исми шарифини кўрсатмадим».

(Имэосиз (юмалоқ) хатдан парча)



ИМТИХОН ОЛДИДАН

Кейинги кунларда шахмат мухлислари Рашид Зиятдинов номини тез-тез тилга оладиган бўлиб қолишди. Бу — бежиз эмас, албатта. Зеро, икки марта Ўзбекистон ССР чемпиони бўлган Р. Зиятдинов республикада шахмат ривожига ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшиб келмоқда. У турли бешлашувларда мамлакатимизнинг манаман деган шахматчиларига қарши дадил донга суриб, муваффақият қозongan. Вунга СССР Халқларининг VIII ёзги спартакиадаси ёрқин мисол бўла олади. Туртинчи тахтада ўйнаган Рашиднинг рақиб кучли спортчи, халқаро гротмейстер Сергей Долматов эди. Маълумки, Долматов, халқаро ва Вунититифок турнирларда

«жанг» қилишининг роса машқини олганлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун шахмат тахта-сида унга рўпара бўлишга ҳаммининг ҳам юраги дов беравермайди. Бироқ Рашид ҳам анойлардан эмас. Майдонга ғайрат билан енг шимариб тушди. Таниқли гротмейстер билан беллашиш ёш шахматчи учун жиддий имтихон эканини биларди. Қолаверса, спартакиадада ҳар бир очко олтин билан баробар. Қисқаси, Рашид ўйинни бошдан-оёқ ҳужумкорлик руҳида ўтказди ва гротмейстерни таслим бўлишга мажбур этди.

Рашид шахматчи оиласида вояга етди. Унинг отаси Оқил Ризаевич 1 разрядли шахматчи. Рашиддаги шахматга бўлган ҳавас ҳам ундан «юққан». Ўғлининг шахматга астойдил меҳр қўйганлигини сезган отаси уни пионер ва ўқувчилар саройи қошидаги шахмат тўғарагига бошлаб берди. Бу ерда у шахмат ўйинининг сирасорлари, номи оламга машҳур гротмейстерларнинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишди. Турли мусобақаларда куч синашиб чиниқа бошлади. 1974 йил, ўн беш ёшида у республика биринчилигида қатнашиб, иккинчи ўринни олишга муассар бўлди. Орадан кўп ўтмай, спорт мастерлигига номзод нормасини бажарди. Рашид галабининг қалити тўхтовсиз ҳужум эканлигини яхши билар, шунинг учун рақиб сипоҳларига қарши дадил юришлар уюштиришга ҳаракат қилар эди. Тўғри, аввалига тажрибаси камлиги тез-тез билиниб, мағлубият аламини тотишга ҳам мажбур бўларди. Турган гап, мағлубиятдан чўчиган одамдан шахматчи чиқмайди. Мағлубият сабабларини чуқур ва атрофляча ўрганиб, тўғри хулосалар чиқа-

риш албатта зарур ва шарт. Рашид мана шу йўлдан бормоқда. Шу боисдан ҳам у 1983 ва 1984 йиллар Ўзбекистон чемпионатидан биринчи ўринни эгаллади.

Рашид Зиятдинов шахмат билан актив шуғуллана туриб, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг амалий механика ва математика факультетиде ўқиди, аспирантурада таълим олди. Бугунги кунда у турнирларда фаол иштирок этапти, бўш вақтларида эса ўзи бир пайтлар шуғулланган пионерлар саройи қошидаги шахмат тўғарагиде болаларга тренерлик қилади.

Энди эса биз Рашид Зиятдиновнинг Азмиддин Хўжаев мемориалиде ўйнаган бир партиясини биргаллашиб кўриб чиқамиз. Бу партия Рашиднинг ҳаётиде муҳим ўрин тутаети. Гап шундаки, спорт мастери билан бўлган бу ўйинде голиб чиқса, мастерлик нормасини бажара оларди. Қани, кўрайлик-чи, у бунинг уддасидан чиқдимикин?

Рақиблар испан партиясининг кам учрайдиган вариантини ишга солдилар. Оқлар (А. Грушевский) фарзин қанотидаги пиёдани икки хона суриш билан ўйинга киришди.

1. e4 e5 2. Kf3 Kc6 3. Cb5 a6 4. Ca4 Kf6 5. o — o Ce7 6. Le1 b5 7. Cb3 d6 8. c3 o — o

Бир қарашда ҳар икки томонда ахвол бир хилдай туюлади. Лекин оқлар жиддий ҳужумга ўтишга шайланаётганини сезиб олиш қийин эмас.

9. d4...

Буни ҳужумга ўтиш учун сигнал деб баҳолаш мумкин. Қоралар муносиб жавоб топмаса, ҳамдемай вазиет чығалатиши мумкин.

9... Cq4!

Фил жангга отилиб чиқиб, ра-



қиб қароргоҳиде саросима тугдираети. Буни икки юришдан кейин кўрасиз. Ҳозирча... 10. Ce3 e5 11. Cd d5 12. e5 Ke4! 13. h3 Ch5 14. q4 Cq6.

Оқлар қора филин қувиб юбораман деб шох қанотидаги позициясини бұшаштириб юборди. Энди бўлса, e4 даги қора отни хайдамокчи, аммо кучи етармикин? У жуда мустаҳкам-да.

15. Kh2 a5 16. f3 a4 17. C:d5 Фd5 18. fe Ф:e4 19. Kc3 Фd3 20. Ф:d3 C:d3

Қораларнинг икки фили энди катта куч. Оқлар улар билан ҳисоблашишга мажбур.

21. Kf3 Kb4!
Қоралар сиқувни қучайтирмоқда.

22. Led1 Ce4 23. Ke1 f5
Қора филларга руҳ ёрдамга шошиляпти. Энди оқларнинг ахволи танглашди.

24. ef L:f6. 25. a3 Le6 26. Cf2 Kd5 27. Kd3 Jf8 28. K:d5 C:d5 29. Ke5 c5 30. Kd7 Jf3

Оқлар пиёдани вақтинча қурбон қиляпти. 31. de Ce4 32. Jd4 J:h3.

Оқ шох ўзинга бехатар жой излашни керак. Лекин бундай жой топилармикин? 33. Kpf1 Cc6 34. Le1 Cq5 35. Le3 Jh1+ 36. Cq1 Ce3.

Оқлар таслим бўлди. Натижаети Рашид Зиятдинов СССР спорт мастери нормасини бажаришга муваффақ бўлди.

Ш. АКБАРОВ



ҲАЖВИЙ ҚАТРАЛАР

«САЛОМАТЛИК УЧУН»

— Э, йигитмисан ўзи? Илгари бунақа эмасдинг-ку! Меҳмонлар олдида мени уялтирма. Ол. Эллик грамма ҳеч нарса қилмайди.

— Саломатлигим кўтармайди. Хабаринг бор, яқинда касалхонадан чиқдим.

— Роса ноз қилдинг-ку, лоақал, оғзингга тегизиб бер.

Косагул сазаси ўлганидан ранжиб, кетмокчидай ўрнидан қўзғалади. Давра безовталанади. Уртада нохушлик сезилади. Меҳмонлардан бири гапга аралашади.

— Исломжон, энди бизни кечирасиз-да. Олис бир шаҳардан хонадонингизга арақ ичамиз деб келганимиз йўқ. Сизнинг хурматингиз учун оз-оздан олиб ўтирибмиз. Шу хурсандчиликка ширин қилиб бермасангиз бўлмайди. Узр, отингиз нимаиди? Юнусжон? Қани, Юнусжон, бу кишига ҳам бир култумгина қуйинг. Ҳа, балли. Йигит деган мана бундай бўпти. Қани олдик...

...Палата деразасини кимдир тақиллатди. Беморлардан тетикроғи бориб, пардани кўтарди.

— Сизни сўрашяпти, — деди ҳамхонаси Иломжа.

Ислом ёстиқдан зўрга бошини кўтариб, деразага қаради: Юнус,

алланималар деб ундан ҳолаҳвол сўрарди.

Исломнинг бирдан кўз олди қоронғилашиб, аъзойи-баданида яна қаттиқ оғриқ турди. Қулоғи остида элас-элас шу сўзлар жанрангларди: «Ол... Ҳеч бўлмаса ширин қилиб бер... Саломатлик учун...»

«Миш-миш» лар қандай туғилади?

Чизмаларимнинг тақдири шахримиздаги бир мансабдорга боғлиқ бўлиб қолди. Бир оғиз гапи. Бўлади, деса, тамом. Лекин у кимю, мен ким? Дабдурустдан олдига қандай қилиб киришга ҳайрон бўлиб, бошим қотди. Юрак ютиб борганимга яраша бир иш чиқса-ку, дуруст. Чикмас-чи? Унда нима деган одам бўлман?

Ҳаётнинг аччиқ-чучуғини тогган ҳамкасблардан маслаҳат сўрадим.

— Тўғри ўйлабсан, — дейишди улар. — Фармоналиев у билан жуда қалин. Аввал ўшанга учраш, гапини ол...

Фармоналиевнинг мендан бошқа ташвиши ҳам кўп экан. Ҳа деганда таништиришга қўли тегавермади.

— Совға-салом кўтариб, уйига бор. Ишинг осонроқ кўчади.

Кейинги йўл-йўриқ шундай бўлди.

То уйини топиб, ишдан келишини пойлагунимча, олиб борган совға бир қоғоз халта сувга айланди.

«Қабулхонасидаги котиба билан таниш... У овқатланадиган ошхона йўлида кут...»

Хуллас, маслаҳатлар жонимга тегди-ю, бор-э, деб шарт идорасига бордим.

Таажжуб! Урнидан туриб кутиб олди. Гапларимни диққат билан тинглади. Чизмаларимни кўриб, маъқуллади, ёрдам беришга ҳаракат қилишини айтди.

Шунчалик экану, мен бўлса... Чиқиб кетаётиб ўйладим: «Биз одамларга кўпинча четдан туриб мана шундай нотўғри баҳо берамиз. Вировларнинг билиб-билмай айтадиган гапларига ишонмаслик керак экан».

Кўшни аёлга, вақтим йўқ, деб балога қолдим.

— Овсинжон, эрта-индин қиз узатасиз, ўғил уйлантирасиз, маҳалла керак бўлади, — деди кесатиб-муқатиб. — Бундай қўни-қўшинга ҳам аралашинг-да!!

— Хўш, нима дейсиз, нима қилай? — дедим гап халтасининг оғзини ёпиш учун.

— Эртага Марҳаматхоннигида чаллар, сизни тайинлаб айтиб кетди, шу ёққа борамиз.

— Магазинга бормоқчи эдим-а.

— Марҳаматхоннинг уйи ГУМдан ҳам зўр, кўрсангиз нақ оғзингиз очилиб қолади.

Шундай қилиб, «маҳаллага кўшилиш» учун чорларга бордим. Кўшним менга ўтирган аёлларни бирма-бир таништирар эди.

— Овсин, сиз ҳам юрибсиз-да, ишладим деб. Анави аёлга қаранг: сомсапазинг хотини.

Мен рўпарамда савлат тўкиб ўтирган хотинга қарадим. Қулоғида бриллиант исирга, бармоқларида қўша-қўша узук. Ҳатто ўрта бармоғига учта узук тақиб олибди.

— Сомсадаям гап кўп-да, — қулоғимга пичирлайди қўшним. — Ҳам энидан уради, ҳам бўйидан. Пиёё тўла ўн тўққиз тийинлик сомсани сиз билан биз индамай йигирма тийиндан олаверамиз. Қайтимини сўрашга ор қиламиз. Жарақ-жарақ пул ҳисобига хотинлари мана бунақа қорилиб ўтиради. Энди унинг ёнидаги хотинга разм солинг. Эри перашка сотади. Тўрт тийинлик бор-ку. Унда ҳам гап кўп экан...

Зимдан ўша хотинга қарайман. Оғзи тўла тилла тиш. Сал кимир-ласа, ҳаммаёғи ялтиллаб кетади. Бўйидаги тилла занжирга қаноат қилмай, етти қават дур ҳам тақиб олибди.

— Унинг ёнидаги қассобнинг

хотини, пичоғи мой устида. Эри гўшнга суяк, елин қўшиб сотади, — дейди қўшним шивирлаб. — Утиришини қаранг. — Мен аёлга разм солдим. Унинг қулоғида кичиккина бриллиант кўзли исирга, унга ҳам қаноат қилмай дур шокилдали бир парча зирак осиб олган. Вилағидаги биланузук отнинг тақасидек катта эди. Гўё бу аёллар тақинчоқ тақийида бир-бири билан мусобақа ўйнагандек эдилар.

— Енингиздаги аёл сут-қаймоқ комбинати директорининг хотини. Сут-қаймоқда ҳам гап кўп-да, — деди қўшним.

Бу аёл келганимиздан бери маникендек кимир этмай ўтирарди, ёнидагиларга, сен ҳам одамми, дегандек беписанд қарарди. Бу даврада ўтириб гўё улар таққан тақинчоқларнинг юки босгандек оғирлашиб кетдим.

— Уларни қаерда ишлашади?

— Ишлашмайди, — деди қўшним кулиб. — Эрларининг бепиллиса пулларига мана шунақа тўйма-тўй, чалларма-чаллар юриб гар-гар қерилишади. Исчиққан жойдан қолишмайди. Ҳатто икки куннинг бирида йингига боришмаса, зеркиб қолишади булар. Мана шулардан бири сизга куда-анда бўлиб қолса борми, мана бунақа дастурхон тузасангиз, тоғора ўйнатмасангиз қоласиз балога. Ҳамма ким ошди ўйинлар мана шулардан чиқади. Тўқликка шўхлик-да. Боласининг нечанчи синфда, қандай ўқиётганини сўрангчи, билармикин булар, — пикллаб кулиб юборди қўшним. — Ҳа, буларда гап кўп...

— Гап кўп бўлса, ҳозир бундайларнинг кўмири чиқиб қолган, — дедим-у ҳаво етишмагандек бўғилиб, ўрнидан туриб кетдим.

Қутби НОСИРОВА

МАГАЗИН



Енг ичиди савдо.

Х. Султонов чизган расм

Дилмурод ҲОЖИМУРОДОВ

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

БОЛАРИЛАР ҲУКМИ

Масал

Боларилар дилдан ишларди жадал, Меҳнат қизинг борар — тинимсиз уя. Кўплар ин қуради, бошқаси ҳар гап Вола боқчасида берур тарбия.

Кексалар кўрсатар йўлу йўриқлар, Ешлар бол келтирар олис-олисдан. Соқчилар эшиқда уя кўриқлар — Емонни киритмас — билишар исдан.

Аммо, бир-икки текинтомоқлар Кўпчилик болидан ўмарар зимдан. Саркор она ари сезиб, аниқлар — Ишламай ейдиган бор экан чиндан.

— Суд қиламиз сизни, берасиз жавоб, Уяда текинхўр бўлмасин сира. Уша кун суд бўлди, қилишди хитоб: «Ҳайдалсин, ҳайдалсин! Кўрилсин чора!»

Соқчи ариларга берилди буйруқ, Текинхўр ялқовнинг қирқилди боши. Шу-шу иш жойида — текинхўрлар йўқ, Меҳнат-ла ҳалолдир барчанинг оши.

* * *

Эгрилик тўзади, Тўғрилик ўзади!

ХАНДАЛАР

* * *

Янги турар жойдан квартира ордери олган киши деди:

— Қурувчиларга офарин, уйни муддатидан олдин фойдаланишга топшириб, вазибаларини қойил қилиб бажаришди.

— Уй ремонтини ҳам муддатидан олдин бошлайверсак бўлаверади, — деб қўшимча қилди ордер олган иккинчи киши.

* * *

Бекатда автобус кутавериб тоқати тоқ бўлган мўсафид диспетчердан сўради:

— Бугун автобус бўладими?
— Шифокорларнинг айтишларича, пнеда юриш саломатлик гарови экан, — деб жавоб берди барваста диспетчер йигит.

О. ФОЗИЛЖОНОВ

ЛАТИФАЛАР

* * *

Стадионда ўтирган томошабинлардан бири сеvimли ўйинчисининг шоқалоқлигидан хафа бўлиб тиззасига урди:

— Вой галварс-ей, шунча югурса ҳам тўпни дарвозага кирита олмади-я!

— Тўпни дарвозага киритиш учун оёқ камлик қилади, бошни ҳам ишлатиш керак, — деб жавоб берди Афанди.

— Ҳайбатуллоннинг ойиси ҳам бошқа бола оладиган бўлди.


* * *

Афанди ёшлигида болалар билан муштлашиб, кўйлагини йиртиб кирган эди.

— Вой шўрим, ким билан ёқалашдинг, бошқа кўйлак оладиган бўпман-ку! — деган эди онаси ранжиб. Еш Насриддин ўшанда бурнини кўтариб, шундай деган:

— Ҳайбатуллоннинг ойиси ҳам бошқа бола оладиган бўлди.

А. ИСОМИДДИНОВ



КРОССВОРД

Энига: 4. Африка гарбидаги давлат. 6. Мўйнали митти ҳайвон. 8. Адабий жанр. 12. Тасвири жумбоқ. 14. Ҳафта кун. 19. Ҳуқуқчиларнинг она тили ва адабиётдан билимларини синаб кўриш учун ўтказиладиган ёзма иш. 21. Тоғ ёки тепаликнинг ўтиш қулай бўлган жойи. 23. Бута бўлиб ўсувчи тоғ ўсимлиги. 27. Билиш, тушуниш қобилияти. 29. Сувсарлар оиласига мансуб йирткич ҳайвон. 34. Шарафли касб эгаси. 36. Қизил газлама. 38. Вокс майдони.

Бўйига: 1. Шеърый тўплам. 2. Ғалла йиғимдаги қизгин мавсум. 3. Сув йўли. 9. Меҳнат курали. 10. Эркаларнинг энг юқори овози. 16. Югуриш мусобақаларининг ҳал қилувчи қисми. 17. Дарахтнинг бутоксиз ёш аъзоси. 18. Эстониядаги дарё. 24. Меваси ширин жануб ўсимлиги. 25. Нуктадон киши. 31. Ҳаллаштирилмаган, сувсиз ер. 32. Сибирдаги автоном республика. 33. Барги шифобахш тропик ўсимлик.

Белгиланган хонадан соат мили бўйича: 5. Абдулла Қаҳҳор повести. 7. Аъло навли миллий шойи газлама. 11. Ўзбекистондаги водийлардан бири. 13. Темир йўл машинасини бошқарувчи. 15. Фарғона водийсидаги область. 20. Тожикистондаги тоғли ўлка. 22. Маълум шароитда жисмнинг мажбурий тебранишлари амплитудасининг кескин ошиб кетиши. 26. Пахта терини машинаси қисми. 28. Спорт тури. 30. Учши аппарат. 35. Музыка асари жанри. 37. Меваси зирavor сифатида ишлатиладиган ёввойи ўсимлик.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

12-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 7. Механика. 8. Қўрғошин. 9. Март. 10. Олабуга. 13. Узук. 14. Каскад. 15. Опарин. 16. Антонов. 20. Архимед. 24. Камалак. 29. Комета. 30. «Аврора».

31. Гоби. 32. Обигарм. 33. Вахт. 34. Кемерово. 35. Миршакар.

Бўйига: 1. Бекасам. 2. Пахтакор. 3. Нишолда. 4. Ерматов. 5. Локувард. 6. Мичурич. 11. Ают. 12. Уран. 17. Нарва. 18. Окжиза. 19. Онега. 21. Астгилден. 22. Мураббаъ. 23. Воронеж. 24. Камолот. 25. Мари. 26. Лола. 27. Кашмири. 28. Крахмал.

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МУЎДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь),

О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари),

Х. ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ, К. ЯШИН

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Топкент—II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; илтимой-саъсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, маданият бўлими — 33-36-59; расомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 17.12.1986 й. Босинга рухсат этилди 27.01.1987 й. Р—10536. Қоғоз 70×108/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 172509. Буюртма № 5278. Нашр — Б-110.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Топкент—II, Ленин кўчаси, 41.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Тошкентнинг икки миллиончи граждани туғилди. Суратда (чапдан ўнгга): шаҳар I-шифохонаси туғруқхона бўлими ҳамшираси Мубира Хўжаева, икки миллиончи граждани — САОДАТнинг онаси Дилбар Далахонова, ҳамширалар Умринисо Қўчқорова ҳамда Машҳура Азимжонова.

А. Кошкин фотоси (ЎзТАГ)

Иккинчи бет: 1986 йил 31 октябрда чекланган совет қўшиқлари составидан олтига полкни Афғонистондан олиб чиқиб кетиш тугалланди. Суратда: интернационалист жангчи Фахриддин Бегимкулов белгиланган қисмлар билан бирга, лика она-Ватанга қайтиб, полкдошлари қаторида ўз бурчини ўтамоқда.

В. Мосин фотоси

Ҳарбий учувчилар дам олишда.

А. Кошкин фотоси (ЎзТАГ)

Учинчи бет: Тўрткўл райондаги Димитров номи колхозининг илғор сут соғувчилари; «Совет Ўзбекистони» колхозида янги ерларни ўзлаштириш.

А. Жданов фотолари

Тўртинчи бет: Ҳамзаободлик дорбоз Аҳад Набиев етакчилигидаги труппа томошалари ҳамisha завқлидир.

В. Никонов фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайд.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Журналнинг бу сонидagi айрим материалларини тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Вокруг света» журналичан фойдаланилди.



